**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО
ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**Нилуфар ТЎЙЧИЕВА**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ҚАЛАНДАРИЙЛИК ТАРИХИ

***Монография***

"BOOKMANY PRINT"
Тошкент – 2022

**УЎК: 28(091)(575)**
**94(575)**
**КБК: 86.38г(543)**
**63.3(543)**
**Т 95**
**Тўйчиева, Нилуфар**
Марказий Осиёда қаландарийлик тарихи [Матн] / Н.Тўйчиева. – Тошкент: Bookmany print, 2022. – 160 б

**Масъул муҳаррир:**
**И.Усмонов** – *тарих фанлари номзоди, доцент.*

**Тақризчилар:**
**Н.Насруллаев –** *тарих фанлари номзоди*
**С.Рафиддинов –** *филология фанлари номзоди*

Ушбу монографияда қаландарийликнинг назарий-тарихий асослари ўрганилади. Унга кўра, қаландарийликнинг фаолият сифатида ёритилиши, вужудга келиш шарт-шароитлари, тариқатларнинг йўналишлари, маломатийлик билан боғлиқ жиҳатлари, қаландарийлик тимсоли акс эттирилади. Шунингдек, ёзма манбалар сифатида битилган қаландарномалар Шарқ фондларида сақланаётган қадимги нусхалар ва архив ҳужжатлари ёрдамида талқин этилади. Унда қаландарийликнинг Марказий Осиёдаги фаолияти, хусусан, жадид адибларининг уларга муносабатлари ҳамда ҳозирги кундаги қаландарийликнинг замонавий тариқатларда намоён бўлишига оид муҳим маълумотлар ўрин олган.

Мазкур монография Ўзбекистон тарихи, тарихшунослик, исломшунослик, ислом тарихи, тасаввуф ва унинг тариқатлари бўйича таълим олувчи бакалавр ва магистр талабалар ҳамда кенг китобхонларга мўлжалланган.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 06 июндаги 03-07/4591-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*

*Ушбу китоб Ўзбекистон халқаро ислом академияси Кенгашининг 2022 йил 30 апрелдаги кенгашининг 9-сонли мажлиси тавсияси асосида чоп этилган.*

**ISBN 978-9943-8397-9-3**

© Н.М.Тўйчиева, 2022
© “BOOKMANY PRINT”, 2022

# КИРИШ

Жаҳонда инсон моддий ҳаёти тараққий этиб бораётган бир вақтда ахлоқий тафаккурни юксалтириш инсониятга маънавий таназзулдан қутилиш имкониятини тақдим этади. Ўрта асрлар тарихида тасаввуф таълимоти инсонни маънавий ва ахлоқий ривожлантирувчи омил вазифасини бажарган. Тасаввуф йўналишларидан бири қаландарийлик “риё” ва “нафс”га қарши кураш воситаси бўлибгина қолмай, ўзида мумтоз тасаввуф анъаналарини мужассам этгани билан ҳам бошқа тариқатлардан ажралиб туради. Қаландарийлик кишининг руҳий оламини тарбияловчи восита сифатида ҳам эътироф этилаётгани боис унга ахлоқий камолот, инсоний бирдамлик, қаноат ва маънавий тараққиёт намунаси сифатида қаралмоқда.

Дунёнинг илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим даргоҳларида қаландарийликнинг ижтимоий, тарихий ва тасаввуфий моҳиятини ўрганиш борасида кўплаб изланишлар амалга оширилаётгани ушбу турдаги тадқиқотларнинг илмий аҳамияти юқори эканлигидан далолатдир. Қаландарийликнинг тариқат сифатида вужудга келиши, ғоялари, ҳудудлар бўйича тарқалиши, ривожланиш сабаблари, йўналишлари, тараққиёт ва таназзул босқичлари юзасидан Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бироқ ҳозирда қаландарийлик тариқатининг минтақавий хусусиятлари ва амалий жиҳатлари билан боғлиқ масалаларни нотўғри талқин қилиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Шу боис қаландарийликнинг асл моҳиятини ҳаққонийлик ҳамда илмийлик тамойилларига таянган ҳолда ўрганиш ушбу йўналишдаги тадқиқотлар самараси янада бойишига ва холисона қарашларнинг тизимли шаклланишига хизмат қилади.

Сўнгги йилларда Марказий Осиё тариқатларининг тарқалиши ва илмий-маърифий меросини ўрганиш билан боғлиқ илмий изланишларга катта имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, Мир Араб олий мадрасаси

ҳузурида Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф илмий мактабининг ташкил этилиши, Етти пир тарихини ўрганишга бўлган эътиборни фикримизнинг амалий тасдиғи сифатида кўриш мумкин. Тасаввуфга оид манбаларда қаландарийлик тариқати вакиллари руҳий камолотга эришган софдил кишилар сифатида эътироф этилган. Ўзбекистонда қаландарийлик тариқатининг тасаввуф тарихи ва адабиётда талқин этилиши билан боғлиқ илмий изланишлар амалга оширилмоқда. “Қаландарнома” туркумида ёзилган китоблардан айримлари таржима қилинганига қарамай, Марказий Осиё қаландарийларининг йўналишлари, зикр услублари, жаҳонгашталик принциплари, масканлари, етакчи пирлари, бошқа ҳудудлардаги тариқат вакилларидан фарқли жиҳатларини тадқиқ этиш зарур ҳисобланади.

Монографияда XI асрда маломатийлик ҳаракати негизида вужудга келган қаландарийлик дастлаб шариат нормалари доирасида фаолият олиб боргани, бироқ ундаги тартиб-қоидаларнинг сирлилиги ва мураккаблиги сабабли оммалашмай қолгани, натижада қаландарийликнинг асл моҳияти фақат “маломат”, “ихлос”, “фақр” мақомларидагина сақланиб қолингани очиб берилган.

Марказий Осиёда қаландарийликнинг юзага келишига асосий омил сифатида шариат ва тасаввуф вакиллари орасида тарқалиб бораётган “риё”нинг олдини олишга ва нафсниислоҳ қилишга қаратилганлиги ҳамда ушбу иллатларнинг муолажасида “сидқ” ва “ихлос” ғояларига кенг таянилгани билан боғлиқ хулосалар монографияда акс этган.

Ўрта асрларда қаландарийлик ҳақидаги танқидий қарашларнинг шаклланишига Эрон тариқатларига хос бўлган “ваҳдат ал-вужуд”, “ҳулул”, “таносух” ғояларининг кириб қолиши сабаб бўлгани асослаб берилган.

XIX аср охири ва XX асрларга келиб Туркистон ўлкасининг иқтисодий-ижтимоий таназзули натижасида оддий аҳолининг қаландархоналардан бошпана ва егуликни беғараз топиш имконияти мавжудлиги сабабли қаландарлар сафи кўпайиб, қаландархоналар сони 100 дан ошгани очиб берилган.

Қаландарийлик тариқати вакилларининг Эрондан Марказий Осиёга кириб келиши, уларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилиниб,

минтақада шаклланган “қаландархоналар” фаолиятининг ривож топиши, бадиий адабиётда қаландар ва дарвеш каби атамалар нафсни жиловлаган, руҳий камолотга эришган кишиларга нисбатан қўлланиши, XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи чорагида қаландарийлик фаолияти авж олиб, қаландарликка хос жамоалар шаклланиши, минтақа ижтимоий-диний ҳаётида қаландарларнинг тутган ўрни илмий жиҳатдан асосланган.

Монография муаллифи бугунги кунда тариқатчилик вакиллари фаолиятида кузатилаётган, ижтимоий қонун-қоидаларга бўйсунмайдиган қаландарийларга хос бўлган илмга эътиборсизлик, таваккулга чуқур берилиш, ибодатга бефарқлик, ноодатий либослар кийиш орқали кишилар эътиборини жалб қилиш, оила таъминотини тарк этиш каби даъволарни очиб беришга ҳаракат қилган.

Муаллиф томонидан “Қаландарнома” жанрининг юзага келиши ва илмий аҳамиятини очиб бериш мақсадида ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинасида сақланаётган қўлёзма нусхалар аниқланган ва таҳлил қилинган.

Жадидлар даврига оид маҳаллий матбуот мақолалари ўрганилиб, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг биринчи чорагида Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистондаги қаландарийларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи ва қаландархоналардаги ҳолатларни ўрганиш асосида олинган натижалардан ислом тарихи ва манбашунослиги, тасаввуф тарихига оид маълумотлар баъзасини шакллантиришда фойдаланилган.

Умид қиламиз-ки, монографияда тарихимизнинг кам ўрганилган жиҳатларидан бири бўлган қаландарийлик мавзусига доир кўплаб янги маълумотларни ўқувчиларга етказишда ва фикр-мулоҳазаларни муқояса қилишда муҳим аҳамият касб этади.

# ҚАЛАНДАРИЙЛИК ТАРИҚАТИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

## Манба ва адабиётларда қаландарийлик тариқати фаолиятининг ёритилиши

Қаландарийлик тариқати тарихини ўрганишга киришишдан аввал бу атаманинг келиб чиқишига аҳамият қаратиш зарур бўлади. "Қаландар" атамаси ижтимоий ва маънавий ҳаётимиздан чуқур жой олган. Турли даврларда ушбу атамага турфа таърифлар берилган. Атама тарихий, илмий ва адабий аҳамиятга эга саналади[1]. Мазкур монографияда, асосан, XI асрдан кейинги даврлардаги "қаландар" атамаси назарда тутилган. Маълумки, ундан олдин ҳам ушбу атама қўлланилган бўлиб, биз бугун тушунган маънода эмас.

Олимлар "қаландар" атамасининг этимологияси хусусида ҳозиргача бир тўхтамга келмаганлар. Уларнинг қаландарларнинг дастлабки кўринишлари ва тариқатнинг пайдо бўлиш жараёнига оид қарашлари нисбий саналади. Ҳатто "қаландар" сўзининг илдизи ва қайси тилдан келиб чиққани ҳам аниқ белгиланмаган[2].

Мазкур атаманинг келиб чиқиши борасида баъзи тахмин ва қарашлар мавжуд:

1. Қаландар – форсчада "каттароқ", "йирикроқ", "оғир юк кўтарган бесўнақай одам", "дарвоза орқасидан тираб қўйиладиган, текисланмаган, қалин ёғоч тўнка" маъноларини билдиради[3];

---

[1] Sadettin Kocatürk, "Kalenderiyye Tarikatı ve Hatîbi Fârisî'nin Kalendernâmesi", İran Şehinşahlığı'nın 2500. Kuruluş Yıldönümüne Armağan, – İstanbul 1971, – S. 223.

[2] Рафиддинов С. Қаландар атамасининг этимологияси ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1998. – № 5. – Б. 60.

[3] Турк энциклопедияси. 21-жилд. – Анкара. 1974, – Б. 159.

2. Қаландар – грекча "тақдирламоқ", "таклиф қилмоқ" маъноларида қўлланилади[4];

3. Қаландар – сўзи "қалан" ва "андар" сўзларининг бирикишидан ҳосил бўлган. Маъноси: "оғир юк ташиган", "оғир юк остида қолган" ёки арабча "ақалл" ва форсча "андар" сўзларидан таркиб топиб, "оз, аҳамиятсиз бир аҳволда" деган маъноларни англатади. Бу атама мажзуби соликин, сулукдан сўнгра жазбага етишган бир солики мажзубнинг лақабига нисбат берилган[5] деган қарашлар ҳам мавжуд;

4. Қаландар сўзи "ко" ва "лангар" сўзларидан ясалган бўлиб, "ко" сўз ясовчи қўшимча бўлиб, тегишлиликни англатган, "лангар" эса жамоавий истиқомат манзилидир. Яъни, лангархонада яшовчи шахс[6] сифатида ҳам келтирилган.

5. Қаландар – санскритчада "қонундан ташқари", "қонунни бузувчи" маъноларини англатган[7].

Қаландар сўзи риндлар, гадолар ва дарвешларнинг бир гуруҳини номи бўлган деган тахминлар ҳам мавжуд. Тариқат асосига хос қоидабузарлик одати қадимда ҳам аксар гуруҳларда мавжуд бўлган бўлгани юқоридаги фикримизнинг далилидир. Уларни баъзи манбаларда "ринд"лар деб аталишининг сабаби ҳам шунда деб қаралади[8].

"Қаландар" ва "дарвеш" сўзлари адабиётларда маънодош сифатида ишлатилади. Аммо дарвеш арабча фақир сўзига кўпроқ мос тушади[9]. "Қаландар" атамасини кўплаб адиблар, жумладан, Абдуллоҳ Ансорий (ваф. 1089), Ҳаким Саноий (ваф. 1131), Фаридуддин Аттор (ваф. 1220) кабиларнинг ижодида қўлланилгани кузатилган. Қаландарлик атамаси ҳудуди ва даврига кўра бир қанча сўзлар билан синоним тарзида ишлатилган. Жумладан, Ҳиндистон, Эрон, Марказий Осиёда қаландар

---

4 Ислам: энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – С. 129.

5 Turk ansiklopedisi. Maarif Basimevi. Ankara. 1974. – Cilt.21. – S. 351.

6 Муҳаммад Ризо Шафиъий Кадканий. Қаландария дар тарих. – Теҳрон. Сахн. 1386. – Б. 42.

7 Ahmet Yaşar Ocak, Osmanlı İmparatorluğunda Marjinal Sûfîlik: Kalenderîler, Ankara 1992. – S. 15.

8 Зарринкўб Абдул Ҳусайн. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе: Ирфон, 1992. – Б. 303.

9 Гафуров А. Имя и история. – М.: Наука, 1987. – Б. 20-21.

сўзига маънодош сифатида “дарвеш” атамаси, Туркияда эса, абдоллар, ишқийлар, торлаклар қўлланилган. Европада бу атама янада салбий маънода ишлатилиб келинган[10].

Хатиби Форсийнинг “Қаландарнома”[11]сида келтирилишича, Эронда қаландарийликка тариқат тусини берган шахс Жамолиддин Савий (ваф.1221) ўзининг шогирди Муҳаммад Балхий[12]га “қаландарий” сўзининг рамзий маъносини очиб берган. Унга кўра, “қаландар” беш ҳарфдан ташкил топган бўлиб, ҳар бири алоҳида маъно касб этади.

“Қоф” – қаноатни англатади. Қаноат шундай нарсаки, у ганжу дурлардан яхшироқдир. Қаноатли киши тамадан йироқ бўлади. Қаноат сиддиқларнинг сифати, тамагирлик эса дилни сиёҳ қилади.

“Лом” – латифлик. Чунки, бу сифат Яратганга хосдир. Аллоҳ бандаларига нисбатан латиф бўлиб, хулқларнинг нақши латифликдир.

“Нун” – ҳарфи надомат демакдир. Яъни, қилган гуноҳ ва маъсиятларига надомат қилиш, ачиниш. Инсон қиёматда исёнларига нисбатан надомат қилади. Фақир эса тириклигида гуноҳларига афсус ва надомат қилиши лозим.

“Дол” – диёнатдан далолат. Дин кўрсатмаларига амал қилиш, диёнатли киши олий мақомда эканини амалда кўрсатиб бериш бу – диёнат. Диёнат бу ҳақиқат.

“Ре” – риёзат. Қаландар бўлишни ихтиёр этган кишини оқибат риёзат тутади. Бу охирги босқич бўлиб, Муҳаммад пайғамбардан меросдир. Риёзат нафс ва майлни сўндиради. Инсоннинг нафси ўзига душман бўлиб, риёзат руҳни, қалбни поклайди. Кимки камолотга эришган бўлса, бу риёзат сабабидан. Шу тариқа Жамолиддин Савий муриди Муҳаммад Балхийга қаландарлик сифатларини баён қилган.

Марказий Осиёда “қаландар” ва “қаландарий” атамаси кўплаб тарихий, адабий ва тасаввуфий манбаларда кузатилади. Улар ҳамма

---

[10] Ислам: энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – Б. 130.

[11] Ҳамийд Зарринкуб. Қаландарномэи Хатиби Форсий ё Сийрати Жамолиддин Совважий. 1363. Тус. – Б.82-83.

[12] Жамолиддин Савийнинг тўрт халифасидан бирининг номи.

вақт ҳам бир хил маънода қўлланилмаган. Масалан, адабий манбаларда рамзий маънода тақводор, зуҳдга берилган, мол-дунёдан кўнгил узган суфий кишиларга нисбатан “қаландар” сўзи ишлатилган. Бу ерда тариқат вакили назарда тутилмайди. Аммо “қаландарий” деганда эса бевосита қаландарийлик тариқати вакили тушунилади.

Тасаввуфий адабиётларда қаландарийлик Марказий Осиё ҳудудида кенг тарқалгани ва унинг пайдо бўлиш илдизлар шу ҳудудга даҳлдор экани кўп маротаба таъкидланишига қарамай, тасаввуфга оид замонавий тадқиқотларда қаландарлар ҳақида маълумот берилганда аксар ўринларда эронлик қаландарлар мазкур тариқатнинг вакиллари сифатида келтирилган. Уларнинг аксариятида Эрон ва Туркия (ҳозирги) қаландарлари фаолияти кенг ёритилиб, уларга хос жиҳатлар очиб берилган. Марказий Осиё қаландарлари фаолияти ва уларнинг хусусиятлари бугунги кунгача акс этмай қолмоқда.

Ғарб тарихчи, шарқшунос, этнограф, исломшунос, сайёҳ изланувчилари Е.Бертельс, О.Бёрк, И.Гольдцигер, А.Кныш, П.Позднев, И.Петрушевский, Т.Старадуб, Дж.Тримингэм, А.Хисматуллин, А.Шиммел ва К.Эрнстлар қаландарийликнинг Марказий Осиёда ҳаракат шаклида пайдо бўлиши ва тариқат сифатида Эронда ривож топишига оид тадқиқотларни эълон қилганлар[13].

[13] Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – 523 с.; Бёрк О. Среди дервишей. Пер. с англ. С.В.Нилов М. Сампо 2002 г. – 192 с.; Гольдцигер И. Лекция об исламе. – Брокгаузъ: Ефрон, 1912 г. – 454 с.; Кныщ А. Мусульманский мистицизм: краткая история. – Москва: Диля, 2004. – 464 б.; Позднев П. Дервиши мусульманском мире. – Оренбург: типография Б.Бреслина, 1886. – 386 б.; Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII - XV веках (курс лекций). – Ленинград: Издательство Ленинградского университета, 1966. – 400. с.; Стародуб Т.Х. Средневековая архитектура, связанная с суфизмом: ханака, завия, такия / Суфизм в контексте мусульманской культури. – Москва: Наука, 1989. – 268-280 с.; Тримингэм Дж. Суфийские ордены в исламе. – Москва: Наука, 1989. – 326 с.; Хисматулин А. Суфийская ритуальная практика. СПб: Петербургское востоковедение, 1996. – 208 с.; Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – Москва: Алетейя, Энигма, 2000. – 414 с.; Эрнст К. Суфизм. – Москва: ФАИР-ПРЕСС, 2002. – 320 с.

А.Троицкая, Г.Снесарев, О.Сухарева ва В.Верещагин[14]ларнинг тадқиқотлари ўрганиш доирасида Марказий Осиёдаги қаландарларнинг фаолияти, уларнинг ташқи қиёфалари ва кийиниш услублари, яшаш тарзи берилган бўлса-да, мазкур тариқат вакилларининг қарашлари, қаландархоналар фаолияти ҳақидаги маҳаллий ёзма манбалар махсус тадқиқот жараёнларига жалб этилмаган. Натижада қаландарлар фаолияти асл манбаларига таяниб эмас, балки амалий жиҳатларига асосланиб ёритилган.

Ўзбекистонда қаландарийлик тариқати ҳақида Н.Комилов, С.Рафиддинов, И.Остонақулов, И.Усманов, Ҳ.Юлдашходжаев ва К.Раҳимов[15] каби шарқшунос, тарихчи, исломшунос, адабиётшуносларнинг китоб ва илмий мақолаларида маълумотлар учрайди. Уларнинг тадқиқотларида қаландарларнинг амалий фаолияти, турмуш тарзи, ташқи кўринишлари билан боғлиқ тафсилотлар берилган

[14] Троицкая А. Из Прошлого каландаров и маддахов в Узбекистане // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – Москва: Наука, 1975. 191-223 с.; Тороицкая А. Материалы по истории Кокандского ханства. XIX вв. – Москва: Наука, 1969. – 155 с.; Снесарев Г. Под небом Хорезма. – Москва: Мысл, 1973. – 160 с.; Сухарева О. Ислам в Узбекистане. – Тошкент: Издательство Академии Наук Узбекистанской ССР, 1960. – 85 с.; Сухарева О. Позднефеодальный город Бухара. – Тошкент: АНУССР, 1962. – 194 с.; Сухарева О. Древние черты в формах головных уборов народов средней Азии. – Москва: 1954. 334-335 с.; Верещаген В. От Оренбурга до Ташкента. Москва:1867-1868. – 129 б.

[15] Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мавороуннаҳр, 2009. – 448 б.; Бабаджанов Б. Возрождение деятельности суфийских групп. / Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования) Сб. ст. памяти Ф.Майера (1912-1998) // Сост. и отв. Редактор А.А.Хисматулин. СПб ГУ: 2001.; Манакиби Дукчи Ишан (Аноним жития Дукчи Ишана – предводителя Андижанского восстания 1898). Пер. с араб., введение и комментарии Бабаджанова Б. – Алматы: Дайк-Пресс, 2004. – 398 с.; Рафиддинов С. Ўзбек адабиётида қаландарийлик ғоялари. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2000, № 6. – Б. 3-6.; Остонақулов И. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий ва унинг "Тазкират ул-авлиёи туркий" асари. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2007. – 184 б. Остонақулов И. Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2004. – 256 б.; **У**сманов И. Наводир ал-усул ҳикматлари. – Тошкент: Фан, 2009. – 175 б; Йўлдошхўжаев Ҳ. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2010. – 78 б.; Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуф тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: Академнашр, 2020. – 400 б.

бўлса-да, лекин қаландарийликнинг тариқат сифатида шаклланиш жараёнлари ва ғоявий асосларига, тоифаларга ажратилишига, манбалардаги хусусиятлари билан боғлиқ жиҳатларига аҳамият қаратилмаган.

Қаландарийлик тарихига замонавий хорижий олимлардан Аҳмад Яшар Ожак, Муҳаммад Кара Мустафо, Муҳаммад Шафиъий Кадканий, Абул Ҳусайн Зарринкўб, Саййид Абу Толиб Миробидин ва Абул Фадл Қунавий ўзлари яшаган ҳудуддаги қаландарларнинг тутган ўрнини, шариат аҳлининг уларга қарши фатволарини, қаландарларга нисбатан ижобий ва салбий муносабатларини асарларида тадқиқ қилганлар[16]. Мазкур асарлар Эрон ва Туркия қаландарларининг тарихи ва ривожи билан боғлиқ маълумотларни ўзида жамлаган. Ушбу тадқиқотларда акс этган маълумотлар орқали қаландарларнинг минтақалараро фарқларини муқояса қилиш имконли юзага келади.

Мазкур китоб юқорида зикр этилганлардан фарқли равишда қаландарийлик тариқатининг Марказий Осиё (асосан, Ўзбекистон) даги фаолияти ва улар ҳақида маълумот берувчи асарларни комплекс тарзда тадқиқ ҳамда таҳлил қилишни кўзда тутади. Марказий Осиёда ҳукмрон мазҳаб мақомини эгаллаган суннийлик-ҳанафийлик мазкур ҳудудда суфиёна қарашлар ва турмуш тарзининг шаклланишида муҳим омиллардан бири бўлган[17].

Қаландарийлик ғоялари ҳам ҳанафийлик таълимоти тарқалган ҳудудларда вужудга келиши билан бирга кўп асрлар мобайнида турли ҳудудлар бўйлаб кенг ривож топган. Турк олими Аҳмет Кара Мустафо қаландарийлик ҳанафийлик тарқалган ҳудудларда анча эркин ҳаракат қилганини таъкидлайди[18].

---

[16] Ahmet Yaşar Ocak, Osmanlı İmparatorluğunda Marjinal Sûfîlik: Kalenderîler, Ankara 1992. – 267 b.; Муҳаммад Ризо Шафиъий Кадканий. Қаландария дар тарих. – Теҳрон. Сахн, 1966. – 606 б.; Зарринкуб Абдулҳусайн. Чустичу дар тасаввуфи Эрон – Душанбе: Ирфон, 1992. – 396 б.; Саййид Абу Толиб Мир Обидин. Ойини қаландарий. – Теҳрон. 1954. – 71 б.; Абул Фадл Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Қунавий. Ас-Суфиятул қаландария. – Мадина, 2002. – 319 б.

[17] Усманов И. Мовароуннаҳр тариқатларида ақидавий қарашлар // Илмий таҳлилий ахборот: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. – Тошкент: ТИУ, 2017. №3. – Б.4.

[18] Ahmet Karamustafa. God's unruly friends: dervish groups in the islamic middle period 1200-1550 paperback – june 1, 2006.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қаландарийлик тарихи, юзага келиш шарт-шароитлари, ғоявий асослари ва йўналишларини ёритувчи манбаларни 4 туркумга бўлиш мумкин:

1) Қаландарийлик тариқати ҳақида маълумот берувчи саёҳатнома китоблар. Ибн Баттута (1304-1377), Армини Вамбери (1832-1913), рус рассом ва сайёҳи Василий Верешагин (1842-1904)ларнинг “Саёҳатнома” туркумидаги китоблари шулар жумласидан. Улар орасида Ибн Баттутанинг қаландарларга нисбатан холис ва мўътадил ёндашуви ўзига хослиги билан ажралиб туради. А.Вамбери ва В.Верешагиннинг китобларида Марказий Осиёдаги қаландарлар муболаға билан жамиятнинг қолоқ вакиллари сифатида таърифланган. Уларнинг ёндашувларида танқидийлик кайфияти яққол сезилади. Николас де Николайнинг “Кемалар навигацияси”, Жованно Антонио Менавино (1492-1514)нинг “Саёҳатнома” туркумидаги китобларида ҳозирги Туркия ҳудудидаги қаландарларнинг ташқи қиёфалари, ҳаёт тарзи, жамиятда тутган ўрни ёритилган.

2) Кейинги тур қаландарларнинг амалиёти ва ғоявий асосларини ўзида жамлаган тасаввуфий манбалар ҳисобланади. Уларни шартли равишда 3 туркумга бўлиш мумкин:

а) ўзларини қаландар деб ҳисоблаган суфийлар томонидан ёзилган манбалар. Бобо Тоҳур Урён, Саноий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз, Фахриддин Ироқий қолдирган ёзма ижод намуналари шулар жумласидан. Уларнинг рубоий, ғазал ва маснавийларида қаландарлик шарафли даража ва мақталган мартаба сифатида эътироф этилган;

б) ўрта аср муҳитида яшаб қаландарлар ҳаётини ёритган суфийлар. Абдуллоҳ Ансорийнинг “Қаландарнома”, Абдураҳмон Суламий “Рисолаи маломатия”, Абу Ҳафс ас-Суҳравардий “Авроиф ал-маъориф”, Абдураҳмон Жомий “Нафахоту-л-унс мин хазароти-л-қудс”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ал-қулуб” ва Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний” асарлари қаландарлар ҳақида объектив маълумот беради. Бу асар муаллифлари қаландарларни маломатийларга солиштириб сохта ва ҳақиқийга ажратиб таҳлил қилганлар;

в) қўлёзма манбалар: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтидаги

"Қаландарнома"лар (9175; №11668), Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Манбалар хазинаси фондидаги "Рисолати дарвеш ва қаландар" (1090/ 255/2), "Дар баёни имон ва мақомати дарвеш" (1093-255/V), "Рисолати қаландарий" (1099-279/II), Туркия марказий кутубхонаси "Рисолаи қаландарномэ" (Dem No: 137648/ Tas No: 2977) қўлёзмалари.

3) Туркистон ўлкасида фаолият олиб борган қаландарлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган материаллар, хусусан, "Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси" (И.-1-фонд), Сирдарё вилояти бошқармаси (И.-17-фонд), "Жиззах вилояти началниги рапорти" (И.-21-фонд). Жадид даврий матбуотида чоп этилган мақолалар: "Садои Туркистон" (1914. 1-сон), "Қизил байроқ" (1920. 8-сон; 1920. 138-сон), "Туркистон" (1923. 169-сон; 1923 185-сон.), "Ёш ленинчи" (1991. 24-июль) ҳамда Рус олими П.Поздневнинг "Дервиши в мусульманском мире" китоби. Муаллиф мусулмон оламида тарқалган дарвешлик фаолияти ҳақида маълумот берар экан, араб оламидан тортиб то Туркистон ўлкасигача бўлган ҳудудларни қамраб олган. Қаландарларнинг тарқалган минтақаси ва амалиётига доир маълумотларга эътибор қаратган. П.Позднев ўз тадқиқотида дарвеш ва қаландарларни бир тоифа кишилари сифатида келтирган. Уларни бир-биридан ажратмаган ҳолда тадқиқ қилган.

4) Замонавий тадқиқотлар. Тадқиқотга маҳаллий ва Яқин Шарқ тадқиқотлари, рус-совет олимлари, Ғарб шарқшуносларининг илмий изланишлари жалб этилган бўлиб, уларда ўзига хос умумий ва хусусий нуқталар мавжуд. Уларнинг тадқиқотларида қисман Марказий Осиё ҳудуди қаландарларининг фаолиятига ҳам аҳамият қаратилган.

Қаландарийлик тариқатининг Эронда шаклланиши ва ҳозирги Туркия, Ҳиндистон ва Ўзбекистон ҳудудида фаолият олиб бориши билан боғлиқ маълумотларни тақдим қилишда турк тадқиқотлари алоҳида ўрин туради. А.Ожак, А.Карамустафа, Саъдиддин Кўжатурк, Исмат Кайўғли, Меҳмет Эртан, Али Акбар Каиванфарлар шулар жумласидандир. Мазкур олимлар ўз мақола ва рисолалари орқали Туркияга хос қаландарларнинг Усмонли турклар даврида кенг тарқалгани, уларнинг фаолияти билан кенг оммани таништиришга муваффақ бўлганлар.

Марказий Осиёда қаландарийлик тариқатинининг тарихи ва улар яшаган ҳудудлар билан боғлиқ маълумотлар саёҳатномаларда ўз аксини топган. Тасаввуфий манбалар қаландарийликнинг тариқат сифатидаги аҳамиятини, қаландарнома қўлёзмалари эса амалий жиҳатлари билан боғлиқ хусусиятларини ва Ўзбекистон Миллий архиви ҳужжатлари жамиятда тутган ўрнини очиб беришга хизмат қилган.

## Марказий Осиёда қаландарийлик тариқатининг вужудга келиш шарт-шароитлари

Марказий Осиёда қаландарийлик тариқатининг фаолияти уч даврга бўлиб ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир давр мазкур тариқатнинг эволюцияси ҳамда ўзига хосликларини намоян қилиши билан ажралиб туради. Жумладан, биринчи давр IX-XI асрларни ўз ичига олиб, бу вақтда қаландарийлик маломатийлик ғояларидан таъсирланиб вужудга келган илк давр эди ва “риё” ҳамда “нафс тарбияси” масаласида маломатийлик билан якдил қарашга эга бўлган. Ҳар икки йўналиш вакиллари ҳам кишиларнинг маломатидан чўчимаслик, натижада эса уларга яхши кўринишга интилишни яъни, риёнинг олдини олишга ҳаракат қилганлар. Руҳни поклаш, ботинни гўзаллаштириш, энг муҳими солиҳ амалларда холислик тамойили қаландарларнинг бирламчи мақсадлари бўлган.

Тасаввуф илмининг етук олимларидан ҳисобланган Абдураҳман Суламий (ваф. 121 й.) “Рисалату-л-маламатия”[19] номли китобида маломатийлик ва қаландарийликнинг туташтирган жиҳатлар ҳақида сўз юритган. Унинг фикрига кўра, маломатийларнинг илк вакиллари Ҳамдун Қассор, Абу Ҳафс Ҳаддод ва Абу Усмон Ҳирийлардир. Улар хулқ ва одобларидаги ижобий жиҳатларни имкон қадар сир тутишга уринганлар. Амалларни ошкор қилмаслик ва ҳатто гапирмаслик зарурлигини таъкидлаганлар. Хайрли амалларини халқ назаридан сақлаш баробарида гуноҳларини тан олишни фазилат деб

[19] Суламий Абу Абдураҳмон Муҳаммад бин Ҳусайн. Рисалату-л-маламатия. – Миср, Куллияту-л-одоб. 1942. – Б. 4-5.

билганлар. Яратганга бўлган қурбат ва ибодатларини яширишлари, ботинларидагини мудом махфий сақлашлари асосий мезон саналган. Уларнинг тоифалари саналган қаландарийлар томонидан мазкур қарашлар ўзлаштирилиб, зоҳирий амаллар ва ботин ҳақиқати халқдан пана қилиниши тарғиб қилинган. Ҳаттоки, илм олишда ҳам сирлилик амалиёти бирламчи масала саналган. Илмни ошкора ўрганмаслик ва уни ҳар ерда сўзлаб юришдан эҳтиёт бўлишлик холислик тамойилини юзага келтиради деб эътиқод қилганлар.

Ибн Арабий "Футуҳоту-л-маккия" асарида маломатийлар ва уларнинг жамоалари мартабасини соликларнинг энг юқори даражаси деб қайд этган[20]. Уларнинг энг мақтовга лойиқ сифатлари бу – Яратган олдидаги мақомлари ва амалларини халқдан сир тутишларидир, деб таъкидлайди. Шунингдек, бу тариқат ҳамма учун эмас, балки хослар жамоасига мўлжалланган эканини баён қилган. Маломатий жамоа вакиллари шундай кишилар-ки, улар суфийларнинг хосларидир деб уларга юқори баҳо берган.

Қаландария тариқати вакиллари хусусида мутасаввиф олим Шаҳобиддин Умар ас-Суҳравардий (ваф. 1168 й.) ўзининг машҳур "Аворифу-л-маъориф"[21] асарининг "Суфийларга алоқадор бўлган ва бўлмаганлар ҳақида" деб номланган тўққизинчи бобида алоҳида тўхталган. Унинг сўзларига кўра, бир қавм мавжуд бўлиб, ўзларини баъзан маломатийлар, баъзан қаландарлар, деб атайдилар. Улар суннат ва ўтганларнинг солиҳ амалларини бажаришларига қарамай бирон нарса даъво қилмайдилар. Фақатгина Яратганнинг севгисига машғул бўлган қалбларига суяниб қолганлар. Ҳатто шаръий рухсат этилган нарсаларни ҳам ўзлари учун таъқиқлайдилар (никоҳ, ҳалолдан касб қилиш каби). Фарздан бошқа ибодатларнинг барчасини чеклаб ўтадилар.

Шаҳобиддин Умар ас-Суҳравардий "Аворифул маъориф" асарининг тўққизинчи бобида: "Косонийлар ўзларини гоҳ аҳли маломат, баъзан

---

[20] Ибн ал-Арабий. Футуҳоту-л-маккия. Перевод с арабского, введение, примечания и библиография А. Д. Кныша. СПб.: Центр «Петербургское Востоковедение», 1995.— 288 с.

[21] Шаҳобиддин Суҳравардий. Аворифу-л-маъориф. – Қоҳира: Мактабатус сақофатуд диния. 2019. – Б.15.

эса қаландарлар, деб атайдилар. Одатларни бузиб, махсус кийим кийиб юрадилар. Тариқат соҳиблари уларни суфийликдан чиққан кимсалар сифатида кўрганлар"[22], – деб ёзади.

Суҳравардий маломатийларни юксак ҳол эгалари сифатида келтириб, уларни юқори мақом соҳиблари деб таърифлаган. Қаландарларни эса расм-русмларга аҳамият қаратмайдиган, суфий мажлислар, ижтимоий алоқалар, мол тўплаш ва кўпайтириш кабиларга аҳамият бермайдиган тоифа сифатида келтирган. Уларнинг ягона фазилати тоза қалбидир, деб баҳолайди. Маломатийлик ва қаландарийлик орасини муқояса қилиш натижасида маломатийларни "нафс"ни қаттиқ назоратга олган, қаландарийларни эса "сукр"га берилган кишилар деб кўрсатган. Қаландарлар зоҳид ва орифларнинг тасаввуфдаги маросимларни кўр-кўрона бажаришда айблашларини таъкидлаган.

Қаландарлик ҳақида биринчи бўлиб алоҳида китоб ёзган киши Хожа Абдуллоҳ Ансорий (ваф. 1089 й.) бўлиб, у форс тилида "Рисолаи қаландарноме"[23] рисоласини яратган. Мазкур китобида қайд этишича, Абдуллоҳ Ансорий ёшлик вақтида руҳий жиҳатдан ўзини қийнаган кўплаб саволларга жавоб тополмай юрган. Бир куни у таълим олган масканга дағал намат кийган донишманд қаландарнинг ташриф буюриши унинг қарашларини мутлақо ўзгартириб юборади. Натижада Абдуллоҳ Ансорий қаландардан қаттиқ таъсирланади. Дарвеш талабаларга Худонинг мавжудлиги моҳияти ҳақида нутқ сўзлайди. Бошқа ўқувчилар уни зерикиш билан тинглаган бўлсалар-да, Абдуллоҳ Ансорийда катта қизиқиш уйғотди. У қаландарнинг ортидан ғорга излаб боради. Қаландар уни шунчаки дарбадар дарвеш бўлишдан қайтариш билан бирга фақирлик орқали қалбни юксалтириши мумкинлигини айтади. Қаландар бўлган киши хоксор, камтар ва зоҳидона яшаши кераклигини уқтиради. Қаландарнинг ана шу қарашлари ва маслаҳатидан таъсирланган Ансорий кейинчалик "Рисолаи қаландарноме"ни ёзишга муваффақ бўлади. Рисола юқоридаги воқеани зикр қилиш билан бошланади.

---

[22] Шаҳобиддин Суҳравардий. Аворифу-л-маъориф. – Қоҳира: Мактабату-с-сақофату-д-диния. 2019. – Б.15.

[23] Рисолаи жамиъ Хожа Абдуллоҳ Ансорий. Теҳрон 1382. -152 в.

Абдуллоҳ Ансорий нафақат қаландар суфий бўлган, балки уларнинг қарашларини англаган ва қоғозга туширган илк мутасаввиф сифатида тилга олинади. У ўз китобида қаландар бўлиш одоби ва унинг асл моҳиятини тушунтириб беришга интилади. Унга кўра, қаландар Худони излашга якка тартибда йўлга тушган кишидир. Бу йўлда қаландар бошқалардан кўмак олмай, моддийликка боғланмай, таваккул асосида ҳаракат қилувчи шахсдир.

Абдураҳмон Суламий, Ибн Арабий ва Суҳравардий каби олимлар маломатийлар ва уларнинг жамоаларини мўътабар кишилар деб эътироф этганлар[24]. Мазкур олимлар яшаган даврда маломатийлик ва уларнинг жамоалари (жумладан, қаландарийлар) эътиборли кишилар сифатида ном чиқарган ва уларнинг фаолияти ижобий баҳоланган.

Иккинчи давр маломатийлик ва қаландарлик ўртасида тафовут вужудга кела бошлаган XII-XVII асрлардир. Мазкур даврда ижод қилган мутасаввиф ва шоирларнинг асарларига мурожаат қилинганда бевосита қаландарларни турларга ажратиш ҳоллари кузатилган. Жумладан, сохта ва асл қаландарлар деган тушунчаларга таянган ҳолда таснифланган. Бу вақтга келиб маломатийлар ва қаландарларнинг эл орасидаги обрўларидан фойдаланган айрим кимсаларнинг уларга тақлиди ёки уларнинг қиёфасидан фойдаланиши натижасида қаландарларга нисбатан танқидий муносабат шакллана борди. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва Ҳусайн Воиз Кошифийнинг қарашлари шулар жумласидан[25].

Абдураҳмон Жомий (1414-1492) “Нафахоту-л-унс мин хазароти-л-қудс”[26] китобида маломатийлар ва қаландарларни илк маротаба

[24] Суламий Абу Абдураҳмон Муҳаммад бин Ҳусайн. Рисалату-л-маламатия. – Миср, Куллияту-л-одоб. 1942. – Б. 4-5.; Ибн ал-Арабий. Футуҳоту-л-маккия. Перевод с арабского, введение, примечания и библиография А. Д. Кныша. СПб.: Центр «Петербургское Востоковедение», 1995.— 288 с.; Шаҳобиддин Суҳравардий. Аворифу-л-маъориф. – Қоҳира: Мактабату-с-сақофату-д-диния. 2019. – Б.15.

[25] Абдураҳмон Жомий. Нафахоту-л-унс мин хазароти-л-қудс. Байрут. Дару-л-кутубу-л-илмия, 2003. – 648 б.; Алишер Навоий. Маҳбуб-ул қулуб. – Тошкент, Янги аср авлоди. – 2019. – 320 б.; Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний; Ахлоқи Муҳсиний. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. – 376 б.

[26] Абдураҳмон Жомий. Нафахоту-л-унс мин хазароти-л-қудс. Байрут. Дару-л-кутубу-л-илмия, 2003. – Б. 15.

(Суҳравардийдан кейин) муқояса қилган олимлардан саналади. Абдураҳмон Жомий фикрига кўра, маломатий суфийлик одатларига риоя қилади, қаландар эса аксинча, бу одатларни бузишга ҳаракат қилади. Маломатий ҳар нарсада яхшиликни кўради, ўзининг савобли ишларини яширишни маъқул санайди. Қаландар эса ўзи билмаган нарсага интилмайди, унинг учун қалб поклиги кифоя.

Жомийнинг қарашлари бошқа олимларга ҳам мазкур икки йўналишни муқояса қилиш имконини берди. Жумладан, рус олими О.Ф.Акимушкин ўз мақоласида "Жомий ва Суҳравардийнинг иккиси ҳам ҳақиқий қаландарлар билан ур-тўполонларда иштирок этиш учун қаландарлар либосини кийиб юрадиганларни чалкаштириш керак эмаслигини қайд этганлар"[27] деб ёзади.

Бундан кўринадики, қаландар қиёфасидаги девонасифат кишилар ҳам мазкур маслакни даъво қилиш орқали уни суистеъмол қилиб келганлар. Натижада атрофдаги кишилар наздида уларга нисбатан танқидий ёндашув кучайиб борган. Уларни орасидаги фарқларни ажратиш учун манба ва адабиётларни даврига кўра таснифлаб ўрганиш лозим бўлади.

Ўзбек адабиётининг етук намояндаси Алишер Навоий асарларида қаландар атамаси кўп бора тилга олингани эътиборли жиҳат бўлиб, мажзуб қаландарларни ҳам, ўзига қаландар номини қўйган шилқим гадоларни ҳам, очкўз, фосиқ ва ҳорис маслаксотарларни ҳам кўп кўрган ва кузатган шоир сифатида ўзининг "Маҳбубул-қулуб" китобида уларни турларга ажратган.

Навоий ўз замонасидаги қаландарларни асл ва сохта қаландарлар сифатида икки тоифага таснифлайди. Адашган қаландарлар билан ҳақиқий қаландарларни бир деб ҳисобламасликни таъкидлайди. Уларни фарқлашга чақириш моҳиятида ҳақиқий маънодаги, эътиқоди соф қаландарлар ҳам борлигига ишора қилган.

Навоийнинг издошларидан бўлган мутасаввиф олим Ҳусайн Воиз Кошифий ҳам дарвешлар (қаландар)ни мақталган суфийлар сифатида кўради. Уларни бир-биридан ажратмаган ҳолда тақволи кишилар деб

[27] Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. – М.: Наука, 1989. – С. 277.

эътироф этган. “Футувватномаи султоний” [28] китобининг тўртинчи “Хирқа ва аҳли фақир...” бобида хирқа турлари, айнан фақирларга хос хирқалар, уни кийишнинг шартлари, дарвешлар ҳақидаги бобида эса уларнинг кийиниш услуби, фақирларнинг бош кийимлари, ўз замонасидаги суфийларнинг либослари, кулоҳ ва унинг устидан боғланадиган боғичларнинг моҳияти, ранги ҳақида баён қилган. Шунингдек, қаландарликка тегишли бўлган сафар қилиш ва такяхона одоби ҳақида ҳам тўхталган.

XVI асрда яшаган турк муаллифи Воҳидийнинг қаламига мансуб “Хожаи Жаҳон Натижаи Жон”[29] номли асарида қаландарийлик ва уларга хос урф-одатлар ҳақида қимматли маълумотлар берилган. У ўз китобини 929/1522 йилларда ҳажга қилган сафари чоғида таълиф этган[30]. Воҳидий қаландарийларнинг тўғри йўлдан адашиб кетганликларини, аслида эса эътиқодан соф ва диёнатда тўғри йўлда бўлганликларини қайд этган. Хожаи Жаҳон китобда тариқат вакилларига тарбиявий кўрсатмалар бериш орқали ўғлига панд-насиҳат қилган.

Хожаи Жаҳон қаландарийларнинг ҳайдарийлик йўналиши вакиллари билан қилган суҳбати жараёнида уларга қуйидагича панд беради: “Сизлар номаҳрамдан тийилиш ва шайтоннинг ҳаромга чақириқларидан сақланиш учун қўлингиз ва оёғингизга темир халқа тақасизлар. Шу темир занжир сизни сиротал мустақимга элтиб, тариқатда собитқадам қилади деб ишонасизлар. Билсангиз эдики,

---

[28] Футувватномаи султоний; Ахлоқи муҳсиний / Кошифий Ҳусайн Воиз, нашрга тайёрловчилар: М.Аминов, Ф.Ҳасанов. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011. – 376 б.

[29] Vâhidî. Hâce-i Cihân ve Netîce-i Cân. Yayına Hazırlayanlar: Prof. Dr. Turgut Karabey Yrd. Doç. Dr. Bülent Şığva Arş. Gör. Yusuf Babür. - Ankara 2015. – S. 379.

[30] Бу асар муаллиф давридаги тасаввуф тариқатлари ва гуруҳлар ҳақида бўлиб, мажозий ва халқ достонларини англатувчи савол-жавоб тарзида ёзилган. Асарнинг бош қаҳрамони Хожаи Жаҳон узоқ кутгандан кейин, фарзанд кўради ва унга Натижаи Жон деб исм қўяди. Ота-бола Каъбаи шарифга бориб, у ерда хонақоҳ қуриб ибодат билан машғул бўладилар. Хожаи Жаҳонни фарзанд билан қутлаш учун навбатма-навбат ўн тоифа қаландарлар, абдоллар, ҳайдарийлар, жомийлар, маломамийлар, шамсийлар, мавлавийлар, адҳамийлар, суфийлар, олимлар келадилар. Ҳар бир тоифа Хожаи Жаҳоннинг илтимосига биноан ўз тариқатлари ҳақида сўзлаб беради. Тасаввуф билимдони бўлган Хожаи Жаҳон ҳар бир тоифанинг жавобини эшитгандан кейин уларга танбеҳлар беради ва тариқатларининг моҳиятидан хабардор қилади.

вараъ ҳар қандай гуноҳдан тийиб турувчи занжирдир. У кўнгиллардаги гуноҳни содир этишга йўл қўймас. Зинонинг занжири очликдурки, хожасини бу балодан ҳимоя қилар”[31].

Хожаи Жаҳон мазкур кўрсатмаси орқали қаландарийларни моддий нарсаларга боғланиб гуноҳлардан тийилишдан кўра ички назоратни кучайтириш орқали тақво қилишга чақиради. Бу эса синалган, ишончли усул эканини алоҳида баён қилган. Бу ҳолатда Хожаи Жаҳон томонидан кишининг ботинини ислоҳ қилишга тарғиб қилгани яққол намоён бўлган.

Учинчи давр XVIII-XIX асрларга оид бўлиб, бу вақтда асл қаландарлар сони кескин камайиб, сохта қаландарлар деярли эътиқод ва амалиёт жиҳатидан йўлдан адашган давр бўлди. Марказий Осиёдаги сиёсий ва маданий инқироз қаландарлар фаолиятини ҳам чеклаб ўтмади. Уларнинг ғоялари моҳиятига путур етиб жамиятнинг қолоқ, оми бир қатламига айланиб қолдилар. Худоёрхон томонидан қаландарлар ер солиғи ҳисобланган “танабба”дан озод этилдилар. Тошкентлик қаландарларнинг тўраси ҳисобланган Абдураҳим қаландарнинг муридлари ҳамда унга тегишли ер ва мулклардан солиқ олинмаган. Ночорлар қатлами ҳам қаландархоналардан бошпана топиши, тиланчилик қилиши оқибатида уларнинг орасида фарқ сезилмай қолди[32]. Хонликлар хонадони ҳамда вақф томонидан ажратилган моддий ёрдамдан фойдаланиш илинжи тасаввуфдан бехабар кўплаб кишиларнинг қаландархоналарда жон сақлашига имкон берган. Уларнинг сони ҳам шу сабабли кескин ошиб борди. Афсуски, бугунги кундаги кўплаб адабий ва тарихий манбаларда уларнинг айнан учинчи даврга хос турларига катта аҳамият қаратилади. Қаландар деганда айнан шу даврга хос кишилар тасаввур қилинади. Аммо тарихда ҳақиқий қаландарлар ҳам яшагани ва жамиятнинг эътиборли кишилари бўлганларини инкор қилиб бўлмайди.

[31] Vâhidî. Hâce-i Cihân ve Netîce-i Cân. Yayına Hazırlayanlar: Prof. Dr. Turgut Karabey Yrd. Doç. Dr. Bülent Şığva Arş. Gör. Yusuf Babür. - Ankara 2015. – S. 379.

[32] Троицкая А.Л. Архив кокандских ханов XIX века. Предварительный обзор / А.Л. Троицкая // Труды государственной библиотеки им. Салтыкова-Щедрина. – Т. 2 (5). – Восточный сборник. – Л., 1957. – С. 191.

Учинчи даврга оид девон туркумидаги китобларда қаландар образи тез-тез тилга олинади. Мажзуб Намангонийнинг “Девон”ида шоир ҳақ васлини орзулаб, саргашталикни ихтиёр этган қаландарлар ҳақида ёзар экан, улар ҳолатини биёбонда бир-бирини қидирган Лайли-Мажнунларга ўхшатади:

*Негадур сайри қаландар хайли ҳар ён айланиб,*
*Гўё Лайлини топар, Мажнун биёбон айланиб.*

Юқоридаги байтни ўқиган китобхоннинг кўз олдига бевосита достонлардаги Лайли-ю Мажнунлар ҳамда қаландарлар ҳолати келади.

Қаландарийликнинг Марказий Осиёдаги тарихини ўрганишда даврларга ажратиш айни муддао бўлади. Бу орқали кўплаб ноаниқликларга ҳам ойдинлик киритилади.

Қаландарийлик ҳаракати XI аср бошларида Марказий Осиёда маломатия таълимотидан таъсирланган ҳолда вужудга келган. Бу босқичда қаландарийлик мукаммал ташкилот кўринишига эга бўлмаган. Баъзи тарихий манбаларда қаландарийлик ўз даврида “тоифа” бўлганлиги ҳам келтирилади[33]. Бу эса унинг яхлит бир уюшма тарзида ўз фаолиятини олиб борганини англатади. Аввалига, озчиликни ташкил қилган қаландарлар қисқа вақт ичида кўплаб тарафдорларга эга бўлди ва машҳурликка эришди. Шарқда Фарғонагача, Ғарбда эса Ироқ ва Суриягача етиб борди.

XIII асрга келиб қаландарийлик йўналиши тушкунликка учраб, фаолияти бироз сусайгани кузатилади. Бу даврда уларнинг фаоллиги кўзга ташланмайди. Вакилларининг бир қисми шу тариқатга содиқлигича қолиб, унинг анъаналарини сақлаб қолишга уринган бўлсалар, баъзилари бошқа мусулмон жамоаларига қўшилиб кетдилар[34].

Шу тариқа, қаландарларнинг талабчанлиги ҳақиқат учун курашиш эди, риёзати эса хонақоҳ ва кўча-кўйларда қаландарона қўшиқлар воситасида ифода топарди. Қўшиқлар мазмуни асосан диний

---

[33] Ислам: энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – Б. 130-132.

[34] Тримингэм Дж.С. Суфийский ордены в ислам. – М.: Наука, 1989. – С. 276,; Малютов Р.Р. Ислам. – М.: Политиздат, 1969. – С. 76.

тасаввуфий эди ва бу иш тасаввуф ғояларининг тарғиб-ташвиқи учун ишлаб чиқилган, қаландарлар маълум ғояларга мослаштирилган бир тадбир эди. Дарвеш ва қаландарнинг халқ орасидаги фаолияти оддий тиланчиликлардан фарқ қиларди, албатта. Улар шеър ва қасидалар ўқиш воситалари туфайли тасаввуф таълимотининг ёйилишига ва уни манзур этишга ёрдам берардилар; сўфийлик тариқатини оммалаштирардилар, аҳолини тариқатга жалб этардилар[35].

Қаландарийлик ғояларининг асосини “фақир” ва “тажаррyд” ташкил этади. Ихтиёрий фақирлик инсон нафсини тўқлик ва хотиржамликка етказади деб ҳисобланади. Моддиятни бирламчи мақсад қилмаслик, шунчаки тириклик манбаи деб билиш зарурлиги уқтирилади. “Тажарруд” деганда зоҳирий жиҳатдан уйланмаслик тушунилса-да, қалбни Аллоҳдан бошқа нарсалардан ҳоли тутиш, ёлғиз У билангина қолиш орқали Унга етишиш мумкинлигини ният қилинган. Қачонки қалб дунё ва ундаги унсурлардан бўшаса Яратганнинг ишқи қалбга сингади. Шу маънода “тажарруд” атамасини ўзлари учун шиор қилиб олганлар.

Қаландарийлар хонақоҳ аҳли шайхларига ва халқ орасида қотиб қолган удумларга қарши кишилар бўлиб, бу каби қолиплардан халос бўлиш учун маълум муддат нафсни тарбиялаш мақсадида жаҳонгашталикни ихтиёр этганлар. Шаҳобиддин Умар ас-Суҳравардий қаландарларни жамиятда мавжуд қоидаларни бузишларини “Аворифу-л-маъориф” асарининг тўққизинчи бобида: “Косонийлар ўзларини гоҳ аҳли маломат, баъзан эса қаландарлар деб атайдилар. Одатларни бузиб, махсус кийим кийиб юрадилар. Тариқат соҳиблари уларни суфийликдан чиққан кимсалар сифатида кўрадилар”[36], – деб ёзади. Бу билан Суҳравардий қаландарларнинг қоидаларни писанд қилмасликда айблаган.

Тадқиқот натижасида қаландарийларни шартли равишда уч туркумга ажратилди:

---

[35] Абдуллаев А. Тасаввуф ва унинг намояндалари: Илмий-оммабоп рисола/ масъул муҳаррир: Н.Комилов. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009 – Б. 44.

[36] Зарринкўб Абдул Ҳусайн. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе: Ирфон, 1992. – Б. 304.

Биринчиси, қаландарийлик тариқати вакиллари бўлиб, тасаввуф аҳлидандурлар. Ўзларининг тартиб-қоидалари ва ғояларига эга бўлиб, деярли уларни тарғиб қилмаганлар. Маломатийликдан таъсирланган дастлабки вақтида классик ва соф кўринишда фаолият олиб борган. XII-XIII асрдан эътиборан уларнинг орасида ҳам бидъат амаллар кўпайиб, шиалик таъсири сезилиб қаландарлар адашган кишилар сафига қўшилишига омил бўлди.

Иккинчиси, муайян жамоа (сулук)га бирлашиб, унинг таълимотини тарғиб этган, ўз муршиди (шайх, эшон ёки пири)нинг кўрсатмаларини бажариши шарт бўлган дарвеш қаландарлар. Бунда қаландар бирон тариқатни тарғиб қилишни мақсад қилиб ҳаракат қилган[37]. Қаландарларнинг бу хили нақшбандийлик, яссавийлик, кубравийлик сулукига мансуб бўлиши мумкин. Хатти-ҳаракатлари, кўриниши қаландарийни эслатадиган бу кишилар ўзларининг сулуклари сифатида юқоридаги тариқатлардан бирини кўрсатадилар. Масалан, қаландарийлик тариқатининг Самарқанддаги йирик намояндаси шайх Сафо Валий ўзининг раҳнамоси сифатида Баҳоуддин Нақшбандни зикр этади[38]. XVIII асрнинг биринчи ярмида яшаган Хожа Пирмуҳаммад Қаландар эса кубравия сулукига мансуб киши бўлган[39].

Қаландарийлик тариқатининг йўналишларидан бири бўлган неъматуллоҳийликда ҳам бошқа тариқатларга мослашув ҳолати кузатилган. Шоҳ Неъматуллоҳи Вали ўзининг тариқатга оид қарашларини кубравия, қодирия ва хожагон силсила сулуклари тариқатларига мослаштирган эди. У зот асос солган неъматуллоҳия

[37] Позднев П. Дервиши мусульманском мире. – Оренбург. Б.Бреслина.1886. – Б.65.

[38] Бу ҳақида қаранг: Снесарев.Г.П. Под небом Хорезма. – М.: Мысль, 1973. – С. 85.; Троицкая А.Л. Каландары и маддахи //Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С.192.; Сухарева О.А. Ислам в Узбекистане. – Тошкент: Издательство Академии Наук Узбекистанской ССР, 1960. – С. 53.: Рассудова Р.А. К истории одежды среднеазиатского духовенства. Памятники традиционно-бытовой культуры народов Средней Азии, Казахстана и Кавказа. Сборник Музея Антроп. и Этногр., выпуск 43. Л. 1989 г. Позднев П. Дервиши мусульманском мире. – Оренбург. Б.Бреслина.1886. - 386 б., Ғаниев Т. Кўнгил дуржи. – Тошкент: 2009. – Б. 146.

[39] Хўжаев М. Шермуҳаммадбек қўрбоши. Масъул муҳаррирлар: Шамсуддинов М, Ражабов Қ. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2008. – Б. 30.

тариқати тасаввуф силсилалари орасида машҳур тариқатлардан бирига айланган. Тариқатнинг дунёқараши, фаолияти моҳиятан халқчиллик, асосан, ҳунарманд, деҳқонларнинг, тожир ва косибларнинг манфаатларини кўзлаш каби эзгу ишлар эди. Бу тариқат сиёсий жиҳатдан фаол иш олиб бориб, давлатнинг ички ҳаётига катта ва ижобий таъсир кўрсата бошлаган[40].

Учинчиси, мумтоз адабиётимизда зикр қилинадиган қаландар. Девон ва достонларда қайд этилган қаландар лирик қаҳрамон сифатида қуйидаги уч маънавий қиёфага эга:

Биринчиси – ошиқ қаландарлар. Булар чинакам Ҳақ ошиқлари. Ботин ободлиги учун зоҳир хароблигига парво қилмайдиган, шафқат ва мурувват соҳиблари. Иккинчиси – мажзуб қаландарлар. Булар қисса, маноқиб, тазкира ва айрим шеърий асарларда таърифу тавсиф этилган валийсифат зотлар. Учинчиси – ужб ва риёдан поклана олмаган қаландарлар. Адаб талабларидан чекинган, тиланчилик билан кун кўришни одатга айлантирган қаландарлар[41].

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, Марказий Осиёда фаолият олиб борган тариқатлар ўз даврида тадрижийлик босқичларини ўтаган. Ҳатто амалий жиҳатдан бир-бирини тўлдириш ҳолатлари ҳам кузатилган. Даврий жиҳатдан вазифасини ўтаган тариқат бошқа тариқатга ўз ўрнини бўшатиб берган. Айримлари эса бошқасига қўшилиб кетган.

Қаландарийлар Марказий Осиёда дастлаб пайдо бўлиш жараёнида ўз ғояларини халқдан пинҳон тутганлари боис уларни тушуниш қийин бўлган. Улар учун халқнинг ҳурмати ва эътибори иллат ҳисобланган. Холислик тамойилига путур етказмаслиги учун солиҳ амалларини яшириб келганлар. Оқибатда қаландарлик ҳаёт тарзини дастур қилиб олган дарвешлар, адабиётда қўлланиладиган мажозий образга қаҳрамон қаландарлар ва соф эътиқодга эга классик қаландарлар ҳақидаги маълумотлар бир-бирига қўшилиб кетган. Натижада қаландарийлик тариқати моҳиятини англашда муаммолар юзага келган. Қаландарларни

---

[40] Каттаев К. Шох Неъматуллоҳи Валий тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2006. – Б. 19.

[41] Рафиддинов С. Рафиддинов С. Ўзбек адабиётида қаландарийлик ғоялари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 2000. № 6. – Б. 3-6

тарқалиш ҳудуди, даври ва турига қараб ўрганилиши натижасида улар ҳақида ҳаққоний ва мантиқий маълумотга эга бўлинади.

Юқорида келтирилган манбаларга кўра, Марказий Осиёда қаландарийлик жамиятнинг турли қатламларида, жумладан, шариат ва тасаввуф вакиллари орасида авж олган риё, ҳашаматга берилиш каби иллатлардан норозиликнинг ифодаси сифатида пайдо бўлган. Мазкур параграф якунида жамиятдан четлашиш ҳамда нафсни ислоҳ қилиш йўлида қаландарийликдаги асосий тамойиллар “сидқ” ва “ихлос”га эътибор қаратилган деган хулоса юзага келган.

## Қаландарийлик тариқатининг йўналишлари ва уларнинг хусусиятлари

Қаландарийлик йўналишлари тарқалган минтақасига кўра бир-биридан номланиш ва ташқи қиёфасига кўра фарқланган. Қаландарийлар эркинлик ва қолипга тушмаслик тарафдори бўлганлари боис кийинишда ва амалий фаолият нуқтаи назаридан ҳам қатъий қоидага амал қилмаганлар.

Қаландарийлик тариқати йўналишлари жавлақийлар, жалолийлар, ҳайдарийлар, жомийлар, торлаклар, шамсийлар, Рум абдоллари, рифоъийлар, юнусийлар ҳисобланади[42].

Жавлақийлар қаландарийлардан ташкил топган гуруҳ бўлиб, унинг асосчиси Жалолиддин Савий (ваф. 1223 й) саналади. Жавлақийлар

---

[42] Путешествия Ибн Баттуты. Арабский мир и Центральная Азия. – Тошкент: Главная редакция энциклопедий, 1996. – С. 289-290.; Vâhidî, Menāḳıb-i Ḫvoca-i Cihān ve Netīce-i Cān (nşr. Ahmet T. Karamustafa), Cambridge 1993, vr. 28a-40b.; Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1995.; Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. – М.: Наука, 1989. - 315 с.; Кныщ А.Д. Мусульманский мистицизм: краткая история. – М.: Диля, 2004. - 464 с.; Ислам: энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. - 315 с.; Ahmet Yaşar Ocak, Osmanlı İmparatorluğunda Marjinal Sûfîlik: Kalenderîler, Ankara 1992.; Мухсин Каййоний. Тарихи хонақо дар Эрон. -Теҳрон. 1369(шамс.). -630 б.; Муҳаммад Ризо Шафиъий Кадканий. Қаландария дар тарих. -Теҳрон. 1386. -616 б.; Абу Толиб Мир Обидин. Ойини қаландарий. – Теҳрон. 1374 (шамс.қам); Абул Ҳусайн Зарринкўб. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе: Ирфон, 1992. - 396 б.

доимо мато парчаларидан тикилган махсус либос кийиб юрганлари сабабли уларни шу ном билан атаганлар. Жаволиқ “жулоҳ” сўзининг кўплиги бўлиб, “ямоқ”, “йиртиқ” деган маънони англатади. Бундай матодан тикилган либоснинг ярми оқ, ярми қора рангда бўлган. Уни кийиб юришни қаландарийлар орасида урфга айлантирган шахс Жамолиддин Савийнинг муриди Муҳаммад Балхийдир[43]. Жавлақийлар XII асрнинг бошларида Жамолиддин Савий бошчилигида Мисрда яшаган бўлиб, Мавлоно Жалолиддин Румийга замондош бўлган жавлақийлар Анатолия ҳудудларида ҳам кенг тарқалган.

Чунончи, “Фустат ал-адала фи қоваид ас-салтана” асарининг муаллифи эса ўрта асрларда Туркияда турли диний-этник фирқаларни бир ном яъни жавлақия номи билан атаганларини баён қилган[44].

Бундан маълум бўладики, қаландарийлар илк пайдо бўлган даврларда уларнинг кийиб юрган либоси жаволга нисбат берилиб, жавлақийлар, деб ҳам аталганлар. Жавлақийлар деганда айнан қаландарийларнинг ўзларини тушунганлар. Қаландарийлар ўзларини жавлақийлар деб аташининг ҳам сабаби шунда. Аммо вақт ўтиб улар орасида тафовутлар юзага келди. Айрим ҳудудларда уларни алоҳида йўналиш сифатида баҳолаганлар. XII асрга оид манбаларда учрайдиган жавлақийлар деганда айнан қаландарийлик тариқати назарда тутилган. Ундан кейинги даврларда, хусусан, Туркиядаги жавлақийлар жамоасини қаландарийлик тариқатининг йўналиши деб қараш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жалолия шиа мазҳабидаги қаландарийлик жамоаси бўлиб, улар Саййид Жалол Бухорий (ваф. 1273 й.)нинг муридларидирлар. Бухорийнинг ўзи Сухравардия тариқатига мансуб киши бўлиб, Баҳоуддин Закариё Мўлтоний (ваф. 1268 й.)нинг муридларидан бўлган. У шиаларнинг исмоилия йўналишининг қарашларини даъват қилгани учун Бухорога келган вақтда унинг қарашлари аҳоли томонидан

[43] Силсила асосчиси Жамолиддин Савий тарошлаш одатини расмга айлантиргач, бу одат 620 ҳиж.да Дамашқда кенг тарқалди. Унинг шогирди Мухаммад Балхий шу йилдан эътиборан жавол кийишни одат тусига киритди.

[44] Osman Turan, “Selçuk Türkiyesi Din Tarihine Dair Bir Kaynak: Fustâtü’l-adâle fî Kavâidi’s-saltana”, Fuad Köprülü Armağanı, İstanbul 1953, – S. 533.

танқид қилинади[45]. Ўзи эса Қобулга, у ердан Ҳиндистонга боради ҳамда умрининг охиригача ўша ерда яшайди. Саййид Жалол Бухорий қаландарсифат юрт кезиб, шиаликни тарғиб қилгани ва жалолийлик йўналишига асос солгани маълум бўлган.

“Саййид Жалол Ҳинд заминининг сухравардийлари ва қаландарийлари билан бир ерда яшаган ва улар билан мулоқотда бўлган. Саййид Жалол Бухорий улар билан фақатгина ўзаро алоқада бўлибгина қолмай рақобатда ҳам бўлган”[46].

Жалолийларнинг манзилгоҳлари Ҳиндистоннинг Уч шаҳрида жойлашган бўлиб, Саййид Жалолнинг мақбараси чеккасида бўлган. Улар ўз муридларини “кичик авлиё”, “мажзуб” деб атаганлар. Жавлақийлар каби турли шаҳарларни кезиб сафар қилиш, садақа сўраб кун кўриш, бор мулкини пирига тақдим қилиш каби қоидаларга амал қилиб яшаш уларда бош мезон ҳисобланган.

“Бўстон ас-саёҳа” асарининг муаллифи Жалолийларга нисбатан қуйидаги таърифни келтиради: “жалолийлар ўзларини шиалардан деб биладилар. Хулафои рошидиннинг учтасини ҳамда Уммавий халифаларни тан олмайдилар. *Риёзат*[47], мужоҳада[48] ва бошқа шу каби суфийларга хос амалларни бажармайдилар. Наша ва шунга ўхшаш нарсаларни беҳад кўп истеъмол қиладилар. Мол йиғишни, аёлларни ёқтирмайдилар. Улар аёллар билан турмуш қуришни ўзларига ҳаром, деб ҳисоблайдилар”[49].

Уларнинг машойихлари бомдод чоғи таҳорат қилиб, қиблага юзланиб ўз силсиласи буюкларининг исмини айтиб зикр қилган ва шу тарзда ибодатни амалга оширган. Жалолийлар бизнинг тўртта пиримиз, қирқта оиламиз ва саксонта сулоламиз бор, деб даъво қиладилар.

Биринчи пирлари – Муҳаммад (а.с.) ва у зотнинг аҳли оилаларидир.

Иккинчи пирлари – Али ибн Абий Толиб (р.а.)

Учинчи пирлари – Ҳасан Мужтабий.

---

[45] https://uz.hrvwiki.net/wiki/Tajiks_of_Xinjiang

[46] Абу Толиб Мир Обидин. Ойини қаландарий. – Теҳрон. 1928. – Б. 58-59.

[47] Оз емоқ, оз ухламоқ ва оз гапирмоқ таълимоти. Нафснинг орзуларини тарк этиб, кўпроқ тоат-ибодат билан шуғулланмоқ.

[48] Нафсга қарши курашиш.

[49] Абу Толиб Мир Обидин. Ойини қаландарий. – Теҳрон. 1928. – Б. 59.

Тўртинчи пирлари – Шайх Ҳасан Басрий[50].

Қаландарларнинг яна бир оқими ҳайдария бўлиб, XII асрнинг охирида Хуросонда пайдо бўлган ва асосчиси Қутбиддин Ҳайдар Завоий (ваф. 616/1221 й.)дир. У Аҳмад Яссавийнинг издошларидан бўлган[51]. Ҳайдария йўналиши аъзоларининг бектошийлар билан умумий жиҳатлари кўп бўлган, уларнинг ташқи кўринишлари, кийимларида фарқ бўлса-да, ҳаёт тарзи деярли бир хил эди[52].

Тасаввуфий манбаларда ҳайдария йўналиши асосчиси деганда икки шахс номи келтирилади. Биринчиси, шажараси Имом Мусо ал-Козимга тақаладиган Султон Мир Ҳайдар Туний (ваф.1427 й.) дир. Унинг қабри Табризда жойлашган. Улар дастлабки уч халифа ва Пайғамбар алайҳиссаломни ҳақорат қиладилар. Бошларига қизил тож кийишни ўзларига урф қилганлар. Шиаликдаги ушбу тариқат XIV асрнинг охири XV асрнинг бошларида Эронда вужудга келган бўлиб, бутун мамлакат бўйилаб кенг тарқалган эди. Ҳайдарийлар байрам кунлари махсус кийим кийганлар: беш қават қилиб салла ўрашлари, елкаларига қўйнинг хом териси ташлаб юришлари, ўнг қўлларида ҳасса – таёқ, чап қўлда эса чўпон бурғуси тутиб юришлари боис уларни қаландарий йўналиши вакиллари сифатида қаралади. Улар дастлабки уч халифа ҳамда Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларини очиқ равишда ҳақорат қилганлар. Уларга қарши суннийларнинг неъматуллоҳийлар тариқати курашган[53].

Машҳур сайёҳ Ибн Баттута Қутбиддин Ҳайдар Алавий билан Ҳиндистоннинг Уч шаҳрида Саййид Жалол Бухорийнинг мақбараси яқинидаги Жалолийлар манзилгоҳида кўришган[54].

Ҳайдарий номи билан ном чиқарган яна бир шахс – Қутбиддин Ҳайдар Завоийдир (ваф. 1221 й.). VIII асрдан кейин Эронда ва унинг атрофида Қутбиддин Ҳайдар Завоийнинг шогирдлари ҳам ҳайдарийлар

---

50 Абу Толиб Мир Обидин. Ўша асар. – Б. 59.

51 Ислом. Энциклопедия. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б. 305.

52 Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. – Москва: Диля, 2004. – С. 314.

53 Ислом энциклопедияси. – Тошкент: 2003. – С. 305.; https://hadis.uz/term/139

54 Зарринкўб Абул Ҳусайн. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе: Ирфон, 1992. – Б. 314.

деб аталган[55]. Хуросондаги энг машҳур шаҳарлардан бири бу Турбати Ҳайдариядир. Яна бир машҳур шаҳар Турбати Жомдир. Бу икки жой номи икки хуросонлик ориф нисбатига эътиборан юзага келган. Қутбиддин Ҳайдар шу ерга дафн қилинган. Аслида бу жой номи Зова деб аталсада, Қутбиддин Ҳайдар вафотидан сўнг Турбати Ҳайдарий, Турбати Ҳайдария деб юритиладиган бўлган[56].

Улар орасидаги фарқ ҳақида Зарринкўб шундай ёзади: “Қутбиддин Ҳайдар Алавий шиа мазҳабида бўлиб, Қутбиддин Ҳайдар Завоий суннийлардан эди”[57].

Бу тоифа ҳам қаландарийларнинг айрим хусусиятларини, жумладан, жаҳонгашталик, аёллардан сақланиш кабиларни ўзида акс эттиради. Ибн Баттута улар ҳақида шундай ёзади: “Машҳаддан Луқмон Сарахсий юрти бўлмиш Сарахсга ўтдик. У ердан шайх Қутбиддин Ҳайдарнинг юрти Завойга йўналдик. Ҳайдария тоифаси суфий аҳлидан бўлиб, шу шахсга интисобдирлар. Улар қўлларига, бўйинларига ҳамда қулоқларига ва ҳатто жинсий аъзоларига ҳам темир халқа боғлаб юрадилар. Бу йўл орқали аёлларга яқинлик қилишдан сақланганлар”[58].

Воҳидий[59] ҳайдарийларга нисбатан шундай таърифни келтиради. Улар соч, соқол ва қошларини қириб, фақатгина мўйлов ва бошларида бир тутам соч қолдирадилар. Қаландарийлар каби дунё кезадилар. Бўйинлари ва қулоқларига ҳалқа тақадилар. Ёнларига занжир ва кичик қўнғироқчалар осиб юрадилар, рақс ва само пайтида улардан товуш чиқиб турган. Устларида юнгли намат, бошларида кулоҳ бўлган. Улар шеърга катта аҳамият берадилар. Ибодатдан узоқлашганлари боис масканларида фақат рақсу само қиладилар[60].

---

[55] Зарринкўб Абул Ҳусайн. Ўша манба. – Б. 311.

[56] Муҳаммад Ризо Шафиъий Кадканий. Қаландария дар тарих. – Теҳрон. 1386 ҳ.й. – Б. 207-212.

[57] Муҳаммад Ризо Шафиъий Кадканий. Ўша асар. – Б. 212.

[58] Ибн Баттута ва унинг Марказий Осиёга саёҳати. –Т: “Шарқ машъали” журналига илова “Шарқ баёзи”, 1993. – Б. 92.

[59] Vâhidî, Menāḳıb-i Ḫvoca-i Cihān ve Netīce-i Cān (nşr. Ahmet T. Karamustafa), Cambridge 1993, vr. 28a-40b.

[60] Ahmet Yaşar Ocak, Osmanlı İmparatorluğunda Marjinal Sûfîlik: Kalenderîler, Ankara 1992. – S. 114.

Рум абдоллари – қаландарийлик жамоаси бўлиб, турк олими Аҳмет Карамустафонинг фикрига кўра бу жамоа XIII-XV асрлар мобайнида фаолият олиб борган. Уларнинг раҳнамоси Ўтмон бобо ҳисобланади. Унинг ҳаёти ҳақида ёзилган маноқибида келтирилишича, унинг асл исми Ҳусам Шох бўлган. У Амир Темур замонида яшагани, Хуросондан Онадўлига саёҳат чоғида келиб қолгани айтилган. Отман бобонинг валийлик масаласидаги қарашлари уни динсизликда айбланишига сабаб бўлган. У валийлар шариатга боғланганлардан устундир деб айтади. Мажзубларни шариатдан озод деб билади.

Воҳидий ҳайдарийларга одатдагидан бошқачароқ муносабат билдирган. У асарини энг узун қисмини ҳайдарийларга бағишлаган. Унга кўра, Рум абдоллари ялангоёқ, бошлари дағал, танлари либоссиз бўлиб, фақатгина белларидан қуйи қисмига кийим кийиб юрганлар. Баъзан қўлларидаги доира ва ноғораларини чалиб тўда-тўда бўлиб кезишни одат қилганлар. Бир қўлларида болта ва ўроқ, бошқасида эса бир учи тўмтоқ асо ушлаб юрадилар. Кийимларининг ичига наша каби маст қилувчи моддаларни солиб юрадилар. Олов ёқиш учун тутатқи ва кашкул осиб юриш ҳам уларнинг одатларидандир. Соч, соқол, мўйлов ва қошларини қиртишлаш уларга ҳам хос амалдир. Баданларининг очиқ ва либоссиз қисмларида яра ва куйган доғлари бор. Бу доғлар ўзларига етказган азиятларидан қолган белгини англатади. Таналарига илон сурати ёки Алининг номини ўйиб тушириш одатий амалиёт намунасидир.

Жомия. Бу жамоа ҳақида XVI асрларга оид Усмонлилар ҳамда Европа адабиётларида маълумотлар келтирилади. XII асрдан кейин Эронда шайх Аҳмад Жомий Намики қаландарийларнинг бир тоифасига шу номни берди. Жомийларнинг бошқа қаландарий жамоалари сингари шариат билан алоқалари узилган. Мусиқага берилиб, шароб ичишга ружу қўйишган. Фақат соқол ва мўйловларини қириб, сочларини эса ўстириб юрадилар. Бошларини очиб, ялангоёқ юрадилар. Белбоғларига занг илинган бўлиб, ҳаракат қилган вақтларида мусиқа товуши чиқади.

Воҳидийнинг бу тасвирлаши Европа олимлари кузатувларига мос тушади. Контакасин жомийларнинг узун соч, соқоллари борлигини, яланғоч баданларига эса пўстин кийиб юришларини келтиради.

Қулоқларига сирға, бўйин ва билакларига темир тақинчоқ тақиб юрганлар[61].

Венециялик сайёҳ Менавинонинг маълумотлари бироз батафсилроқ бўлиб, жомийларнинг аксарияти узун бўйли, чиройли қоматли кишилар бўлишган. Сочлари узун ва жингалак бўлган. Юзлари соқолсиз, аврат ерларинигина беркитиб юрганликларини ҳикоя қилади. Тананинг юқори қисмига эса қоплон, леопард ёки йўлбарс терисини ёпиб юришган. Қулоқларига тилла зираклар, қўлларига узук таққанлар[62].

Жомийлар ҳақида XVII асрда Баудиернинг асарида етарлича маълумотга дуч келамиз[63]. Шимолий Африкадан Ҳиндистонга қадар кенг тарқалган бу кишиларнинг аслида дин билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Улар юқори даражада қимматли ва тоза либослар кийиб юрганлар. Жамоа нуфузли ёшлардан таркиб топган. Уларни ёш йигитлар ва чиройли аёллар билан зино қилишда айблайди.

Ҳозирги кунда бу қаландарийларнинг юқоридаги жамоалари сақланиб қолмаган бўлса-да, уларнинг номлари тарихдан жой олган. Қаландарийликка оид манбаларда бевосита уларга дуч келинади.

Абдураҳмон Жомий ҳақиқий қаландарийларнинг маломатийларга ўхшашларини, маломатийлар нафл ибодатларини яширин бажаришларини, қаландарийлар эса фақат фарз амаллари билан кифояланишини, ўзининг давридаги қаландарийлар эса мутлақ чегарадан чиқиб, бутунлай исломдан узоқлашиб кетганини айтади[64].

Наждат Тўсун ўз асарида келтиришича, дастлабки қаландарийлар маломатийларга яқин бўлсалар-да, улар ўзаро катта фарқ қилмаган. Убайдуллоҳ Аҳрор “Фақарот” номли китобида қаландарийликни ўзидан бўлган нарсалардан ўзини айирмоқ, Ҳақдан бўлган нарсаларни боқий тутмоқдир, деб таърифлайди. Ўзини йўқотмоқ ва ҳар қанча уринсада тополмасликдир[65], деб изоҳлаган.

---

61 Ahmet Yaşar Ocak, Osmanlı İmparatorluğunda Marjinal Sûfîlik: Kalenderîler, Ankara 1992. – S. 116-118.

62 Antonio Menavino. I Gostumi et la Vita Turchi, Fiorenza. 1551.

63 XVI асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган франциялик сайёҳ.

64 Абдураҳмон Жомий. Нафаҳоту-л-унс мин хазароту-л-қудс. Байрут. Дару-л-кутубу-л-илмия, 2003. – Б. 15.

65 Dr. Nejdet Tosun. Bahaeddin Naksbend. – Istanbul. Insan yayinlari, 2002. – Б. 390-391.

Убайдуллоҳ Аҳрорнинг таърифи маломатийликка яқин бўлган ҳақиқий қаландарийларга тегишлидир. Унинг халифаларидан бўлган Абдуллоҳ Илоҳий ҳам “Мурид маломатий сифат, қаландарий сийрат бўлмоғи керак» деганда айнан шу ҳолатни назарда тутган. Чунки, улар яшаган давр (XV – XVII)да қаландарийлар билан нақшбандийларнинг келишиши мумкин эмас эди[66].

Хожа Аҳрор Самарқандда бир қаландар дарвеш билан учрашиб қолади. У Хожа Аҳрорга: ”Эй мол-дунё эгаси, яна қанча бойлик тўпламоқчисан”, деб таъна қилади. Хожа Аҳрор унга жавоб қайтармай йўлида давом этади.

Убайдуллоҳ Аҳрор Тошкентда яшаган даврларида қаландарийлардан бўлган Мавлоно Миржамол исмли шахс доим унга қарши гапирарди. Бир куни унинг ҳузурига келиб наша чекиб, уни хақорат қилмоқчи бўлди. Аммо ниятига ета олмагач, бу юртдан бош олиб чиқиб кетади.

XVII асрда Бобо Шоҳ Саид Палангпуш Ғиждувоний (ваф.1110/1699) Бухоронинг Ғиждувон шаҳридаги қодирия-қаландария тариқатининг шайхи Бобо Қул Мазидга интисоб қилгач, нақшбандия-косония шайхларидан бўлган Азизон Ғиждувоний исмли дарвешга ҳам интисоб этади ва ўзида нақшбандия ва қаландария тариқатларини бирлаштириб, янги даврни бошлаб берди. Ушбу янги нақшбандия-қаландария тармоғи Мовароуннаҳрдан Ҳиндистонгача тарқалган. Эронлик суфий сайёҳ Зайналобидийн Шервоний (ваф.1253/1838) таърифлаган қаландария-нақшбандия эҳтимол ана шу тармоқнинг XIX асрдаги бузилган кўринишидир.

Лекин XVII асрда Мовароуннаҳрда нақшбандия-мужаддидия тармоғига мансуб бўлган Ҳожи Муҳаммад Ҳабибуллоҳга (ваф.1111/1699) қаландарийларнинг суиқасд уюштирганлиги ҳақида ривоят мавжуд. Демак, бу асрдаги айрим косонийларнинг қаландарийларга яқинлашувини бошқа нақшбандийлик тармоқларига ҳам тегишли деб билиш керак эмас.

**Торлаклар.** Эрон олимлари Воҳидий ва Фақирийдан ташқари, Ғарб саёҳатчилари Контакасин ва Менавинода торлаклар ўзига хос

[66] Ўша манба. – Б. 391.

тасвирланади. Унга кўра, “Торлаклар соч, соқол, мўйлов, қошларини қириб юрадилар. Бошларига эса оқ теридан кулоҳ кийиб юрганлар. Маҳрам ерларига эчки терисини ёпиб, қишда эса айиқ терисини устларига ёпинчиқ қилишган”. Ҳар икки сайёҳ ҳам улар ҳақида салбий фикрларни ёзиб қолдирганлар.

Контакасиннинг фикрича, улар табиати ёмон одамлар бўлиб, ер юзида уларга ўхшаш ёмонини топиш қийин. Уларда талончилик ва баччабозлик авж олган[67].

Менавино эса уларни ҳайвонсифат кишилар сифатида таърифлайди. Уларни ўқиш ва ёзишни билмасликда айблайди. Торлаклар айёр ва ҳийлагардирлар. Содда қишлоқ аҳолиси бошига оғир кулфат келаётганини башорат қилиб, пул бериш эвазига балони бартараф этишга ваъда берадилар. Дарвеш қаландарлар каби торлаклар ҳам наша чекадилар.

Торлаклар озодаликка аҳамият бермайдиган қўпол одамлардир. Торлаклар мусофир йўлчиларни тунаб, баъзан уларнинг ўлдирганлари ҳам маълум. Баудиер (1589-1645) уларни давлатга қарши баъзи исёнларда махсус вазифаларни бажарганликларини маълум қилади.

Шамсийлар. Уларнинг “чор дарб” усули қаландарийларга мансуб жамоа эканликларини англатади. Улар оқ, қора намат кийиб,ялангоёқ, бошларида эса бир кулоҳ бўлар эди. Воҳидий уларнинг шаробга муккасидан кетганликларини, сархуш кезиб юришларини ҳикоя қилади. Бунга кўра шамсийлар келиб чиқишларини Шамси Табризийга тақайдилар. Аммо муаллиф Шамси Табризийнинг улар каби бўлмаганини таъкидлаб, шамсийларни кескин айблайди.

Нуқтавия қаландарлари. Нуқтавия ёки Имноия ёки Воҳидия. Бу жамоа вакиллари Фазлуллоҳ Ҳуруфийдан ажралиб чиққан Маҳмуд Пасихонийнинг издошларидир. Маҳмуд риёзатчи ва ҳаким инсон бўлган. Улар ва унинг издошлари “барча мавжудотларнинг асоси бир нуқтададир” деган ақидага амал қилганлар. Нуқтадан мурод тупроқдир. Улар қуйидагича эътиқод қиладилар. Инсон даставвал тош кўринишида дунёга келади, тош даври тугагач набопот ҳолатига ўтади, сўнгра ўсиб ҳайвонга айланади. Ҳайвонлик босқичини ўтаб бўлгач инсон қиёфасига

[67] Ahmet Yasar Ocak. Osmanli imperatorlugunda marjinal sufilik: Kalenderiler. Ankara: Turk tarix kurumi Basimevi. 1992. – Б. 118.

киради. Энг сўнгги босқичда эса яна тупроққа айланади. Инсонлик билан якун топган умр ва руҳ пок ҳисобланади[68].

Ўзларини ёлғиз Худога бағишлашни истаганлари учун уларни “Воҳид”, деб атайдилар. Гуноҳ иш қилувчи кишининг руҳини нопок ҳисоблайдилар.

Муҳаммад Пасихонийнинг ҳаёти қайси босқичда тугагани номаълум. Баъзилар уни ичкилик тўлдирилган идишга ўзини ғарқ қилганини келтирадилар. У IX асрда вафот этган.

Нуқтавийлар Темурийлар даврида ҳуруфийларга қиёс қилинган. Шу боис улар Ҳиндистонга кўчиб ўтганлар. У ерда ўзларига марказ барпо қилиб, фаолият юритганлар. Сафавийлар асрида бир нуқтавий қаландар Абул Қосим Амрийни шоҳ Аббос I зиндонбанд этиб қатл эттирган. Унинг вафотидан уч кун ўтиб, устоз Юсуф Тиркашдўз ва унинг биродари кичик қаландар дарвеш ва пири Хисрав қаландар дарвешни қатл этишга буйруқ беради. Халифа Аббос нафақат Хисрав қаландар ва унинг шогирдлари, балки Кошон ва Қазвин шаҳрининг ўнлаб нуқтавийларини йўқ қилиб юборган[69].

Неъматуллоҳийлар. Машҳур форс-тожик шоири, қаландарийликнинг неъматуллоҳия йўналиши асосчиси Шоҳ Неъматуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Камолиддин Ҳалабий Кўҳбанония Кирмоний шаҳрида (1329-1431) туғилган. Саййид ва Неъматуллоҳ тахаллуси остида ижод қилган, Шоҳ Неъматуллоҳ Валий номи билан машҳур бўлган. У тасаввуфга оид 100 дан ортиқ рисола ёзган. Кирмоннинг Моҳон деган жойида вафот этган.

У киши дунё кезиб, дунёнинг турли жойларида таълим олишга муваффақ бўлган. Жумладан, Маккада етти йил таълим олгач Самарқандга келган ва етти йил шу заминда тасаввуф илмларини олишга эришган. Неъматуллоҳ валийнинг Амир Темур билан бўлган қизғин суҳбати тарихий манбаларда ҳам ўз аксини топган бўлиб, унга ҳукмдор томонидан катта лутф ҳамда эҳтиром кўрсатилгани ва шундан сўнг саёҳатини Ҳиротга йўналтиргани маълум[70].

[68] Абу Толиб Мир Обидин. Ойини қаландарий. – Теҳрон. 1928. – Б. 65-66.
[69] Абу Толиб Мир Обидин. Ўша манба. – Б. 66.
[70] Тасвим ут-таворих. Хочи Халифа. Теҳрон: 1375. – Б. 449.

Шоҳ Неъматуллоҳнинг Самарқандда яшаб келаётган ҳозирги авлодларига қолган ҳужжатда ул зотнинг Самарқандга Амир Темур билан учрашгани, қизғин суҳбати ва соҳибқироннинг унга нисбатан кўрсатилган катта ҳурматини назмий тарзда ҳикоя қилинган[71]. Мазкур китобда қайд этилишича, Неъматуллоҳ Валий кўп йиллар мужаррадликда фаолият юритган.

Неъматуллоҳийларда Ҳаққа етишишнинг 6 мақоми қабул қилинган: таслим (тавба), вараъ (парҳез), муҳаббат, фақир, ризо ва фано. Унда Хожагон тариқатидаги каби хилват дар анжуман, жунайдиядаги саҳв-ҳушёрлик қоидалари ҳам илгари сурилган[72].

Неъматуллоҳиянинг марказлари Эрон ва Ҳиндистонда бўлиб, фаолияти икки тарихий даврга бўлинади: биринчиси – Шоҳ Неъматуллоҳ давридан XVIII аср бошларигача, иккинчиси – XVIII аср охиридан ҳозиргача.

Неъматуллоҳийлар XV асрда Эронда қаландарийликнинг бир жамоаси сифатида пайдо бўлгани кўпгина манбаларда қайд этилади[73]. Шу асрда Онадўлида неъматуллоҳийлар фаолияти авж олди. XVI асрга келиб Кўжа Нишончи Жалолзода Мустафонинг қайд этишича, уларда бошқа қаландарий йўналишларида мавжуд бўлган тартиб-қоидалар, расм-русумлар мавжуд бўлган.

Бу жамоа ҳақида XVII асрда П.Рижаутнинг асарида маълумот берилган. У Усмонлилар империяси даврида Неъматуллоҳ номи билан машҳур бўлган бир шахс томонидан таъсис этилганини ёзган. У асарининг илова қисмида бу Неъматуллоҳ Шоҳ Неъматуллоҳ Валий эмас, балки XVIII асрда Бўрсали Исмоил Белигин асарида зикр этилган, Боязид Йилдирим замонида Амир Султон билан биргаликда Бухородан

[71] Каттаев К. Шоҳ Неъматуллоҳи Валий тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2006. – Б. 19.

[72] Донишмандлар туҳфаси. Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э. Очилов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 293.

[73] Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1995.; Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. – М.: Наука, 1989. - 315 с.; Кныщ А.Д. Мусульманский мистицизм: краткая история. – М.: Диля, 2004. - 464 с.; Ислам: энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. - 315 с.; Ahmet Yasar Ocak. Osmanli imperatorlugunda marjinal sufilik: Kalenderiler. Ankara: Turk tarix kurumi Basimevi. 1992.

келган Шайх Неъматуллоҳдир, деб айтган[74]. У неъматуллоҳий дарвешларининг ҳар душанба кечаси зикр мажлиси уюштириб, илоҳий суҳбатлар қуришларини қайд этади.

Аҳмад Яшар уларни қаландарий жамоаларидан деб билади. Ўз қарашларини саёҳатчиларнинг ёзмалари билан асослашга уринади.

Муҳаммадризо Шафиъий Кадканий уларни суннийлар тоифасидан, деб ҳисоблайди. Шу боис улар шиа мазҳабидаги қаландарий тоифаси бўлган ҳайдарийлар билан узоқ йиллар давомида низолашиб келганини келтиради. Ҳайдарийлар тоифаси Қутбиддин Ҳайдарга интисоб этсалар, неъматуллоҳийлар Шоҳ Неъматуллоҳ Валийни ўзларининг етакчилари сифатида кўрадилар. Бу икки тарафдорларнинг бир маконда яшаши катта низоларни келтириб чиқарган.

Аҳмад Яшар неъматуллоҳийларни шиа деб атаса, Кадканий уларни сунний дейди. Аслида эса, бу тариқат Эронда XIII – XIV асрда вужудга келди. Даставвал суннийлардан бўлган ушбу тариқат вакиллари кейинчалик шиалар, деб юритила бошланди. Тариқатнинг силсиласи Али ибн Абу Толибга бориб тақалади. Шоҳ Неъматуллоҳ Валий Шофеъий мактаби вакилларидан эди. Унинг отаси Мир Абдуллоҳ суфий шайхларидан бўлган.

У етти ёшида Ибн Арабийнинг илмий меросини ўрганишга меҳр қўяди ва кейинчалик унинг асарларига шарҳлар битади. Шундан сўнг у ўзининг жаҳонгашталигини бошлайди. Ироқ, Миср ва Мовароуннаҳрга сафар қилади. У ерда турк авлодларига ўз ақидасини тарғиб қила бошлайди. Бу ҳол Амир Темурга ёқмайди ва Неъматуллоҳ Машҳадга кетишга мажбур бўлади.

Неъматуллоҳ Валий ўз таълимотига кўра чекловларни ёқламайди. У руҳий тарбия йўлига кирган соликнинг қўли ўз иши билан машғул бўлса-да, қалби, хаёли Худога қаратилган бўлиши керак, деб баҳолайди. Шунингдек, у ўз муридларига жамоа орасида қандайдир қоидаларни ташкил қилишни, фақатгина шу тариқатга хос унсурларни барпо қилишни қоралаган. Неъматуллоҳ мусиқа остида самога рухсат беради, унда фақат қўшиқ ва рақсни амалга ошириш шарт қилиб қўйилган. У

[74] Ahmet Yasar Ocak. Osmanli imperatorlugunda marjinal sufilik: Kalenderiler. – Ankara: Turk tarix kurumi Basimevi. 1992.119-121.

тариқатни шариатдан айри ҳисобламайди ва сархуш қилувчи моддалар истеъмол қилишни ҳамда тиламчиликни тақиқлайди.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, қаландарийлик тариқати йўналишлари қаландарлар, деб аталмаса-да, уларнинг амалиётлари шундан далолат берадики, қаландария тариқатидан таъсирланган бўлиб, турли номлар билан аталган. Уларнинг баъзилари, хусусан, ҳайдарийларнинг биринчи тоифаси суннийликка эътиқод қилган бўлса, бошқа йўналишларда шиалик унсурлари яққол кўзга ташланади.

Ҳозирги кунда қаландарийларнинг юқоридаги жамоаларининг аксарияти сақланиб қолмаган бўлса-да, уларнинг номлари тарихдан жой олган. Қаландарийликка оид манбаларда бевосита уларга дуч келамиз. Бизнинг маълумотларимиз эса уларни теранроқ тушуниш ва қаландарийлар ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлишимизга яқиндан ёрдам беради.

Бу йўналишларни бирлаштириб турувчи ва қаландарийлик тариқатига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат: Эрон қаландария йўналишлари: жавлақийлар, неъматуллоҳийлар, юнусийлар, жалолийлар бўлиб, улар томонидан Ҳаққа етишишнинг 6 мақоми қабул қилинган: “таслим”, “вараъ”, “муҳаббат”, “фақир”, “ризо” ва “фано”. Эрон қаландарларининг қарашларида “ваҳдат ал-вужуд”, “ҳулул ва таносух”, “тажарруд” ва “фақир” каби тушунчалар аҳамиятга эга бўлган.

Эрон қаландарларига хос хусусиятлар: ялангоёқ юриш, соч қиртишлаш, белларидан қуйи қисмига эчки терисини ёпиб юриш, қўлларидаги доира ва ноғораларини чалиб тўда-тўда бўлиб кезиш, бир қўлларида болта ва ўроқ, бошқасида эса бир учи тўмтоқ асо тутиб юриш, тиланчилик қилиш ва жаҳонгашталик. Олов ёқиш учун тутатқи ва кашкул осиб юриш ҳам уларнинг одатларидандир. Баданларининг очиқ қисмларида яра ва куйган доғлари бор. Бу доғлар ўзларига етказган азиятларидан қолган белгидир. Таналарига илон сурати ёки Алининг номи ўйиб туширилган. Уларда шиалик таъсири сезилиб туради. Бу йўналиш вакиллари уйланиш ва хонақога боғланишни тақиқлайдилар.

Туркиядаги қаландарийлик йўналиши вакиллари рум абдоллари, рифоъийлар, жалолийлар, шамсийлар, нуқтавийлар, жомийлардир. Уларнинг орасида шиалик ва суннийлик мазҳабига амал қилувчилари

ҳам бор. Ташқи қиёфалари: бошларига оқ теридан кулоҳ, эчки терисидан либос, қишда эса айиқ терисини устларига ёпинчиқ қилишган. “Чор дарб” усулини қўллашлари қаландарийларга мансуб жамоа эканликларини англатади. Улар темирдан ишланган халқаларни қулоқлари, бурунлари, қўллари ва бўйинларига тақиб юрганлар.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, ўрта асрларда Марказий Осиё қаландарлари ҳанафийликка амал қилиши, соликнинг тариқат мақомларини ўтаб, ижтимоий фаол ҳаётга қайтиши ҳамда ташқи қиёфаси жиҳатидан ҳозирги Эрон ва Туркия қаландарларидан фарқланган. Улар орасидаги фарқлар зикр амалиёти, ҳирқа турлари ва эътиқодий қарашлар масалаларида ҳам намоён бўлган. Марказий Осиёда ҳайдарийлар, ишқийлар, хароботийлар ва абдолийлар қаландарийлик йўналиши вакиллари сифатида якка ёки гуруҳ тарзида фаолият олиб борганлар.

– Марказий Осиёда қаландарийлик тариқатинининг тарихи ва улар яшаган ҳудудлар билан боғлиқ маълумотлар саёҳатномаларда ўз аксини топган. Тасаввуфий манбалар қаландарийликнинг тариқат сифатидаги аҳамиятини, қаландарнома қўлёзмалари эса амалий жиҳатлари билан боғлиқ хусусиятларини ва Ўзбекистон Миллий архиви ҳужжатлари жамиятда тутган ўрнини очиб беришга хизмат қилади;

– Марказий Осиёда қаландарийлик жамиятнинг турли қатламларида, жумладан, шариат ва тасаввуф вакиллари орасида авж олган риё, ҳашаматга берилиш каби иллатлардан норозиликнинг ифодаси сифатида юзага келган. Жамиятдан четлашиш ҳамда нафсни ислоҳ қилиш йўлида қаландарийликдаги асосий тамойиллар “сидқ” ва “ихлос”га эътибор қаратилган;

– ўрта асрларда Марказий Осиё қаландарлари ҳанафийликка амал қилиши, соликнинг тариқат мақомларини ўтаб, ижтимоий фаол ҳаётга қайтиши ҳамда ташқи қиёфаси жиҳатидан ҳозирги Эрон ва Туркия қаландарларидан фарқланган. Улар орасидаги фарқлар зикр амалиёти, ҳирқа турлари ва эътиқодий қарашлар масалаларида ҳам намоён бўлган. Марказий Осиёда ҳайдарийлар, ишқийлар, хароботийлар ва абдолийлар қаландарийлик йўналиши вакиллари сифатида якка ёки гуруҳ тарзида фаолият олиб борганлар.

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ҚАЛАНДАРИЙЛИК ТАРИҚАТИНИНГ ТАЪЛИМОТИ ВА АМАЛИЁТИ

## Маломатийлик таълимотининг қаландарийлик ғояларида акс этиши

Маломатийлик IX асрда Нишопур тасаввуф мактаби таъсирида Хуросонда вужудга келган зоҳидлик ҳаракати бўлиб, унинг таълимотини шакллантирган шахс Абу Солиҳ Ҳамдун ибн Аҳмад ибн Аммор Қассор (ваф. 884 й.) ҳисобланади. У маломатийликка хос таълимотни Муҳосибия (ваф. 857 й.) қарашлари асосига қурди. Ҳамдун Қассор номи билан боғланувчи ушбу ҳаракат кейинчалик деярли барча Хуросон суфийларига ўз таъсирини ўтказган[75].

Маломатийларнинг қарашлари ва аъзолари ҳақида биринчи бўлиб асар ёзган олим Абдураҳмон Суламий (ваф. 1021й.) улар ҳақида ижобий муносабат билдирган. Ундан аввал ўтган биронта олим маломатийларга бағишлаб бу қадар муфассал ва мукаммал асар ёзмаган[76]. У “Рисолату-л-маломатия” асарида ушбу мактабнинг асосчилари сифатида Ҳамдун Қассор ва икки нишопурлик суфий – Абу Ҳафс Амр Салма Ҳаддод (ваф. 886 й.) ва Саъд ибн Исмоил Ҳайфий (ваф. 910 й.)ларни келтирган. У

[75] Қаранг: Ислам: энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – С. 155.; Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. – М.: Диля. 2001. – С. 106-111.; Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. – М.: Наука, 1989. – С. 275-277.; Караматов Х.С. Аскетические и суфийские течения в Хорасане. Из истории суфизма. Сборник статей. – Тошкент: Фан, 1991. – С. 28-30.; Абу Толиб Мир Обидин. Ойини қаландарий. – Теҳрон. 1374 (шамс.қам); - Б. 43-51.; Муҳаммад Ризо Шафиъий Кадканий. Қаландария дар тарих. – Теҳрон. 1386. – Б. 106-109.; Зарринкўб Абул Ҳусайн. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе: Ирфон, 1992. – Б. 283-302.; Dr. Najdat Tosun. Bahaeddin Naksbend. – Istanbul. Insan yayinlari. 2002. –S. 345-386.

[76] Муҳаммад Ризо Шафиъий Кадканий. Қаландария дар тарих. – Теҳрон. 1386. – Б. 132.

маломатийликнинг дастлабки вакиллари ўлароқ Абу Язид Бистомийни ҳам алоҳида зикр қилган[77].

Шунингдек, Усмон Ҳирий ва унинг шогирди Муоз Розийнинг ҳам хуросонлик тарафдорларга сезиларли таъсир кўрсатгани айтилган. Ушбу ҳаракат вакиллари, асосан, ўрта ҳол ҳунарманд ва савдогарлардан иборат эди. Маломатийлар ўзларининг художўйиликлари ва ниятларини сир сақлашлари билан шуҳрат қозонганлар. Улар маломатийлик номининг келиб чиқишини Қуръони карим ояти билан мустаҳкамлаганлар. “Эй, имон келтирганлар! Сизлардан кимки динидан қайтса, Аллоҳ шундай бир қавмни келтирурки, уларни Аллоҳ севадиган ва улар ҳам Уни севадиган, мўминларга (нисбатан) камтар, кофирлардан эса (ўзларини) юқори тутувчи, Аллоҳнинг (тоати) йўлида жидду жаҳд қилувчи, маломатчининг маломатидан қўрқмайдиган бўлурлар. Бу Аллоҳнинг фазлидирки, уни Ўзи хоҳлаган (бандалари)га берур”[78].

Муфассирларнинг аксарияти бу оят Пайғамбар (с.а.в.) ва у кишининг саҳобалари ҳақида нозил қилинганини таъкидлаганлар. Маломатийлар мазкур оятни далил қилиш орқали кишиларнинг маломатидан қўрқмасликка, яхши амалларни ошкор бажаришдан тийилиб, одамлар маломат қилиши учун зоҳирда айб иш қилишдан чўчимасликка чақирадилар. Улар амални ихлос билан бажаришни асосий мақсад қилганлари боис риёдан воз кечиб, ихлос ва сидққа катта аҳамият берганлар.

Маломатий ким экани Ҳужвирийнинг “Кашф ал-маҳжуб” асарида қуйидагича таърифланади: “Аллоҳ таоло Ўзи билан алоқаси мавжуд барчани дунёдаги жамики кишилар маломат қилишларини хоҳлайди. Улар маломат билан банд бўлар эканлар, Яратган шу орқали Ўз сирини яширади. Бу ҳақиқий рашк бўлиб, Аллоҳ таоло севган бандаларини бошқаларни ўйлашдан ва ўз гўзаллиги, яхши амалларига банд бўлишдан сақлайди. Натижада, уни худбинлик ва кибр балосидан ҳимоя қилади. Бошқаларни эса уларни гапиришда ва муҳокама қилишда бардавом қилади. Маломат қилинувчини эса ўз нафси билан овора қилиб қўяди. Улар бирон ёмонлик содир қилсалар ўзларини маломат қиладилар ва

[77] Ислам: энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – С. 155.

[78] Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Абдулазиз Мансуров таржимаси. – Тошкент: 2011, Моида 54-оят.

яхши иш қилсалар уни нуқсонли, деб биладилар. Бу Аллоҳ таоло йўлида кучли ҳақиқат бўлиб, бу йўл бало ва инсоннинг ўзига бино қўйиш каби машаққатлардан сақлайди. Улардан бандалар рози бўлмайдилар, чунки маломатчи қалблар ҳақиқатни кўришдан ожиздир. Ким халқни рози қилмоқчи бўлса, Ҳақни рози қила олмайди. Бу шайтоннинг мисолига ўхшайди. У Одамни яралишига қарши бўлмаган, фаришталар эса эътироз билдирган эдилар. Аллоҳ одамни яратишдан муродини баён қилгач, фаришталар унга сажда қилдилар, шайтондан эса норизо бўлдилар. Аллоҳ уни ўз даргоҳидан қувган заҳоти барча яралганлар ундан юз ўгирди”[79].

Ҳужвирий халқнинг маломати Аллоҳнинг ошиқлари учун озуқадир, деб баҳолайди. Чунки унда Аллоҳга яқинлик ва дўстлик аломати бор. Одамлар халқ орасида мақбул бўлганларидан севинсалар, маломатийлар рад этилганлари билан қувонадилар.

Бу тариқатга аъзо бўлган киши ўз руҳий кечинмаларини бошқалардан ҳатто, энг яқин кишиларидан ҳам сир тутиши талаб этилган. Улар баъзи суфийлар каби фақатгина Худога таваккул қилиб, касб қилишдан воз кечишга қарши бўлганлар. Кўпроқ меҳнат қилиб, шу аснода Худо билан хаёлан бирга бўлиш уларнинг бирламчи мақсади бўлган. Улар оила қуриб, фарзандларини пешона тери билан топган ҳалол луқмаси орқали парвариш қилганлар[80].

Маломатийлар ташқи жиҳатдан Худонинг хизматида эканини англатувчи белгилар яъни, либос ва хатти-ҳаракатлар киши эътиборини жалб қилади, деб ҳисоблаганлар. Бу эса савоб иш қилаётган кишига нисбатан одамларда ҳурмат ҳиссини уйғотади, деб гумон қилинган. Ташқи унсурлар тариқатга кирган кишини Худога яқинлашишдан чалғитади, деб қаралган. Маломатийлар “нафс”ига нисбатан ўзидан қониқиш ва ғурур туйғусини туйиш ҳам риёга олиб келади ва сидқ, ихлос тушунчасидан узоқлаштиради, деб эътиқод қилганлар. Нақафат кишилар олдида, балки ўзи ёлғиз қолганда ҳам риёдан сақланмоғи лозим[81] деган қараш тарафдори бўлганлар.

---

[79] Абул Ҳасан Хужвирий ал-Ғазнавий. Каш ал-маҳжуб. – Миср. 1974. –Б. 260.

[80] Ислам: энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – С. 155.

[81] Караматов Х.С. Аскетические и суфийские течения в Хорасане. Из истории суфизма. Сборник статей. – Тошкент: Фан, 1991. – С. 28-30.

Маломатийликда биринчи навбатда ислом арконларининг барчасини тўлиқ бажариши, жаҳрий зикр ва самодан тийилиш талаб этилган. Маломатийлик қарашларининг асосчиси Абу Ҳафс Ҳаддод ва Ҳамдун Қассор ҳам кишиларни эзгу-амалларга намойишкорона даъват қилишдан қайтарган ва ўзи ҳам шу йўлдан борган. Усмон Ҳирий ҳам айнан шу қарашнинг тарафдори бўлган[82].

Ҳужвирийга кўра, Усмон Ҳирийнинг маърузалари халқ орасида жуда машҳур бўлган. Нишопурликлар унинг учун бир мактаб (кафедра) ташкил қилганлар. Шу боис у ҳаёт ҳақида турли мушоҳадалар юритишга, уларни шогирдлари ва тарафдорларига етказишга уринган ва бунга муваффақ бўлган. Бундан ташқари, Ҳаддод Қассордан фарқли ўлароқ ўз таълимотини ёзма равишда баён қилишга уринган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ўз нафсини маломат қилиш ва ўзидан қониқмаслик ҳам маломатийларга хос сифатлардандир. Аммо бу ҳолат муридларга тегишли бўлиб, шайхлар бундан мустасно бўлганлар. Чунки, улар маълум босқичга етгач нафсга эътибор бермай Худога бирлашиб кетилади, деб ишонганлар. Бу ҳолатда киши ўз нафсидан ажраб чиққан ҳисобланган. Шунингдек, маломатийлик аъзолари соғлиқларига унча аҳамият бермай Яратганнинг йўлида сарф қилишни шараф санаганлар[83].

Ушбу таълимот принципларини ишлаб чиққан Абдураҳмон Суламий бу ҳаракатнинг Ўрта Осиё ва Форс ерларида ўртаҳол ҳунармандлар ва савдогарлар орасида кенг тарқалганини айтади. Шу боис ҳам футувват[84]га хос руҳий юксакликка интилиш маломатийликда ҳам асосий ғоя бўлиб хизмат қилади[85].

Суламий илм ва ҳол аҳлини уч тоифага бўлади:

1. Зоҳирий олимлар.

---

[82] Кныщ А.Д. Мусульманский мистицизм. – М.: Диля. 2001. – С. 106-111.

[83] Кныщ А.Д. Мусульманский мистицизм. – М.: Диля. 2001. – С. 106-111.

[84] Умрни дўстлар хизматига бағишлаш, фақат яхшиликни ўйлаб, яхшилик қилишдан чарчамаслик. Пиру устозлар, дўст-биродарлар номуси, шарафини ҳимоя этиш каби бир қатор сифатларни ўзида мужассам этган кишилар жамоа бўлиб уюшиб, ўз эъзгу ниятларини амалга оширганлар. Уларни жавонмардлар, ахийлар ёки фатийлар деб аташган.

[85] Кныщ А.Д. Мусульманский мистицизм. – М.: Диля. 2001. – С. 106-111.

2. Суфийлар ёки аҳли маърифатуллоҳ.

3. Маломатийлар.

Суламий уч босқични қуйидагича таснифлайди: шариатдан тўлиқ хабардор киши тасаввуф йўлига ўтиш орқали суфийликка эришиб, ундан кейин эса маломат даражасига яъни, холислик мартабасига етишиши мумкинлигини таъкидлаган. Бу босқич олим наздида энг юқори даража бўлиб, бунда маломатийликдаги суфий одамлар ва уларнинг муносабатини бутунлай унутади ва қаршисида фақат Яратганни кўради. Маломатийликдан мақсад ҳам бандаларининг маломатидан қўрқмай ҳаракат қилишдир.

Абдураҳмон Жомий уларни ҳақиқий суфийлар, деб баҳолайди. Улар ихлос туфайли мухлислик даражасига етган кишилардир[86]. Суфийнинг асл мақсади ҳам кўнгилни поклашга интилиш ва бу йўлда ташқи муносабатни инобатга олмасликдир.

Умар Суҳравардий маломатийларни ижобий баҳолар экан, уларни ҳар бир амалида Худо ризосини кўзловчи кишилардир, деб таърифлайди[87].

Бундан ташқари, маломатийлик ўз қоидалари билан қаландарийлик тариқатига ҳам сезиларли даражада таъсир ўтказган. Бу ҳақида Суламийдан аввалроқ яшаб ижод этган олим Мутоҳҳар ибн Тоҳур “Ал-бадъ ва ат-тарих” асарида маломатийлик ҳақида маълумот беради. У китобининг “Мақолати аҳли ислом” деб номланган тўқсонинчи бобида суфий аҳлининг тўрт фирқасини зикр қилган. Улар ҳусния, маломатия, шавқия ва маъзуриядир. Ушбу фирқалар ҳақида ҳеч бир манбада учрамайдиган қимматли маълумотлар мазкур китобда ўз аксини топган[88]. У маломатийлик вақт ўтган сайин қаландарийлик шаклида ҳаётда сақланиб қолганини зикр этган. Қаландарийларга хос “чор зарб” усули маломатийлардан ўтган бўлиб, аслида бу Эрон сосонийларига мансуб одат бўлганини ҳам қайд этган.

---

[86] Абдураҳмон Жомий. Нафаҳоту-л-унс мин хазароту-л-қудс. Байрут. Дару-л-кутубу-л-илмия, 2003. – Б. 15.

[87] Ислам: энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – С. 155.

[88] Муҳаммад Ризо Шафиъий Кадканий. Қаландария дар тарих. – Теҳрон. 1966. – Б. 102-105.

Суламий тасвирлаган маломатийлар билан Мутоҳҳар ибн Тоҳур баён қилган маломатийлар орасида бироз тафовут бор. Мутоҳҳар ибн Тоҳур маломатийларни қаландарийларга жуда ўхшаш эканини айтади. Суламий эса аксинча улар орасида етарлича фарқ мавжудлигини келтиради.

Қаландарийлик ва маломатийлик орасини тарихий жиҳатдан биринчи бўлиб муқояса қилган олим сифатида Шаҳобиддин Суҳравардий[89] (1153-1191) қайд этилади. У ўзининг "Аворифу-л-маъориф" рисоласида улар орасидаги муносабатнинг эътиборли жиҳатларини келтирган[90].

Унинг мазкур қиёсига кўра, ҳижрий VII асрнинг бошларидаёқ икки тариқат ўртасида фарқлар вужудга кела бошлади. Китобнинг тўққизинчи бобида косонийлар ҳақида сўз юритилади. "Улар ўзларини суфийлардан деб билсалар ҳам суфий, деб атамайдилар. Қавмларини эса баъзан маломатийлар баъзан эса қаландарийлар дейдилар". Суҳравардий назарида унинг даврида қаландарий жамоаси деганда маломатийлар ҳам тушунилган. Бунинг боиси эса уларнинг орасида дастлабки вақтларда сезиларли фарқ кузатилмаганидадир. Кейинчалик улар ўртасида пайдо бўлган тафовутлар ўзаро муқоясалашга сабаб бўлган.

Суҳравардий икки тариқат ўртасидаги фарқларни қуйидагича келтиради: "Маломатийлар шариф кишилар бўлиб, азизлик мақомидадирлар. Улар фарз ва суннатга ҳамда ихлос ва сидққа риоя қилувчи одамлардир. Қаландарийлар эса одамлар ва жамоалар наздидаги одоб, одат меъёрларини бузувчилардир. Улар жаҳонгашталикни севадилар. Намоз ва рўза каби фарз амалларида қусурлари мавжуд. Дунё лаззатларидан завқланиш улар наздида мубоҳдир... Маломатийлар хайрли ва савоб ишларини халқдан сир тутадилар, қаландарийлар эса бунинг аксини қиладилар. Одатлардан четга чиқишга уринадилар. Маломатийлар кўринишда хатти-ҳаракатларидан оддий кишилардан фарқ қилмасликка уринадилар. Аслида савоб ишга бел боғлаган солиҳ кишилар бўлсалар-да, ўртамиёна юрадилар. Қаландарийлар учун

[89] Абу Толиб Мир Обидин. Ойини қаландарий. – Теҳрон. 1374 (шамс.қам). – Б. 136.
[90] Шаҳобиддин Суҳравардий. Аворифу-л-маъориф. – Қоҳира: Мактабату-с-сақофату-д-диния. 2019. – Б.15.

кишилар эътиборини жалб қилиш муҳим аммо, улар ҳақида нима деб ўйлаётганларини хаёлларига ҳам келтирмайдилар[91]".

Қаландарлар бирон бир ижтимоий жамоага, сиёсий оқимларга аъзо бўлишликдан бош тортган, одамларга ва динга қаттиқ боғланиб қолишдан четлашган кишилардир. Ижтимоий жипсликни қоралаганлар. Улар якка ҳаракат тарафдори эдилар. Дунёдан чинакамига қўл силтаб Аллоҳга таваккул қилар эдилар[92].

Қаландарийлик ва маломатийлик ўртасидаги боғлиқлик ҳақида Мир Обидин шундай ёзади: "Суфийликка оид манбаларда қаландарийлик маломатийликнинг бир шаҳобчаси сифатида қайд этилади. Маломатийлар халқ назаридан ўзларини четга олишга уринувчи, расм-русум ва одатлардан четда турувчи тоифа бўлиб, нафл ва тоатлари эл назарида кўринмайди. Улар ташқи жиҳатдан суфийларга хос бўлган амалларни бажармайдилар. Балки, яширин тарзда руҳий покликка интиладилар. Халқ уларнинг тоатларидан бехабардир. Қаландарийлар фарз амаллардан четга чиқмайдилар, ибодатларини эса ошкорми махфийми бажараверадилар. Аммо бу пайтга келиб қаландарийлар исломдан узоқлашиб кетдилар ва уларни хашавийларга тенглаштириш мумкин"[93].

Аҳмад Яшар фикрига кўра, маломатийлик нафақат IX, X ва XI асрларда, балки ундан кейинги даврларда ҳам ўз кўринишларини сақлаб қола олган. Унинг принциплари кубравийлик ва қаландарийлик тариқатларига асос бўлиб қолди. Улар орасидаги боғлиқлик ҳақида XIII асрда "Аворифу-л-маъориф"да ва XV асрга келиб эса "Нафахоту-л-унс мин хазароти-л-қудс"да очиқ фикр юритилганига ишора қилган.[94]

"Аворифу-л-маъориф" асарининг муаллифи Шаҳобиддин Суҳравардий маломатийларни ихлос соҳиблари сифатида кўради. Улар гуноҳ ишлари халқ наздида намоён бўлишидан қочишга уринганлари каби, савобли ишларини ҳам яширишга қаттиқ бел боғлаганлар, дейди.

---

[91] Абу Толиб Мир Обидин. Ойини қаландарий. – Теҳрон. 1374 (шамс.қам); – Б. 137.

[92] Ali Akbar Keđvanfar. Relations of sufism and the religions of manliness, malamatieh and ghalandarieh. -Ankara üniversitesi dil ve tarih- coğrafya fakültesi dergisi.

[93] Абу Толиб Мир Обидин. Ойини қаландарий. – Теҳрон. 1374 (шамс.қам); – Б. 136.

[94] Ahmet Yaşar Ocak, Osmanlı İmparatorluğunda Marjinal Sûfîlik: Kalenderîler, Ankara 1992. – S. 11-17.

Абдураҳмон Жомий ҳам уларни пок кишилар сафида билиб, маломатийларни муборак кишилар, деб баҳолаган. Улар одамлар наздида “фосиқ” кўринишга уринсаларда уларнинг пардалари ортида покдамон инсонлар борлигини эътироф этган. Бундан фойдаланган баъзи мунофиқлар маломатийлик номи остида фисқ ва фужурларни амалга ошира бошлаганларини баён қилган.

Ҳар икки муаллиф ҳам қаландарийларни шу нуқтада тилга оладилар. Яъни уларни зиндиқ ва мулҳидлар деб атайдилар. Улар орасидаги фарқни жамоага қарши чиқишда, нафл ибодатларни очиқ ва яширин бажаришда кўринади, деб биладилар. Қаландарийлар қалб поклигини рўкач қилган ҳолда нафл ибодатларига маломатийлар каби аҳамият бермайдилар. Буларни кераксиз деб билиб, фарзлар билан чекланадилар.

Аммо хулосада Жомий уларни ҳақиқий қаландарийлар билан аралаштирмаслик кераклигини уқтиради. Бундан шундай фикр келиб чиқадики, асл исломиятга мос, юксак тасаввуфий фалсафага эга ва маломатийлар каби ҳақиқий суфийлик ҳаётини кечирган қаландарийлар мавжуд бўлган. Аммо XV асрга келиб улар аста-секин эътиқоддан узоқлаша борганлар. Кейинги қаландарийлик оқимлари фақатгина шу ном билан аталса-да, ҳеч бир диний, ижтимоий ва ахлоқий қоидаларга амал қилмайдиган гуруҳларга айландилар.

“Масобиҳул ҳидоя ва мафотиҳул кифоя” асарининг муаллифининг келтиришича, қаландарийлар икки гуруҳга мансуб бўлган. Биринчиси, маломатийларга хос қаландарийлар бўлиб, улар маломатийлик билан шуҳрат топиб, қаландар мақомига эришган шахслардир.

Иккинчи гуруҳ эса косоний қаландарлардир. Улар таркибидаги суфийлар бошқа гуруҳлардан қўшилган бўлиб, маломатийлик асосларидан узоқлашиб кетган кимсалардир. Биз яқин тарихда дуч келган қаландарийлар иккинчи тоифага мос келади. Улар жавонмард кишилар бўлганлар. Улар тасаввуфдан таъсирланган кишилар бўлиб, лангархоналарда истиқомат қилиш уларга одат бўлгани боис, ўзларига шундай макон тутишни оддий ҳол деб биладилар. Натижада қаландарийларга ҳам бу нарса одат бўлиб қолди. Бу тоифага барча норасолик ва фисқ хос саналади[95].

[95] Абу Толиб Мир Обидин. Ойини қаландарий. – Теҳрон. 1954. – Б. 47-48.

Зарринкўбнинг тадқиқотларида билдирилишича, футувват тасаввуф сингари махсус кўринишга эга бўла боргач суфийларнинг фатаёнлар билан яқинлашуви юзага келди. Маломатийлик ва қаландарийлик ўртасидаги алоқа ҳам давом этди. Қаландарлар сарбозлар кийган махсус либосларни кийишни одат қила бордилар. Халқ наздида бу кийимни кийганлар ориф, суфий ва фатий даражасига эришганлар ҳисобланарди. Аммо бу каби ҳолатларнинг давом этиши, ташқи кўринишнинг бирламчи даражага кўтарилиши шариатдан узоқлашишга ва қаландар атамасини эшитганда салбий фикрлар уйғонишига олиб келди. Натижада қаландарлар аҳли харобот номини олдилар[96].

Хатиби Форсий қаландарийларнинг ақидалари ва расм-русумлари ҳақида фикр юритар экан, уларни оддий ҳолатларда бажариладиган одатлардан йироқ юрувчи гуруҳ сифатида қайд этади. Уларнинг урфлардан четлашишини маломатийларга хос сифат деб келтиради. Қаландарийлар тоза қалб эгалари бўлиб, зоҳидлик ва обидлик уларнинг ташқи қиёфаларида акс этмаслигини қайд этган. Улар риёдан хазар қилишлари билан маломатийларга яқин турадилар, деб уқтиради[97].

“Бурҳони қотиъ” асарининг муаллифи қаландарий, маломатий ва суфийлик орасидаги жиҳатни шундай баён қилади. Қаландарийлар тажрид ва тафридда камолга етган кишилардир, одат ва ибодатларни менсимайдилар, маломатийлар эса хайр ва савобни ошкор қилмайдиган, гуноҳларини яширмайдиган кимсалардир, суфийлар аслида дили халқ билан боғланмаган ҳолда улар билан муносабатда бўладиган зотлардир. Суфийлар ҳар иккисидан ҳам олий мартабададир[98].

Қаландарийлар жаҳрий зикрни афзал кўрадилар. Уларнинг амалиётлари жараёнида бу ҳолатнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Глеб Снесарев Хоразмда олиб борган илмий изланиш ва кузатишлари давомида ўлка қаландарлари жаҳрий зикрни амалга оширишларининг гувоҳи бўлганини қайд этади. Маълумки, Шарқ зоҳидлари, асосан, махфий зикрга асосланадилар. Аммо қаландарлар жаҳрий зикрни якка ёки жамоа тарзида амалга оширганлар. Зикр қўлларни бир-бирининг

---

96 Зарринкўб Абул Ҳусайн. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе: Ирфон, 1992. – Б. 302.

97 Хатиби Форсий. Сийрати Жамолиддин Соважий. –Тус. 1362. – Б. 18.

98 Ўша манба. – Б. 18.

елкасига қўйиб, доира тарзида айланиш билан амалга оширилади. Айланиш жараёнида ҳар бир оёқни кескин тиззадан букиб, ерни товон билан тепилади. Ўртада ҳофиз – куйловчи ўтиради ва Худонинг номини жаҳрий айтиб зикрни бошқаради. “Ҳақ! Ҳу”[99] каби сўзлар билан Худо номини тилга олиб ўтиради[100].

Бундан кўринадики, қаландарийлар жаҳрий зикр тарафдоридирлар. Уларнинг бозорларда, кўча-кўйда ва қаландархоналарда тўпланишиб, жаҳрий зикр тушишларини Троицкая ҳам қайд этган[101].

Маломатийлар эса хафий зикрни қўллаганлар. Улар меҳнат қилиш ва шу аснода қалби билан Аллоҳни улуғлаб туриш зарурлигини уқтирадилар. Бу жиҳатлари кўпроқ нақшбандийликни эслатади. Снесарев Хоразм қаландарийлари гарчи жаҳрий зикрни амалга оширсаларда, ўзларини нақшбандийлик тариқати издошлари сифатида кўришларини келтирган[102].

Демак айтиш мумкинки, қаландарийлар жаҳрий, маломатийлар эса хафий зикрни афзал биладилар. Қаландарийларнинг барча амалларни очиқ тарзда бажаришларини “Фустат ал-адала фи қоваид ас-салтана” асарининг муаллифи қуйидагича баҳолаган: “Жавлақийларнинг пайдо бўлиши маломатийлар билан боғлиқдир... Жавлақия фирқаси оммавий тарзда сафар қилиб, ўзларини ҳар қандай диний-ахлоқий қоидалардан “пок” тутиб, шу йўл орқали халқнинг маломатини жалб қилишни мақсад қилганлар. Шунингдек, бунинг натижасида савобга ҳам эришишни кўзлайдилар. Соч-соқоллари қиртишланган, юксак тасаввуфий қарашларни ўз тушунча ва савияларига мослаштириб олган, оила қурмай яшашни мақсад қилган қаландарлардир”[103]. Унинг қарашларидан хулоса қилиш мумкинки, қаландарийларнинг ҳам маломатийларнинг ҳам мақсади битта – халқнинг маломати орқали савобга эришиш. Фақат уларнинг мақсадига элтувчи йўллари турлича.

---

[99] “Ҳу”дан мурод “Ҳува” яъни, “У” – Худодир.

[100] Снесарев Г.П. Под небом Хорезма. – М.: Мысль, 1973. – С. 84-85.

[101] Троицкая А.Л. Из прошлого каландаров и маддахов в Узбекистане // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С. 194-195.

[102] Снесарев Г.П. Под небом Хорезма. – М.: Мысль, 1973. – С. 85.

[103] Osman Turan, “Selçuk Türkiyesi Din Tarihine Dair Bir Kaynak: Fustâtü’l-adâle fî Kavâidi’s-saltana”, Fuad Köprülü Armağanı, İstanbul. 1953, -S. 533.

Маломатийлар эътиқодига кўра, Аллоҳни унутмаслик, ўзини мавжуд эмас, балки йўқлик деб ҳис қилиши керак. Бошқаларни эмас, ўзининг нафсини ерга уриши лозим. Бу тушунчага асосланган маломатийликни Ибн Арабий энг баланд мартаба деб билган. Дастлабки қарашлари шулардан иборат бўлган маломийлик аста-секин асл ғоясидан узоқлашиб, ўзгаларнинг таҳқирлашига сабаб бўладиган хатти-ҳаракатлар қилиш, яхши амалларни яшириб, ёмон амалларни ошкор қилиш сингари тушунчалар маломийликнинг асосий ғоясига айланган. Бундай маломат тушунчаси идеал ҳисобланмасада, жоиз кўрилган. Бу қараш борган сайин ботиний ва шиавий унсурлар билан қўшилиб, "маломат" номи остида ҳар қандай гуноҳ амалларни бажариш ва шариатни менсимаслик сифатида намоён бўлди. Бундайларни Абдураҳмон Жомий "Нафаҳотул унс" асарида қаттиқ танқид қилган[104].

Усмон Турар "Тасаввуф тарихи"[105] асарининг "Тариқатларнинг таснифи" бўлимида тариқатларни, асосан, уч турга кўра таснифланади деб келтиради:

а) зикр кўринишларига кўра;

б) қўллаган методига кўра;

в) фикр тизимларининг ҳақ ва ботил бўлишига кўра.

Учинчи таснифга кўра исломнинг бош асосларига таянган ҳолда ташкил қилинган ва шаклланган тариқатлар; нақшбандия ва қодирия ҳақ тариқатлар сирасига киради.

Ботил тариқатлар икки қисмдир. Биринчиси, дастлаб зуҳур этиб, асосчисининг фикрлари ҳақ бўлган-у, бироқ аста-секин турли фикр ва анъаналар таъсирида ботиллашган тариқатлар, масалан, бектошийлик. Иккинчиси, дастлаб пайдо бўлишиданоқ исломга мувофиқ келмаган тариқатлар, чунончи, ҳуруфийлик ва қаландарийлик деб қайд этилган. Аммо, бу фикр ҳаққоний эмас. Чунки, қаландарийлик тарихини ўрганган олимлар фикрига кўра, дастлабки пайдо бўлган даврида қаландарийлик мўътадил ва шариатга амал қилувчи тоифа бўлган. Асосан, эронлик суфий Жамолиддин Савий томонидан киритилган айрим қоидалар уларнинг диндан узоқлашишини таъминлаб берди. Шунда ҳам уларни бутунлай динсизга чиқариш ноўрин бўларди.

[104] Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999. – Б. 95.
[105] Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999. – Б. 63.

Чунки, унинг шогирдлари орасида эл ҳурматини қозонган, ўз динини йўқотмаганлари талай бўлган. Асосан, кейинги даврлар, яъни XV аср бошларидан XX асрнинг биринчи яримларигача бўлган оралиқ уларнинг энг ҳаддан ошган пайтлари бўлганини кўришимиз мумкин.

Рус олими О.Ф.Акимушкин бир мақоласида "Жомий ва Суҳравардийнинг иккиси ҳам ҳақиқий қаландарлар билан ур-тўполонларда иштирок этиш учун қаландарлар либосини кийиб юрадиганларни чалкаштириш керак эмаслигини қайд этганлар", деб ёзади[106].

Хулоса шуки, қаландарийлик асослари маломатийлик негизида шаклланган, шу сабабли XI-XII асрларда қаландарийлик тариқатида маломатийликдаги "маломат", "фақир" ва "ихлос" тушунчалари устувор бўлган. Мазкур даврда қаландарийлар эътиқодий жиҳатдан танқидларга учрамаган. XIII-XV асрларда "ваҳдат ал-вужуд" таълимотининг ўзлаштирилиши, қаландарларнинг "ҳулул" ва "таносух" билан "тамға"ланиши уларнинг тасаввуф аҳли орасида аввалги мавқеига путур етишига сабаб бўлган.

## Марказий Осиё адиблари асарларида қаландар тимсоли

Қаландарийлик йўли адабиётшуносликда мукаммал талқин этилган эмас. Адабий манбаларда ва илмий тадқиқотларда қаландарликка чизгилар, унинг моҳиятини ёритувчи мулоҳазалар баён этилган. Бадиий асарларда қаландарларнинг ташқи қиёфасидан кўра кўпроқ назарий қарашларига хос тизим ва уларнинг амалиётлари баён этилган. Мумтоз адабий манбалардан Бобо Тоҳур Урён, Саноий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз, Фахриддин Ироқий, Жалолиддин Румий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳайратий ижоди қаландар, қаландарлик, қаландарларга оид унсур ва анъаналарни ўзида акс эттирган.

1. Ошиқнинг мақсадини ифода этувчи рамзий образлар: ёр, маъшуқа, маҳбуб, жонон, пари, гул, шам, қуёш, ой, Ширин, Лайли, Узро, мирак, йигит, турки Шероз... 2. Ошиқ ва ишқ йўлида ошиққа маслакдош

[106] Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. – М.: Наука, 1989. – С. 277.

ёки унга руҳий-маънавий яқинлик ҳосил қилувчи образлар: ошиқ, солик, толиб, фақир, гадо, дарвеш, ғариб, қаландар, ринд, самандар, булбул, парвона, Фарҳод, Мажнун, Вомиқ... 3. Ошиқнинг мақсадига тўсиқ бўлувчи, ишқни инкор этувчи ёки унга майл кўрсатмайдиган образлар: нафс, рақиб, фақиҳ, мухтасиб, зоҳид, обид, шайх, шоҳ, фосиқ, булҳавас, ҳуснфурушон... 4. Ишқ йўлида ошиқни қўлловчи образлар: пир, пири муғон, дайр пири, соқий, муғбача, маҳрам, ҳабиб, Исо Масиҳ, Юсуф (а.с.), Хизр (а.с.), Мусо (а.с.) сингари пайғамбарлар...

Ҳаким Саноий (1080-1150) "қаландар" атамасини илк бора ўз ғазал ва рубоийларида қўллаган адабиёт аҳлидан саналади. У илк маротаба "Қаландариёт" таълиф этган шоир бўлиб, уни қаландарлик мавзусига дастлаб қўл урган адабиёт аҳлидан деб кўрсатиш ўринли. Саноий мисраларида қаландарлик нафсга қарши курашув воситаси сифатида тилга олинган. Қаландарни эса дунёдан қўл силтаган, ўзлигини Ҳаққа фидо этган суфий мисолида гавдалантиради[107]. Унинг наздида қаландар бу – Яратганнинг дўсти ва унинг сирдоши сифатида намоён бўлади. Бу йўлда у моддийликдан озод, қалби дунёдан бўш, вужудан ва ҳиссан ўзини яккалай олган шахс сифатида гавдаланади.

Саъдий Шерозий (1219-1292) ҳам бадиий адабиётда қаландарлар ҳақида ёзган илк шоирлар сафида тилга олинади. Саъдий яшаган даврга қадар "қаландар" атамаси жой маъносини англатиб келган. Саъдий "Гулистон"[108]ининг айрим нусхаларида қаландарлар "қаландарон" сифатида ҳам келтирилган бўлиб, бу қаландарларни шахс сифатида биринчи марта тилга олиниши деб баҳоланади. Саъдий қаландарларни шахс сифатида кўриш баробарида уюшган жамоаси аъзолари қаторида ҳам тасвирлаган.

Аммо кейинчалик Саъдий "Гулистон" асарида икки марта "қаландар" атамасини қўллаш орқали уларни қаландариён деб келтирилгани қайд этилган. Қаландарон эмас, қаландариён деб таъкидланишига аҳамият қаратилса, бу ерда жой номига ишора қилгани кузатилади. Маълумки, "қаландар" сўзининг кўплиги "қаландарон", "қаландарий" сўзининг кўплиги эса "қалан-дариён"дир.

[107] Муҳаммад Ризо Шафиъий Кадканий. Қаландария дар тарих. – Теҳрон. Сахн. 1966. – Б. 300-305.
[108] Sadi. Gülistan. İstanbul, 1963. C. 275-278.

Абдураҳмон Жомий сохта қаландарларни ҳақиқий қаландарийлар билан аралаштирмаслик кераклигини уқтирган. Исломиятга мос, юксак тасаввуфий фалсафага эга ва маломатийлар каби ҳақиқий суфийлик ҳаётини кечирган қаландарийлар ҳам тарихда мавжуд бўлганига эътибор қаратган. Аммо XV асрга келиб улар аста-секин эътиқоддан узоқлаша боргани ва кейинги қаландарийлик оқимлари фақатгина шу ном билан аталса-да, ҳеч бир диний, ижтимоий ва ахлоқий қоидаларга амал қилмайдиган гуруҳларга айлангани таъкидланган.

Навоий ва ундан аввалги шоирларнинг ишқий мазмундаги ғазалларига орифона руҳ бағишлашда ирфон аҳлига мансуб соқий, дайр пири, пири муғон, муғбача сингари маънавий етуклик тимсолларидан унумли фойдаланган. Драматизм ифодасида эса ишқу май билан зидланувчи ақл, хирад, хирадманд, оқил; ошиқу ринд билан парадоксликни юзага келтирувчи шайх, фақиҳ, мухтасиб, зоҳид ҳамда гадо, ринд, қаландар билан қаршиланувчи шоҳ сингари образларга ниҳоятда муҳим поэтик функция юкланади. Бундай парадоксликни ҳосил қилишда ошиқ, ринд, баъзан гадо сингари бадиий тимсолларга ақлу хирадни устун қўювчи шайх, фақиҳ, мухтасиб, зоҳид, шоҳ каби образлар зидлиги муҳим аҳамият касб этади. Айни чоғда ишқу май ва ақлу хирад ҳам зидланувчи образлар сифатида намоён бўлиб, хирадманд, оқил сингари образларни ҳам вужудга келтиради. Шунингдек, ишқу майнинг моҳиятини тўла англаб етмаган шайх, фақиҳ, муҳтасиб, зоҳид сингари образлар билан маънавий етуклик тимсоллари яширин зидликни ҳосил қилади[109].

Навоий асарлари луғатида ушбу истилоҳ қуйидагича изоҳланади: "Қаландар – дунёнинг ҳамма борди-келдиларидан воз кечиб, дайдиб юрувчи дарвеш; девонатабиат киши, лоқайд". Бу изоҳ истилоҳнинг моҳиятини қисман ойдинлаштирсада, тўлиқ тасаввур ҳосил қилмайди[110].

Алишер Навоий мажзуб қаландарларни ҳам, ўзига қаландар номини қўйган шилқим гадоларни ҳам, очкўз, фосиқ ва ҳорис маслаксотарларни

[109] Эшонқулов Ҳ. Алишер Навоий ғазалиётида ишқ поэтикасининг қиёсий-типологик таҳлили ("Хазойин ул-маоний" мисолида): филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) автореф. – Тошкент, 2020. – Б.55.

[110] Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. / ўқув қўлланма. –Тошкент, Ўзбекистон фанлар академияси. 2009. –Б. 106.

ҳам кўп кўрган ва кузатган шоир сифатида ўзининг “Насоимул муҳаббат” китобида улар ҳақида тўхталиб ўтган. У қаландарларни икки тоифага асл ва сохта қаландарга ажратган.

Навоий зоҳиран қаландар, аслида инсоний ғурурини оёқ ости қилиб тиланчилик ва гадолик билан машғул бўлувчи кимсаларни ҳам нафрат билан тилга олиб, одамшавандаликдан йироқ, ҳайвонсифатлар деб баҳолайди: “Булар орасида ўзига қаландар от қўйғон малъун одамийлиғдин мағбун. Ва дев ва шайтон олида матъун. Инсоният ва мусулмонликдан йироқ, тўнғуз ва айиқ одамийлиғда алардин яхшироқ. Шакл тағийра била одамийлиғдан карона, пўстин эвура киймаклари ҳайвонлиғ ва сабуъиятдин нишона. Улуғ кичикдин ҳар турликда гадойи мувахиш фосил хавотирдек софий кўнгилга мушавваш”[111].

Юқоридаги фикрдан маълум бўладики, қаландарлар икки тоифа бўлган: бири ҳақиқий, қалбини Аллоҳга боғлаган ва таваккул аҳли, яна бири эса кўриниши қаландар аммо қалби бўш, сохта қаландарлар.

Бадиий ижодда қаландарлик ҳақида нафақат шеърлар битган балки ўзи ҳам шу маслакнинг аъзоси сифатида кўзга кўринган шахс бу Бобораҳим Машраб саналади. Бобораҳим Машраб (тах.1657-1711) ҳаётининг ёритилишида қаландарлик билан боғлиқ бир мунча чигалликлар мавжуд бўлиб, Машрабни нақшбандия тариқати вакили сифатида кўрсалар-да, унинг шеърларини ўқиган кишида қаландарийлик тариқатининг аъзоси деган фикр уйғонади. Айниқса, унинг “қаландар бўл” радифли шеъри халқ орасида жуда машҳур бўлиб, унда қаландарлик ғоялари куйланади.

Машрабшунос олим Муҳсин Зокиров Машрабнинг мазкур шеърини шундай изоҳлайди: “Бу шеър маълум маънода қаландарнинг дастуриламалидир. Тасаввуфнинг сўл тараққийпарвар мазҳаблари ва унинг қаландария тариқати Машраб яшаган замонда жамиятнинг маънавий-ижтимоий ҳаётида ижобий тарихий аҳамиятга эга бўлганлиги шубҳасиздир”[112].

XVIII – XIX асрга келиб “мажзуб” ва “девона” атамалари ҳам баъзи ўринларда қаландарларга нисбатан қўлланилган. Жумладан, Машрабни

---

[111] Алишер Навоий. Маҳбуб-ул қулуб. – Тошкент, Янги аср авлоди. – 2019. – Б. 32.

[112] Ҳошимхонов М. Машраби мўътабар ўзум. – Тошкент: 2001. “Шарқ” нашриёти матбаа акциядорлик компанияси.-Б.100.

ҳам мажзуб деб атаганлар: Машрабнинг замондоши ва шогирди Пирмат Сеторий “Тазкираи қаландарон”[113] рисоласида устозини шу ном билан атаган. “Шоҳ Машраби мажзубнинг муборак даврасинда бўлмиш, ул табаррук зоти шариф суҳбатлариға мушарраф ўлмиш девоналар қирқ қаландарлар: ....[114]”.

Машраб ижод қилган даврда қаландарлар қирқ кишидан иборат жамоа бўлиб кўчаларда кезиб юрганлар. Бу турдаги дарвешлар қаландарлик ҳаёт тарзини тарғиб қилганлар. Машраб нақшбандийлик тариқати вакили ҳамда қаландарийликдаги ғоялар, яъни бир қолипга тушишдан четлашиш, маълум бир қоида ва чекловлар асосида тор доирада яшамаслик тарафдори эди. У ўз сўзларини эркин куйлаш, адолатсизликка тик боқиш ва уни бартараф этиш каби қарашлари билан ажралиб турган. Унинг руҳиятидаги олов бўлиб ёниш, жўшқинлик қаландарлик йўлини ихтиёр этган кишига айнан мос эди. Шу сабаб у мазкур маслакни ёқлаган ва ижобий ҳисоблаган. Бир сўз билан айтганда Машраб нақшбандийлик тариқатининг қаландаридир.

Машраб яшаган давр қаландарлари бир нечта тариқатларга хос хусусиятларни ўзида мужассамлаганини кўриш мумкин. Уларнинг ҳаёт тарзида яссавийликка хос жаҳрийликни, маломатийликка хос нафсни синдиришни, нақшбандийликдаги ихтиёрий фақирлик, инсонпарварлик ғоялари мутаносиблигини ҳам кузатамиз.

Яна бир шоир Гулханий XVIII асрнинг 70-йилларида Қўқонда таваллуд топган. Дилшоди Барнонинг «Тарихи муҳожирон» рисоласида келтирилишича, Гулханий ўз умрининг охирги йилларида ҳам қаландарона ҳаёт кечирган, шоирлар билан ҳаммом гўлахида кун ўтказган, деган маълумотларда учрайди. Унинг дарвешлар кийими бўлган жун чакмон кийиб юриши ҳақидаги маълумот ҳам, ҳаёт тарзи, ижоди моҳиятини бироз ойдинлаштириш учун хизмат қилади.

У умрининг маълум қисмини сипоҳий сифатида, бир қисмини сарой шоирлари даврасида, сўнгги даврларини эса дарвеш, қаландар сифатида ўтказган. Ҳаётининг поёнида дунё моҳиятини теран англаган

[113] Зокиров М. Тазкираи қаландарон // Шарқ юлдузи. – Тошкент: 1990, - № 8. – Б. 153.
[114] Зокиров М. Ўша манба. – Б. 153.

шоир қолган умрини Аллоҳ йўлида, қаландарларча яшаган, деган хулосага келиш мумкин[115].

XVIII асрнинг охирлари ва XIX асрнинг бошларида ижод қилган ўзбек адибларидан Мирҳасан Садоий ижодини кузатар эканмиз, унинг шеърияти мавзуси мундарижа ва композицион қурилиш, шунингдек, поэтик услуб нуқтаи назаридан ўзининг пири ва устози Ҳувайдо шеъриятига яқин туриши намоён бўлади. Диний-тасаввуфий мавзу, шариат ва тариқат масалалари икки шоир ижодида ҳам кенг тараннум этилган. Бу шеъриятда дунё ноз-неъматларидан юз ўгирувчи, қиёмат даҳшатларини ўйлаб кўзлари нам, ўз-ўзини маломат қилувчи беозор қаландар тимсоли намоён бўлади. Аммо бу қаландар дунёда меҳмон сифатида яшаса-да, халққа тўғри сўзни айтиб, соф йўлни кўрсатиб кетиш масъулиятини ҳам зиммасига олган. Шунинг учун уни пири ҳидоят, муршиди комил, деб ҳам атайдилар. Садоий девонида отаси ва пирининг яна шундай сифатлари таъриф этилиб ёзилган ғазаллар ҳам анчагина[116].

Шоир ғазалларида маломатийлик ва қаландарлик ғоялари тарғиби яққол сезилиб туради, лирик қаҳрамоннинг ўзини "девона" деб тасвирлаши ҳам кўп учрайди. Бу ғазаллар ростгўй, ҳақиқатпарвар сўфийнинг дилдан қилган фарёди, ҳақиқий ишқ ҳақидаги тушунчаси, уни қийнаган дарди ифодаси янглиғ қоғозга тушган, уларда ишқ кенг маънода, тасаввуфий рамзиёт асосида талқин этилади, Садоий шеърларидаги мажозий ишқ замирида ҳақиқий ишқ кўзда тутилади. Тасаввуфий талқинлар шоир ижодининг бош йўналишини белгилаган[117].

XVIII аср охири – XIX аср биринчи ярмида яшаб ижод этган шоир ва нақшбандия тариқатининг таниқли вакилларидан яна бири Мажзубдир. Унинг асли исми Муҳаммад Азиз бўлиб, Мажзуб тахаллуси остида ижод қилган[118] ва Халифа Муҳаммад Азиз Намангоний номи

---

[115] Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. / ўқув қўлланма. –Тошкент, Ўзбекистон фанлар академияси. 2009. –Б. 142.

[116] Садоий. Девон. № 2619/I ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Ҳ. Сулаймонов фонди.

[117] Муҳитдинова Н.М. Мирҳасан Садоий ва унинг адабий мероси: филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) автореф. – Тошкент, 2017. – Б.14.

[118] Мажзуб Намангонийга "Мажзуб" тахаллусининг берилиши ҳам тасаввуф билан боғлиқ. Маълумки, тасаввуфда бу атама "Аллоҳдан "жазба" берилган" ёки "қалбига Аллоҳ муҳаббати солинган", деган маънони англатади.

билан машҳур бўлган. Туғилган ва вафот этган йиллари номаълум. Мажзуб Наманган шаҳрининг Дегрезлик (ҳозирги «Сумалак гузари») даҳасида туғилган. У бошланғич маълумотни Наманганда, кейинчалик Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. У ўзбек ва форс-тожик тилларида "яссавиёна ҳикматлар" ва "машрабона шеър ва ғазаллар" битган. Ундан катта ҳажмдаги бир девон мерос қолган. Бу асар «Девони Мажзуб» номи билан машҳур[119].

Юқорида таъкидланганидек, Мажзубнинг «Девони Мажзуб», «Рисола-йи туркия» ва «Тазкира-йи Мажзуб-и Намангоний» каби асарлари бизгача етиб келган. Мажзуб Намангоний бадиий воситалар ёрдамида қаландарлик ғоялари орқали ишқ ва жазба ҳолатларини фавқулодда ташбеҳлар билан баён этади. Шоир Мажзуб шеъриятида кўп маротаба "қаландар" атамаси қўлланилган[120]. Мажзуб Намангоний мисраларида қаландар атамаси бевосита ошиқлик, кўнгил дардларининг турфа ҳолатларини ифодалайди. Қаландарлар ҳаёти, урф-одатлари, қиёфалари мажозий маънода ошиқликнинг ранг-баранг кўринишларини, қалб туғёнларини ифода этади.

Мажзуб бир байтида Аллоҳга қарата: "Мени ўзингга машғул эт, яъни ошиқ қил", – деб хитоб қилар экан, бу ошиқлик йўлида дунёнинг ҳою ҳавасларидан кечиб, қаландар бўлишни истайди. Чунки, ишқ йўлида унга қаландарлик шарафдир. У қаландарлик орқали сулук йўлида юксак мақомларни кўзлайди ва шу орқали ҳазрати Баҳоуддин Нақшбандга хизматкор бўлишни илтижо этади:

*Машғул этиб ўзингга, айла мани қаландар,*
*Ул Нақшбанд валийга айла ғулому чокар*[121].

Маълумки, нақшбандия тариқати хуфя зикрга асосланган ва унда қаландарларга хос ҳаёт тарзи мақбул кўрилмаган. Аммо нақшбандийликка оид кўплаб асарларда қаландар атамаси ижобий

[119] Юлдашходжаев Ҳ. Мажзуб Намангоний – мутасаввиф, тарихчи ва шоир // Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти. – Тошкент: 2004. – № 1. – Б. 22-25.
[120] Рафиддинов С. Мажзуб ва қаландарлик // Ўзбек тили ва адабиёти. 2009. – №3. – Б. 21.
[121] Мажзуб Намангоний. Тошбосма нусхаси. – Тошкент. 1912. – Б. 37.

маънода қўлланилганини инобатга олиб айтиш мумкинки, қаландар атамаси айнан шу тариқат аъзоси сифатида эмас, балки, ишққа муккасидан кетиб ўзлигини унутган бир суфий мисоли тилга олинган деб тахмин қилсак бўлади.

Шу ўринда Хожа Аҳрор Валийнинг айтган сўзларини келтириш ўринли бўлади. У киши “Фақарот”да “қаландарлик – ман этилган нарсаларни ўзидан йироқлаштириш, бу – айни тажрид ҳақиқатидир...” дейди[122].

Эҳтимол, шу сабабдан Мажзуб Аҳмад Замчи[123] ва Баҳоуддин Нақшбандни ҳам қаландар деб атайди.

*Озодадир қаландар, умри висолин истар,*
*Ҳеч нимаға айланмай, айтур “Оллоҳу акбар”.*
*Аҳмад Замчи қаландар ҳам Нақшбанд Бухорий,*
*Бу иккисига мухлис Мажзубни эт қаландар.*

Қаландар “озода”, яъни ҳур инсондир. Уни дунёнинг ортиқча ишлари банд қилиб қўймайди. Шоир наздида қаландарлик ҳақиқий авлиёлик ва Ҳаққа ошиқлик рамзидир. Мажзуб тазкирасида “қаландар” атамаси айрим ўринларда “фақир”, ”девона” сўзлари билан ҳам ифодаланади. Қаландар атамаси билан бирга ориф, обид, зоҳид, ринд, хароботий ва бошқа шунга ўхшаш атамалар ҳам ёнма-ён қўлланилади. Шоир қаландар тимсоли орқали ҳақиқий Ҳақ ошиғини назарда тутган.

Ҳусайн Воиз Кошифий «Футувватнома-и султоний»[124] номли асарида суфийларни уч гуруҳга ажратган: муоширлар, мутарасмлар, муҳаққиқлар. Муоширлар – тариқат аҳлининг мухлислари ва дўстларидирлар. Улар дарвешларга муҳаббат билан қарайдилар, уларнинг суҳбатида иштирок этадилар, хизматларини бажарадилар ва савобга ўзларини шерик деб биладилар. «Мутарасм» сўзининг

[122] Саййид Ҳофиз Анвар. Таҳрир ул-анвар фи тафсири қаландар. – Лакҳнав. 1290 (ҳиж. қам.) – Б. 422.

[123] Аҳмад Замчи чоҳорёрлардан бўлган Ҳазрати Алининг набираси. “Абомуслими соҳибқирон” жангномасида авлиё ва паҳлавон сифатида тасвирланади. Баъзи воқеаларда айёр қаландар бўлиб иштирок этади.

[124] Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994.

маъноси дарвешларнинг расму русумларига эргашувчилар, аммо улар дарвешларнинг одатларига зоҳиран тақлид қилсалар-да, ботинан ҳол талабгоридирлар ва шу тоифага ихлослари туфайли илоҳий файздан баҳраманд бўлиш умидидадирлар[125].

Муҳаққиқлар – Ҳаққа етганлар, уларни олий мартабали суфийлар деб таърифлаш ўринли бўлади. Ҳақиқий авлиёлар, шайхи муршидлар шуларнинг орасидан етишиб чиққан[126]. Бу ерда дарвеш сўзи кўпроқ қаландар сўзи билан мос тушади. Ҳусайн Воиз Кошифий муридликка кирган киши маломатий каби камтар, халқ маломатидан қўрқмайдиган, қаландар сийратли бўлиб, оамлар таърифу таҳсини, мақтовларига парво қилмай, ҳамиша дийдор талаб бўлиш.

Убайдуллоҳ Хожа Аҳрор Валий "Фақарот ал орифин" китобида қаландарийлик тариқатининг таълимотини шундай таърифлайди: "қаландарийлик ўз ҳақиқатини тўсиқлардан тажрид этиб айирмоқ, ўзидан бўлган барча нарсани узоқлаштириб, Ҳақ таолодан келган барча нарсани боқий тутмоқ, ўзини йўқотмоқ, ҳар қанча қидирсада уни топа олмасликдир". Ҳожа Аҳрор Валийнинг ушбу қарашлари маломатийликка яқин турувчи қаландарийларга тегишлидир[127].

Хожа Аҳрор Валийнинг халифаларидан бўлган Абдуллоҳ Илоҳий ҳам: "мурид маломатий сифат, қаландар сийрат бўлмоғи керак" деб айнан юқоридаги фикрни назарда тутган. Улар яшаган XV-XVII асрларда нақшбандийлик ва қаландарийлик тариқатининг ўзаро келишуви ҳақида мутлақо гап бўлиши мумкин бўлмаган.

Қаландарларнинг ҳаёт тарзларида яссавийликка хос жаҳрийликни, маломатийликнинг айрим белгиларини, нақшбандийликка хос умумбашарий, инсонпарварлик ғоялар мутаносиблигини ҳам кузатамиз. Қаландарларнинг ўзига хос юриш-туриш, ахлоқ ва кийиниш одоби бўлган.Турли хил бадиий ижод намуналарида қаландарларнинг ташқи кўриниш ва турмуш тарзидан ташқари таълимоти ҳам акс этган.

---

[125] Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр -Ўзбекистон. 2009. – Б. 11.

[126] Комил инсон ҳақида тўрт рисола: Фарididдин Аттор, Султон Валад, Азизиддин Насафий, Ҳусайн Воиз адабиётлар ижодидан намуналар / Форс-тожик тилидан Н.Комилов тарж– Тошкент: Маънавият, 1997. – Б. 185.

[127] Dr Necdet Tosun. Bahouddin Naqshband. –Istanbul. Insan yayinleri. 2002. – B. 390-391

Гарчи алоҳида китоб шаклида берилмасада, бадиий асарларда уларнинг қарашларни учратамиз.

Қутбиддин Ҳайдар (616/1221), Закариё Мўлтоний, Шамси Табризий (1185-1248) ва Жамолиддин Савий (ваф.630/1232)нинг уринишлари туфайли ушбу тариқат ўз таълимотини шакллантирганлиги билан эътиборлидир. Улар қаландарийлик тариқатини *фақир*[128] *ва тажаррyд*[129] асосига қурдилар.

XIII асрга қадар ушбу мақомлар тариқат вакиллари томонидан соф ҳолатда амалга ошириб келинган. Қаландарийлар унга тўлиқ риоя қилганлар. Аммо XIV асрдан эътиборан тариқатга аъзо бўлган янги вакиллар томонидан юқоридаги икки тушунча дунёвийлашиб ўз мазмунини йўқота борди[130].

Мир Обидин “Ойини қаландарий”[131] рисоласида тажаррудни қаландарийлик таълимотининг биринчи босқичи сифатида келтиради. Унга кўра, дунё билан алоқадор бўлган барча нарсадан воз кечиш тажарруддир. Мужаррад деб қаландарийлик йўлига кирган кишини айтадилар. У тариқатга ёлғиз кирмоғи, қалбини дунёдан бўшатиб кирмоғи лозим бўлган. Қаландарлар вақт ўтиб тажрид масаласида муболағага берилиб кетганлар. Фақирлик (ихтиёрий) қаландарийлар касб этиши керак бўлган даража бўлиб, бу инсонларнинг кўмаги ва таъмагирликдан ҳоли бўлишдир. Бунда улар ҳам зоҳиран ҳам маънан фақирлик мақомида бўлишлари зарур[132]. Бу йўлга кирган киши Ҳаққа эҳтиёж сезиб, халқдан ҳеч нарса талаб қилмаслиги асосий масаладир. Фақатгина Яратгандан умидвор бўлмоғи даркор. Шундагина ўзини хақир ва Яратганни Олий эканини англаб етади.

---

[128] Зоҳидлик ва суфийлик фақирни кенг тарғиб қилади. Унинг асосида моддий ва маънавий жиҳатдан Худога муҳтож бўлиш тушунилади. Фақир деганда дарвеш ва қаландарларни тушунганлар. Баъзан шоирлар, муаллифлар ва хаттотлар ўзларини камтар олиб фақир деб атаганлар.

[129] Арабча “тажрид” сўзидан олинган бўлиб, “яккалик”, “холи бўлиш” маъносини англатади. Бунда барча дунё лаззатлари ва кўнгил хоҳишларидан ўзини четлатиш ва тийилишга айтилади. Қаландарлар уйланмасликни ҳам тажрид деб атайдилар. Шу сабабли улар “мужаррадлар” номи билан танилганликлари тарихдан маълум.

[130] Ahmet Yaşar Ocak, Osmanlı İmparatorluğunda Marjinal Sûfîlik: Kalenderîler, Ankara 1992. – S. 146.

[131] Саййид Абу Толиб Мир Обидин. Ойини қаландарий. - Теҳрон. 1954. – Б. 71.

[132] Ўша манба. – Б. 71.

Нафақат мусулмон Шарқи халқлари, балки балки бутун дунё халқлари санъати тарихида сезиларли из қолдирган, унинг тараққиётига ўзининг баракали ҳиссасини қўшган забардаст мусаввир Камолиддин Беҳзод 1455 йил Ҳиротда ҳунарманд оиласида дунёга келган. Ҳирот миниатюра мактаби асосчиси, “Иккинчи Моний” деган фахрий унвонга сазовор бўлган. Султон Ҳусайн Байқаронинг китобдори Мирак наққошнинг шогирди бўлган.

Камолиддин Беҳзод ижоди давомида кўплаб қўлёзма китобларга суратлар чизган: Жумладан, Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Саъдийнинг “Гулистон”, “Бўстон”, Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Хамса”, Атторнинг “Мантиқут тайр”, Алишер Навоийнинг “Хамса”си каби кўплаб мумтоз асарларга миниатюралар чизган. Турли ёрқин ранглар ва ўзидан аввалгиларнинг ижодини давом эттириш ва янада бойитиш орқали тезда машҳурликка эришди.

Туялар жанги, дарвешлар рақси, қаландар тимсоли, Самарқанддаги мадраса қурилиши кабилар ҳам юксак миниатюра шаклида тасвирланган.

Камолиддин Беҳзоднинг “Қаландар” номли миниатюраси Марказий Осиёдаги қаландар тимсолини тасаввур қилишимизга яқиндан ёрдам беради (1-расм). Суратда қаландар танасининг юқори қисмига жундан тери ёпинган, пастги қисмига парча мато ўралган бўлиб, сочлари тарошланган, олдида качкул ва юқорида шоҳ тасвири чизилган. Қаландар ўтирган ҳолда акс этган. Ранглардан фойдаланганда оч жигарранг туси берилган. Бу сурат орқали рассом Марказий Осиёдаги классик қаландар тимсолини кўриш имконини беради.

Беҳзоднинг яна бир “Бағдодлик дарвеш” номли портретда ниҳоятда нозик руҳий образ яратади. Бу билан миниатюрани, рассомларнинг юксак маҳоратга эга эканликларини ва рангтасвир анъаналарини ҳам билишларини исботлайди. Беҳзод қўл қовуштириб, жим ўтирган дарвешнинг кайфияти ва юз ифодасини муваффақиятли ифодалайди. Дарвешнинг елкасига мовут чакмон чакмонқабо ташланган. Унинг устида кўк кўйлак кўринади. Томошабиннинг кўзи энг муҳим нарса – диққат билан осойишта сирли боқиб турган кўзларга тушади. Бу портретда ғайритабиий тарзда мавҳумлик ва борлиқ, маиший кайфият ва маънавий ҳолат бир-бирига қоришиб кетган. Олтин ранг фондаги нозик безакли портретнинг ҳар бир бурчагига суфиёна битиклар унинг

таъсирчанлигини янада оширади. Бу асар Европа портрет анъаналарини бироз бошқачароқ тарзда намоён қилди[133].

Дарвеш сиймоси реалистик санъатга хос табиийлиги билан ажралиб туради. Унинг либоси ҳаққоний аниқликда тасвирланиб, ҳар бир бурамаю чокка алоҳида эътибор берилган. Қаҳрамоннинг чуқур мазмунли нигоҳида томошабинни ўзига ром этувчи сирли бир куч бор. Мусаввир аслида дарвешнинг ботиний оламини ифодалашни мақсад қилганини ҳис этасиз. Ҳаёт лаззатларию кундалик ташвишлардан озод бу инсон нима ҳақида ўй сураётганини билиш истаги туғилади инсонда. Дарвешнинг сирли нигоҳи айнан томошабинга қаратилган. У гўё бизга нимадир айтмоқчи, қақраган лабларида қандайдир калима яширин. Дарвеш сиймосида суфиёна донишмандлик акс этиб тургандек[134]. (2-расм).

Ю.Аверяновнинг берган маълумотига кўра, XVI аср охири ва XVII аср бошларига келиб Ғарб дунёсида Шарқ маданиятига қизиқиш уйғона бошлади. Бу қизиқиш айнан тасаввуфга бўлган эътибор катталиги билан аҳамиятлидир. XVII асрда Европада юқорида қайд этилган қизиқиш Саъдийнинг “Гулистон” асари таржима қилиш билан бошланди десак муболаға қилмаган бўламиз.

Кўплаб саёҳатчилар ўзлари учун ғоятда ғаройиб ҳисобланган қаландарлар ҳақида қимматли маълумотлар бериш билан бирга уларнинг қиёфаларининг эскизларини ҳам чизишга муваффақ бўлганлар. Қаландарлик эскизларини акс эттирувчи гравюраларни С.Швайгернинг 1539 йилда Нюренберг томонидан нашр этилган “Константинопол” китобида кўриш мумкин. Аммо бу ва шунга ўхшаш ижод намуналари ҳали мукаммал даражага етмаган ва сайқалланмаган эди. Европанинг буюк рассомларидан биринчи бўлиб суфий донишмандлар тасвирига мурожаат қилган рассом Рембранд Харменс ван Рейн эди[135].

Рембрандт 1631 йил Амстердамда яшаган. У маҳоратли рассом бўлишига қарамай ҳаёти давомида бирон марта Шарқ мамлакатларида бўлмаган. Аммо мазкур халқлар маданиятига айнан тасаввуфга бўлган

[133] Усманов А. Камолиддин Беҳзод ва унинг ноққошлик мактаби. – Тошкент: 1977.
[134] “Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 2014 йил. 24-сон.
[135] Ю. Аверьянов. Рембрандт рисует суфийских мудрецов - Портал Суфизм.ру - Sufism.ru

қизиқиш уни суфийлар акс этган суратлар ва миниатюра намуналарини яратишга ундади. Рембрандт машҳур тасаввуф вакиллари Абдулқодир Гилоний, Жалолиддин Румий, Ҳазрат Низомуддин, Хожа Қутбиддин ва Бобо Фаридларнинг миниатюра тасвирларини яратишга муваффақ бўлган ва бугунги кунда улар Берлиндаги этнография музейи( Volkerkunde Museum)да сақланади. Ҳар бир асарнинг тагига кимнинг шахси акс этган аниқ кўрсатилган[136].

Рембрандт асарларида Ҳиндистон, Туркистон ва Марказий Осиёдаги қаландарлар тасвири ҳам акс этган. Даврий жиҳатдан чалкашликлар ва ноаниқликлар бўлишига қарамай, қаландарлар ҳақида умумий кўриниш ва тасаввурни бера олган мусаввирнинг ушбу камчиликларини Шарқда бирон марта меҳмон бўлмагани билан боғлаш мумкин (3-расм).

1839 йилда таваллуд топган рус рассоми Канстантин Маковский портрет жанрида дарвеш образини яратган (4-расм). Аммо суратдаги дарвеш ҳақида тўлиқ маълумот олиш имкони бўлмади.

Марказий Осиёда портрет ва миниатюра жанрини умумлаштирган ҳолда мазкур йўналишда ижод қилган рассомларнинг ижод намуналарида ҳам Шарқ дарвешлари сиймолари акс этган санъат асарларини учратиш мумкин. “Дарвеш портрети” (5-расм) деб номланган санъат асарида шарқона либосларда боғда ўтирган мўйсафид намоён бўлади. XVI асрга оид мазкур портрет сафавийлар даврига мансубдир.

Тасвирда мўйсафид оқ соқолли, қўлида китоб ушлаган, оқ ва катта салласи унча катта бўлмаган кулоҳга ўралган, сариқ либосда, бўйни узра шарф ташлаган, олдида қалам, сиёҳдон, қизил ғилофли китоб, кўза ва олтин жом акс этган. Мўйсафиднинг чеҳраси ёқимли, истараси иссиқ, орқа фон тўқ бинафшарангда, осмонга олтин чизиқ тортилган, атроф ям-яшил ва гуллар билан ўралган. Ўзбекона (шарқона) кўриниш мўйсафиднинг юзида акс этиб турибди. Портрет номи “Дарвеш” деб аталганига қарамай биз уни дарвеш деб атолмаймиз, лекин донишманд киши, шоир ёки мурид сифатида тушунишимиз мумкин. Аммо қизил

[136] Ю. Аверьянов. Рембрандт рисует суфийских мудрецов - Портал Суфизм.ру - Sufism.ru

кулоҳ, чуқур тафаккур каби белгилар айнан дарвешликни ифодалаган аломатлардандир.

Эрон қаландар-дарвешлари сиймосини яратган рассомлардан энг машҳури теҳронлик Антон Васильевич Севрюгин (1830-1933)дир. Севрюген Эрон дарвешларини кўплаб суратларини эсталикларида қолдирган. Унинг ижод намуналарида эронлик суфийларга хос кўриниш ва қиёфалар акс этган.

“Навқирон дарвеш” суратида ёш дарвеш йигит акси гавдалантирилган бўлиб, бу нафақат дарвешлик ёши катталар орасида балки ўспирин ва навқирон йигитларга ҳам хос бўлганини кўриш имконини беради. 16-17 ёшлар атрофидаги эронлик йигит сочлари ўсган, бошида кулоҳ ва қўлида ойболта билан турибди. Кўзлардан болаларга эмас балки катталарга хос улуғворлик акси барқ уриб турибди. Бироз жиддий ва нимтабассум ифодаси тафаккур ва сукут намунаси сифатида намоён бўлади (6-расм).

Унинг кўплаб дарвешлар акс этган суратлари бугунги кунгача жаҳон музейлари фондларида сақланиб келинмоқда. Ушбу суратлар Эрон қаландарлари ҳақида тасаввуримизни янада бойитишга ва холис ёндашувга хизмат қилади (7-10-расмлар).

Марказий Осиё қаландарлари суратлари Верешагин ва кўплаб бошқа рассомлар тмонидан чизилган бўлиб, улар бугунги кунгача сақланиб келинмоқда (11-20-расм). Верешагин қаландарларнинг қиёфалари рассом томонидан маҳорат билан тасвирланган. Бошларида қизил қалпоқ бўлиб, у жундан ишланган бўлган ва пастки қисмига қўй юнгидан айлана шаклида белбоғ қилинган. Белларида белбоғ ва унда кокос ёнғоғининг ярим палласидан қилинган пиёла осилган. Унга доимо нон, гўшт, майда пул солиб юришган.

Қаландарларнинг либоси ўзига хос бўлган. Қаландарнинг кундалик либоси йиртиқ-ямоқ, ҳар хил рангдаги матолардан тикилиши керак эди. Аммо ранглари ёрқин бўлмаган. Қаландарларнинг иккинчи либоси байрам кунларига аталган бўлган. У ҳам ямоқ матолардан тикилса-да тоза ва ёрқин рангларда бўлган. Бу либосни суфийлар мураққа, деб атаганлар. Байрам куни қаландарлар бозорларда мағрур бўлиб, тоза кийимларида айланиб юрганлар[137].

[137] Ўша асар. – Б. 44-45.

Бундан ташқари, улар ўзларининг атрибутлари билан бошқалардан ажралиб туришган. Бу атрибутлар уларнинг либослари бир қисми сифатида кўрилган. Улар: кулоҳ, белбоғ (камар), кокосли идиш (исириқ тутатиш учун), қовоқли идиш, теридан ишланган сумкача ва бошқалар[138].

Хулоса қилиб айтганда, XV асрнинг охириги чорагида Ҳирот миниатюрасида суфийлик таълимотининг ёрқин тасвири пайдо бўлди. Камолиддин Беҳзод ва у яратган мактаб вакиллари томонидан ўзларидан аввалги ва замонасидаги тасаввуф вакиллари ҳаётини акс эттириш анъанаси шаклланди. Ҳирот миниатюрасида ҳунармандлар, қурувчилар, жангчилар, оддий одамлар, суфийлар ва дарвеш-қаландарлар сиймоси акс эттирилган. Масалан, у яратган қаландар образи орқали дарвешларга хос ташқи қиёфа, либос, атрибутлар ҳақида қимматли маълумотга эга бўламиз.

Шунингдек, қаландарлар бошқа тасаввуф тариқатлари вакилларидан фарқли равишда қуйидаги ашёларни ўзлари билан доимо олиб юришган.

– Кашкул – хайр-садақа йиғиладиган қовоқсимон идиш.

– Матбағ – назр-ниёз, шамлар солиб юриш учун қовоқдан қилинган идиш.

– Ридо – қўлтиқдан ўтказиб, бўйинга боғланадиган халта. Кўпинча худойи қилинган нонлар солинган[139].

Қаландария тариқати вакилларининг баъзи ташқи кўринишлари қуйидагича бўлган:

– бош, қош, юзни доимо қиртишлаб юриш;

– хирқа кийиш; бу кийим ўз ичига танани ёпиб турадиган оддий ёпинчиқ ва белни ўраб турадиган пахтадан қилинган белбоғни олган;

– бўйин ва қўлга ҳайдария деб аталадиган темирдан қилинган тақинчоқ тақиш, жамоатдан ўзини четда тутиш;

– садақа эвазига кун кечириш, ҳеч қандай шахсий ашёга эгалик қилмаслик, турмуш қурмаслик[140].

---

[138] Рассудова Р.А. К истории одежды среднеазиатского духовенства. Памятники традиционно-бытовой культуры народов Средней Азии, Казахстана и Кавказа. Сборник Музея Антроп. и Этногр., выпуск 43. – Л. 1989 г.

[139] http://www.islom.uz

[140] Қаранг: Encyclopedie De L'ISLAM. –Paris: LAROSE S.A., 1978. – P. 495.

Ҳайит байрами куни қаландарлар қаландархонадан чиқиб, шаҳар кўчаларида садақа сўрашган. Одатда улар шу куни етимларга аталган "Етимнома"ни ўқиб юришган. Шу боис қаландарлар етимларни ҳурматлаш керак деб ушбу қасидани ўқийдилар ва тиланадилар. Улар ўзларини шунга хақли деб биладилар. Қаландарлар бу ишлари билан ўзларини етимларга қиёс қиладилар. Пайғамбар ҳам етимни сийлаган деб одамлардан сийлов кутадилар.

Ҳовлини тўлдириб, мис тоғорани чалиб рақсу самоъ қиладилар. Бошқалари эса "ҳу" (араб.ҳува – Аллоҳ) деб ҳар бир зарбга ўзига хос оҳанг бериб туришган. Ҳовли аёллардан ташкил топган оломонга тўлган. Қўшиқ пул йиғувчининг Ҳусайннинг ўлими ҳақидаги шеъри билан якун топган. Сўнгра садақалар йиғиб олган. Садақалар ун, гуруч, туз кабилардан иборат бўлса-да, бой одамлар баъзан қўй ва ҳатто, туя ҳам бериб туришган. Баъзилари мато ва кийимлар тортиқ қилган. Аммо қаландарлар бу либос ва матоларни сотиб пулга айлантиришган. Маҳсулотларни эса қаландархонага олиб бориб, ҳалим тайёрлашган. Ҳамма камбағал-бечоралар, ўша ер аҳолиси ва ким тиланчиликда қатнашган бўлса, барчаси меҳмон қилинган.

Мумтоз адабиётда қаландарлар лирик қаҳрамон сифатида қуйидаги маънавий қиёфаларга эга бўлган: ошиқ, мажзуб ва адашган. Ошиқ қаландарлар – чинакам Ҳақ ошиқлари, ботин (ички олам) ободлиги учун зоҳир хароблигига парво қилмайдиган кишилар. Мажзуб қаландарлар – қисса, маноқиб ва тазкираларда тавсиф этилган валийсифат кишилар. Учинчи қиёфа эгалари бўлган қаландарлар амалларида намойиш ва риёдан сақлана олмаган қаландарлар. Улар одоб талабларидан четга чиққан тоифа сифатида ёритилган.

## "Қаландарнома" рисолаларида қаландарийлик амалиёти талқини

Барча тариқатлар ўзларининг амалиёти ва силсилаларини қонунийлаштириш, оммалаштириш мақсадида тариқат асосларини ўзида жамлаган китобларни мерос қилиб қолдиришга ҳаракат

қилганлар. Қаландарийлар ўзларидан ёзма манба қолдиришга рағбат кўрсатмаганларининг боиси ўз тариқатларини хослар учун деб ҳисоблаб, уни барчага тарғиб қилишга эътибор қаратмаганлари билан боғлиқ. Мазкур тариқатга хос тартиб-қоидалар оғзаки ёки қисман ёзма ҳолда қаландарнома туркумидаги китобларда ифода этилган. Қаландарномаларни ўрганиш жараёнида уларни таълиф этилган ҳудудига кўра учта турга ажратиш мумкинлиги аниқланди.

Биринчиси, Эрон ҳудудига тегишли қаландарномалар бўлиб, улар шеърий услубда ёзилгани ва тариқатнинг асосчиси Жамолиддин Савийнинг маноқиби, унинг шогирдлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олгани билан бошқа қаландарномалардан ажралиб туради. Шу сабабдан мазкур китоблар “Сийрати Жамолиддин Савий”[141] деб ҳам юритилади. Бу турдаги қаландарномаларни барчаси деярли бир хил услубда ёзилган бўлиб, “қаландар” атамасининг ҳарфий изоҳи билан бошланади. Мазкур қаландарномалар назмда бўлгани сабабли замонавий тадқиқотчилар томонидан ўрганиш жараёнида уларнинг кириш қисмига қисқача насрий-баён илова қилинган бўлиб, китобхонга аннотация шаклида ҳавола қилинган. Эронлик Хатиб Форсий қаламига мансуб машҳур “Қаландарнома” Ҳамид Зарринкуб томонидан тадқиқ этилиб, замонавий услубда нашр қилинган.

Кенг тарқалган яна бир “Қаландарнома” Шерозлик Хатиби Форсий[142] исмли муаллиф қаламига мансуб бўлиб, “Қаландарнома ё сийрати Жамолиддин Совий”[143]дир. Мазкур асар тариқатга оид тарихий ҳамда назарий маълумотларни ўзида жамлаган. Муаллиф Шомга қаландарийлик тариқатини ўрганиш учун борган вақтда у ерда бухоролик Муҳаммад исмли бир шайхга муридлик қилганини ва унинг тавсиясига кўра, назмда Жамолиддин Савийга оид маноқиб ёзганини келтирган. Хатиби Форсийнинг шахси ҳақида тўлиқ маълумотга эга

---

[141] Қаландарномеи Хатиби Форсий ё Сийрати Жамолиддин Соважий. Ҳамийд Заррин Куб. 1363. – Тус. - 164 б.

[142] Муаллифнинг туғилган йили кўп жойда аниқ кўрсатилмаган, фақатгина асарни Сулаймония кутубхонасида сақланаётган нусҳасига кўра у китобни 748/1347 ёзиб тугатган йили бу вақтда 51 ёшда эканини қайд этган. Шундан хулоса қилишимиз мумкинки, Хатиби Форсий 697/1296 йили таваллуд топган.

[143] Қаландарномэи Хатиби Форсий ё Сийрати Жамолиддин Соважий. Ҳамийд Зарринкуб. 1363. Тус. – 164 б.

бўлмасак-да, унинг ижод намунасидан ўз даврининг етук шоирларидан бўлганини англаш қийин эмас. Энг муҳими у қолдирган мерос бизга қаландарийлик ҳақида маълумот берувчи бирламчи манбалардандир[144].

Мазкур рисолада қаландарийлик тариқатининг илк вакиллари сифатида Боязид Бистомий (261/876), Усмон Румий, Жамолиддин Савий, Жалоли Дарғазий ва Муҳаммад Балхийлар келтирилган. Қаландарийлик тариқати мазкур тўрт киши орқали дунёнинг турли ҳудудларига тарқалгани ва мана шу тўрт шайх орқали Жамолиддин Савийга бориб тақалиши келтирилган. Қаландарийлик тариқатининг бир йўналиши ҳисобланган ҳайдарийликнинг ташкилотчиси Қутбиддин Ҳайдар ҳам мазкур тариқатнинг илк намояндаларидан саналади. Китоб бугунги кунда замонавий усулда нашрдан чиққан ва китобхонлар эътиборига ҳавола этилган.

Иккинчи тур қаландарномалар ҳам шу ном билан аталса-да, таркибий қисмида пайғамбарлар тарихи, саҳобийлар ҳаёти ва тасаввуфнинг йирик вакиллари яъни, валий зотлар ҳақида ҳикоялар берилган. Бу турга XIV асрда ёзилган Жалолиддин Румий ўзига муршид деб билган, қримлик суфий Абу Бакр Румий қаламига мансуб қаландарнома киради. Китоб 2017 йилда рус тилига тўлиқ таржима қилинган[145]. Мазкур қўлёзманинг асл нусхаси эса бугунги кунда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар фондида №11668 рақами остида сақланади. Мазкур китобнинг факсимил кўриниши орқали Қримда замонавий таржима нашри амалга оширилган. Китоб 400 варақдан иборат.

Унда қаландар, муваллах, абдоллар ҳамда уларга яқин жамоалари ҳисобланган ҳайдарийлар ва рифоийлар хусусидаги маълумотлар шеърий услубга таяниб баён қилинган. Ўзбек олимларидан К.Муниров 1966 йилда ушбу китоб Жалолиддин Румийнинг “Маснавий”сига жавоб тариқасида ёзилганини алоҳида қайд этган. Китоб фалсафий аҳамиятга эга экани билан эътиборли.

[144] Turk ansiklopedisi. Maarif Basimevi. Ankara. 1974. – Cilt. 21. – Б. 158.

[145] Абу Бакр Каландар Руми. Каландар-наме: избранное. – Пер. с перс. И.Р.Гибадуллина, М.Р.Шамсимухаметовой / Общая и научная редакция, предисловие, комментарии И.Р.Гибадуллина. – Казань: Институт истории им. Ш.Марджани АН РТ, 2017. – 1044 с.

Учинчиси, Марказий Осиёга тегишли қаландарномалар бўлиб, улар тасаввуфга оид қўлёзмаларнинг таркибий қисмидан жой олган. Мазкур қаландарномалар икки саҳифадан ўн саҳифагача бўлган кичик рисолалардан иборат. Улар пайғамбарларнинг сифатлари билан бошланиб, қаландарлар киядиган либослар ва уларни кийиш асносида ўқиладиган дуолардан иборат. Рисолаларнинг сўнгида ҳақиқий қаландар қандай бўлиши кераклиги алоҳида кўрсатилган. Қаландарларнинг энг кўп танқидга учраган фаолияти ҳисобланган тиланчилик қилиш сабаблари ва шартлари кўрсатиб берилган. Тиланчилик қилиш шартлари турга ажратиб келтирилган. Жумладан, Шаҳобиддин Суҳравардийнинг "Рисолаи қаландарий"[146] асарида тиланчилик қилишдаги чегаралар кўрсатиб берилган. Китобда "Шоҳ гадолик", "Нар (эркак) гадолик" ва "Хар (эшак) гадолик" каби тиланчилик турлари кўрсатилган ва бу борада ҳаддан ошмасликка даъват қилинади. Шоҳ гадолик шуки, ҳафтанинг бир кунида етти уйнинг эшигига бориб, садақа тилаб баланд овоз билан қичқиради. Ўша куни насибага нима чиқса то бошқа кунга қадар шунга қаноат қилади. Эркак гадолик шуки, ҳар куни бозор расталарида ғазал ўқиб одамлардан бир нима ундиради. Эшак гадолик шуки, тонгдан шомгача одамлар эшигига тинимсиз бориб тиланчилик қилади[147].

Энг аҳамиятли жиҳати шундаки, бошқа манбаларда учрамайдиган қаландарийликнинг мақомлари, вожиботлари, фақирлик шартлари, пир-мурид муносабатлари кийиниш одобига доир кўрсатмалар айнан Марказий Осиёга тегишли қаландарномаларда ўз аксини топган. Унга кўра, Савол: Тариқат вожиботлари нечта? Жавоб: 6 та.

1 – эҳсон, 2 – зикр, 3 – ҳавои нафсни тарк этиш, 4 – таркидунё, 5 – хавф, 6 – ражо.

Дарвешликда нечта нарса бор? Жавоб: 4 нарса.

1 – айбдорлик, 2 – узрнавиши(узр сўраш), 3 – хомушлик, 4 – жафокашлик

Машойихларнинг айтишича, фақир(лик)нинг 3 белгиси бўлади.

1 – қуёшдек шафқатли, 2 – ёмғирдек саховатли, 3 – тавозе... .

---

[146] Рафиддинов С. Қаландарлик одоби // Ёшлик. 2000. – № 3. – Б. 45.

[147] Ўша манба. – Б. 45

Бугунги кунда қаландарийлик тариқатига алоқадор “Қаландарнома” жанрида ёзилган китоблар маҳаллий фондларда сақланиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Манбалар хазинаси бўлимида номаълум муаллиф томонидан ёзилган 1090/ 255/2-рақамли “Рисолати дарвеш ва қаландар” номли XVIII-XIX асрга оид қўлёзма сақланади. Китоб форс тилида бўлиб, шарқ қоғозига китобат қилинган. Хати настаълиқ. Қўлёзма мажмуъа ҳисобланиб, ундаги иккинчи асар тасаввуфга бағишланган бўлиб, жуда қисқа яъни, 2 варақни ташкил қилади (18-19 б.). Унда қаноат, фақирлик, шариат, тариқат, ҳақиқат ва маърифат тўғрисида фикр мулоҳазалар юритилади. Сўнгра дарвешлик ҳирқаси ҳақида баён қилинади. Асарнинг бошланиш ва охири сақланмаган. Варақлари кўчган ва ёзув сиёҳлари қўшилган, айрим қисмлари ўз хусусиятини йўқотган.

Яна шу жойда 1093-255/V-рақамли “Дар баёни имон ва мақомати дарвеш” номли қўлёзма юқоридаги китоб таркибига киради. Китоб 1856/1840 йилда ёзилган. Муаллифнинг номи кўрсатилмаган. Китоб тасаввуфнинг қаландарлик шўъбасига бағишланган бўлиб, муаллиф номаълум. Рисолада имон, унинг қалъаси, эҳсон, шариат, тариқат, дарвешликнинг ўн беш мақоми ҳақида сўз юритилган. Рисолада Қуръон оятлари ва ҳадислардан кенг фойдаланилган. Қўлёзма анча эски бўлиб, яхши сақланмаган. Уч варақдан иборат (27-30 б.).

Манбалар хазинаси фондида “Рисолати қаландарий” номли қўлёзма ҳам сақланади. Китоб муаллифи номаълум бўлишига қарамай, XIX асрга оидлиги ёзилган. Форс тилида таълиф этилган. Ўн бир варақни ташкил қилади (57-68 б.).

“Рисолаи дарвешон” рисоласи 1099-279/II-рақамли қўлёзма манбалар хазинасида мавжуд бўлиб, муллифи, котиби, ёзилган йили номаълум. Форс тилида бўлиб, Қўқон қоғозига кўчирилган. Икки варақдан иборат. У мажмуанинг таркибига кириб, фақирлик, унинг ҳукмлари, рукнлари ва вожиблари ҳақидаги илмни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 9175-рақами остида сақланаётган тасаввуфга оид қўлёзма таркибига «Рисолаи қаландарий» ҳам киритилган. Унда қаландарлик ва улар риоя этиши лозим шартлар ҳақида қисқача маълумот берилади. (Илова №3). Бундан ташқари, макур

қўлёзма фондида яна тўртта шу туркумдаги қўлёзмалар сақланади (№ 6239; № 11668; № 4320/3; № 1577;).

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 9175-рақами остида сақланаётган 200 саҳифалик қўлёзманинг 10 саҳифаси қаландарликка бағишланган бўлиб, ушбу кичик рисола “Рисолаи қаландарий” (22-расм) деб аталади. Рисоланинг муаллифи номаълум, аммо Имом Суҳравардий айтадилар-ки, деб бошланади. Баъзи тадқиқодчилар шу сабабдан мазкур рисолани Суҳравардий қаламига мансуб деб биладилар. Рисолани ўрганиш жараёнида муаллифнинг Имом Суҳравардий ва Баҳоуддин Нақшбанднинг суфиёна қарашларидан келиб чиқиб мазкур китобчани ёзгани маълум бўлган. Мазкур қаландарнома С.Рафиддинов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган[148].

С.Рафиддинов ушбу рисола юзасидан қуйидагича фикр билдирган: “Эътиборли жиҳати шундаки, қўлёзма қаландарлик қарашларини ташвиқ этувчи киши томонидан тартиб берилганини билдиради. Унда маълум ғоя илгари сурилганини кўриш мумкин. Компазицион қурилма ва фикр изчиллиги таъминланган”[149].

Қуйида Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинаси бўлимида сақланаётган қаландарномадан ҳавола келтирилган. Китоб басмала ҳамда, Одам атодан бошлаб саккизта пайғамбарни таърифлаш билан бошланади.

Ҳар бир пайғамбарга тасаввуфий бир ном бериш орқали, номлари зикр қилинган. Одам а.с. тоййиб эди, Идрис обид, Нуҳ шокир, Айюб собир, Иброҳим ҳалил, Исмоил розий, Исо зоҳид, Муҳаммад с.а.в. эса ориф эдилар. Кимки ушбу саккиз нарсани билмаса, унга хирқа кийишлик ҳаром саналади.

Қўлёзмада фақирлик масаласи ёритилиб, қаландарликнинг асосини ташкил қилувчи мазкур тушунчанинг моҳияти баён қилинган. Пайғамбар с.а.в.нинг: “Фақирлик фахримдир”, деган сўзларини ўзлари учун дастур билиб, бу дарвешлик хирқаси (бизнинг) фарзандларимизникидир, деб таъкидлайдилар. Фақирликнинг моҳиятини фақатгина моддийликда

[148]Рафиддинов С. Қаландарлик одоби // Ёшлик. 2000. - № 3. – Б. 45.
[149]Рафиддинов С. Ўша манба. – Б. 45.

деб тушунмаслик керак. Унинг асл мазмуни ва кўзланган мақсадни тўғри англаш қаландарларга қўйилган айбловларнинг асоссизлигини таъминлашга хизмат қилади. Қаландарнома китоблари қисқалиги ва ҳажм жиҳатидан кичиклиги боис баъзи масалаларга шарҳ берилмаган. Шу нуқтаи назардан айрим фикрларни изоҳлашга эҳтиёж туғилади. Қаландарлик тариқати маломатийлик асосларига таянгани инобатга олинса, маломатийликдаги фақир тушунчаси билан алоқадорлиги маълум бўлади. Ҳужвирий “Кашф ал-маҳжуб” асарининг фақирлик бобида қуйидаги маълумот келтирилган: “Фақирлик Аллоҳ йўлида улуғ мартабадир, фақирларга эса бу йўлда катта хатар бор (машаққат) бордир. Бу ҳақида Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ҳадис бор: “Мени мискин қилиб яшат, мискин ҳолда жонимни ол ва мискинлар билан бирга тирилтир”. Бу жойда мискинликнинг Яратган олдидаги мартабаси олийлигига ишора бор. Шу сабабадан бу мақталган мартабадир.

Кимки дарвешликни даъво қилса, бу 4 нарсани билишлиги керак бўлади. 1 – мақомоти носут, 2 – мақоми малакут, 3 – мақоми жабарут, 4 – мақоми лоҳут. “Мақоми носут”ни Жаброил а.с. билади, “Мақоми Малакут”ни Микоил а.с., “Жабарут мақоми”ни Исрофил а.с., “Мақоми Лоҳут”ни Азроил а.с. биладилар. Носут – шариат, Малакут – тариқат, Жабарут – маърифат, Лоҳут – ҳақиқатдир. Бундан юқорироқ мақом йўқдир. Ҳар бир дарвеш буларни билса, Аллоҳ таолонинг хос бандаларидан бири бўлади.

Матнда кўриниб турганидек, қаландарийлик тариқатининг асосини ташкил қилган қараш бу – Пайғамбар с.а.в.нинг фақирлик фахримдир мазмунидаги ҳадисларидир. Бу ҳадис борасида ва унинг мазмуни борасида келтирилган мунозараларда унинг саҳиҳ эмаслиги масаласи илгари сурилган. Муҳаққиқ уламолар айтадилар: “Ал фақиру фахрий ва биҳи афтахиру” ривояти “кизб” (ёлғон), “мавзуъ” (сохта, тўқима), асли йўқ бўлиб, ҳадис билимдонларининг бирортаси Пайғамбаримиздан ривоят қилмаган. Қолаверса, маъноси ҳам ботил. Зеро, Пайғамбаримиз ўзларига Аллоҳ таоло томонидан берилган фазилатлар билан асло фахрланмаганлар. Балки, кўп ҳадисларида: “Мен қиёмат куни Одам болаларининг саййидиман, аммо бундан фахрланмайман. Қиёмат куни биринчи бўлиб менинг қабрим очилади, аммо бундан фахрланмайман. Биринчи шафоат қилувчи ҳам, биринчи

шафоат қилингувчи ҳам мен бўламан, аммо бундан фахрланмайман. Қиёмат кунида менга «Ливоул ҳамд» (мақтов байроғи) берилади, аммо бундан фахрланмайман. Жаннатга ҳам биринчи бўлиб кираман, аммо бундан фахрланмайман...", деганлар" (Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ривоятлари). Юқоридаги ҳадисни қашшоқликка чақирув деб зоҳирий тушунувчиларга ушбу ҳадис келтирилди. Зеро, ҳар бир нарсани ботиний қисми ҳам мавжуд бўлиб, айниқса, тасаввуфда бунинг аҳамияти катта саналади. Фақирликдан мурод эса доимо ўзини Аллоҳ таоло олдида ожизлигини тан олишдир.

Қаландарийлик тариқатининг мақомлари тўрт босқичдан таркиб топган бўлиб, улар шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатдир. Шариат – шукр, тариқат – зикр, маърифат – фикр, ҳақиқат – фақирликни англатади. Шу тўрт босқични тўлиқ эгаллаган солиқ муродига етган саналади. Қаландарномага кўра, оламнинг тўрт рукни тўрт пирдан иборатдир. Машриққа Абдулкарим, мағрибга Абдураҳим, шимолда Абдураззоқ, жанубда Абдулваҳҳоб р.а. лардир. Бу кишилар қаландарийликнинг пирларидан саналиб, улар тўрт маконнинг валийлари саналади. Улар яшаган давр XVIII асрга тўғри келади (Н.Т.).

Юқоридаги тўрт мақомнинг ҳар бири олти босқичдан иборатдир.

Тариқат биноси нечта деб сўрасалар, 6 та деб жавоб бергил.

1 – тавба.

2 – таслим.

3 – ризо.

4 – сидқ.

5 – шукр.

6 – ахлоқ.

Қаландарийлик тариқатига кирган солик тавба билан ўз фаолиятини бошлаш орқали ўтмишдаги гуноҳларига пушаймонлик билан Яратгандан узр сўрайди ва бу йўлга қайтмаслик тадоригини кўради. Бирор бир мақом токи соликнинг руҳий ҳолати ва феъл-атворига айланмагунча иккинчисига ўтиш таъқиқланади. Устози шогирдидаги руҳий камолотни назорат қилиш орқали унга кейинги мақомга ўтиш ижозатини беради. Тариқатнинг сўнги мақоми ахлоқ бўлиб, юқоридаги босқичлар ҳаммаси тўлиқ ўзлаштирилгач, ҳолга ўтилади.

Қаландарийликда тариқат аҳкомлари олтитани ташкил қилади:

1 – илм, 2 – ҳилм, 3 – зуҳд, 4 – тақво, 5 – қаноат, 6 – азм.

Мана шу ўринда қаландарийлик тариқатининг асосида илмга эътибор масаласи зикр қилинмоқда. Бошқа минтақа қаландарномаларида ўз аксини топмаган мазкур масала Марказий Осиё қаландарномаларида зикр қилинган. Ҳақиқий маънодаги қаландарларнинг манбавий асосларида илм олиш ва ундан кейин ҳилм ва зуҳдга юзланиш масаласи китобат йўли билан қатъий белгилаб қўйилган. Қаландарноманинг таълиф этилган йили XVIII асрда эканлигини ҳисобга олганда, айнан шу даврда илмга эътибор дарвешлар назаридан четда қолмаганини кўрсатади. Кўплаб Ғарб манбаларида келтирилаётган ва айблов сифатида баҳоланадиган мазкур жиҳат эътиборга молик саналади. Қаландарларнинг тариқат асосларидан энг биринчиси илм билан бошланишини англатади.

Қаландарийликда тариқатнинг арконлари олтитани ташкил қилади.

1 – маърифат, 2 – саховат, 3 – яқин, 4 – сидқ, 5 – таваккул, 6 – тафаккур.

Бундан ташқари, тариқатнинг вожиботлари ҳам мавжуд бўлиб, улар: 1 – эҳсон, 2 – зикр, 3 – ҳавои нафсни тарк этиш, 4 – таркидунё, 5 – хавф, 6 – ражо.

Дарвешликнинг ҳам тўрт жиҳати қаландарномада акс этган бўлиб, унга кўра, 1 – айбдорлик, 2 – узрнавиши(узр сўраш), 3 – хомушлик, 4 – жафокашлик.

Қаландарномада фақирликнинг моҳиятига ҳам эътибор қаратилган бўлиб, унинг уч белгиси борлиги таъкидланга: 1 – қуёшдек шафқатли, 2 – ёмғирдек саховатли, 3 – тавозели бўлиш.

“Суфий”да 4 та ҳарф бор. ص – ботин софлиги, و – дуруд айтишлик, ف – дунёдан фориғ бўлмоқ, ی – Аллоҳ таолонинг ёри бўлишликни истаса суфий бўлсин.

Барча минтақа қаландарномаларига хос жиҳатлардан бири “қаландар” атамасининг ҳарфий изоҳини келтириш орқали унинг моҳиятини кўрсатиб беришдан иборат. Жумладан, Марказий Осиё қаландарномаларида ҳам бу сўзнинг айнан қайси тилдан келиб чиққани баён қилинмаса-да, ҳарфий изоҳи келтириб ўтилган.

“Қаландар” сўзидаги ق – беҳуда сўзларни сўзламаслик, ل – ҳалол луқма емоқ ва дунёни тарк қилмоқ, ر – риёзат чексин (қўлёзмада бошқа ҳарфлар билан боғлиқ маълумотлар ўчиб кетган).

Қаландарлар бош кийими “кулоҳ” да 4 ҳарф бўлиб, ك – ишларини Аллоҳга топширсин, ل – барча мусулмонларга лутф кўрсатсин, ا – ҳар кимга улфат бўлсин (илтифот бўлиши мумкин).

Қаландарларда кулоҳнинг тўрт хили мавжуд бўлган: Бу босқичма-босқич кийилган. Биринчи тур кулоҳни янги солик кийиши мумкин бўлган. У “жамият кулоҳи” деб аталиб, бу мақомда жамиятдан узилмаслик, кузатиш асносида фикр қилиш, одамларнинг азиятига сабр қилиш ва хулоса қилиш маъносини англатган. 2 – “суҳбат кулоҳи”. Бу кулоҳни кийган қаландар одамлар орасида бўлиб, Яратганни эслатувчи мажлисларда иштирок этиши, орифлар даражасига интилиши назарда тутилган. 3 – “ирода кулоҳи” якуний босқич саналиб бу пайтда у барча руҳий ҳолатини ислоҳ қилишга уринади. Бу риёзат яъни синовлар ва қийинчиликларга асосланган чиниқиш даврининг якунидир. 4 – “хилват кулоҳи” ҳақиқат босқичи бўлиб, у Аллоҳни таниган ва ҳақиқатидан хабардор киши бўлиб, бу босқичда ўзини жамиятдан яккалаш орқали Яратгани билан ёлғиз мулоқотга киришади. Яъни, юзланади. Бунда бошқа инсонларнинг омили иштирок этмайди. Кулоҳнинг турларини маъжозий маънода ифодалаш услуби ҳам қаландарномаларда келтирилган. Жумладан, кулоҳи жамият – кўриш керак бўлмаган нарсаларни кўрмаслик, кулоҳи суҳбат – эшитиш керак бўлмаган нарсаларни эшитмаслик, кулоҳи иродат – гапириш керак бўлмаган нарсаларни гапирмаслик.

Эрон ва Туркия қаландарларидан фарқли ўлароқ Марказий Осиё қаландарлари бошларига кулоҳ кийиб юрганлар. Бундан ташқари, улар “чор зарб” амалиётини бу даврга келиб қўлламай қўйганлари кузатилди. Аксинча, соч ўстириб, кулоҳ кийиб юрганлари ва турли кўринишдаги хирқани кийишлари маълум бўлган.

Савол: Хуружи иймон, тулуъи иймон, зуҳури иймон қаерда? Жавоб: хуружи иймон осмонда, тулуъи иймон юзда, зуҳури иймон қалбдадир. Бу дегани имоннинг асли ғайбдан бўлиб, унинг нури юзда акс этади, ўзи эса қалбда жойлашади.

Фақирликнинг аввали – қаноат, охири – бақо, уйи – фано, калити – ирода, луқмаси – сабр, тожи – таваккул, белбоғи – хизмат, кийими – юлдуз, дини – бедорлик, улови – шафқат, бойлиги – мискинлик, суннати – маърифат, фарзи – доимо Аллоҳ таоло зикрида бўлишлиги ҳам маҳаллий қўлёзма қаландарномаларда келтирилган.

Юқоридаги иқтибосдан ҳам кўриниб турибдики, қаландарийлар фақирликни қуйидаги маънода талқин этганлар. Уларнинг наздида фақирлик деганда қалбни моддийликдан узиш, дунё ичида бўлса ҳам дунё унинг ичида бўлмаслиги, камбағаллик эса ҳақиқий маънодаги кўнгилнинг бойлиги экани эътироф этилган.

Савол: иймон хирқаси нима? Жавоб:

Иймон хирқаси юлдуз (ситора)дир, хирқанинг калимаси – ростгўйлик ва истиғфордир, ғусли – таркидунёчилик, хирқа қибласи – пирдир, хирқанинг намози – поклик, поклиги – ҳаё ва иродадир, калити – такбир, дарвеши – игна ёки ёнишлик, енги – дарвешлик ҳосил қилишдир, کربان хирқа – ростгўйлик ва зорланиш, этаги – айб سر بوشيست , ташқариси – нур, ичкариси – камоли маърифатдир.

Қаландарлар ҳар бир ташқи унсурлардан фойдаланишда махсус дуоларни ўқишни одат қилганлар. Жумладан, Кулоҳни кияётганда

اعوذ بالله من الشيطان الرجيم. اللهم انت الملك الحق الذي لا آله الا انت يا الله

يا رحمن يا رحيم. ни ўқийди.

Савол: Неча марта кийганда нима дейди?(яъни кулоҳни демоқчи)

اعوذ بالله من الشيطان الرجيم. نصر امن الله و فتح قريب و بشر المؤمنين من

سلمان و انه

***Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.***

Савол: Белбоғни боғлаганда нима дейди? Жавоб:

اعوذ بالله من الشيطان الرجيم. و لا حول و لا قوت الا بالله العلي العظيم.

Юқорида келтирилган парча Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Манбалар хазинаси бўлимида сақланаётган қаландарнома туркумидаги рисоладан олинган ва таржима қилинган (Л.Асророва таржимаси). Марказий Осиё қаландарномалари қаландарийликка янги қадам қўйган соликлар учун қўлланма бўлиб,

тариқат вакилининг дастлабки манзилида кўрсатма вазифасини ўтаган. Мазкур қаландарномалар тузилиш ва мазмун жиҳатидан бир-бирига жуда яқин ва ўхшаш экани кузатилди.

Марказий Осиёдаги фондларда сақланаётган қаландарномалардан ташқари, Эрон, Туркия ва Татаристондаги кутубхона ва қўлёзма фондларида ҳам қаландарномалар бор. Бугунги кунда уларнинг замонавий нашри амалга оширилган. Жумладан, Туркия марказий кутубхонасида (Dem No: 137648/ Tas No: 2977) Абдуллоҳ Ансорийнинг "Рисолаи қаландарномэ" рисоласи сақланади. Рисола Абдуллоҳ Ансорийнинг тўплам асарлари туркумига киритилган бўлиб, саккиз саҳифани ўз ичига олади. Рисола форс тилида ёзилган[150].

Марказий Осиё қаландарлари ҳақида маълумот берувчи яна бир муҳим манба Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон»[151] тазкираси бўлиб, у "Шарқ юлдузи" журналида 1990 йилда чоп этилган. У киши ўз тазкирасини Машраб ва қаландарлар фаолиятини ёритишга бағишлаган бўлиб, китоб қаландарларнинг исмларини келтириш билан бошланган. "Фикримдан бир китобе тасниф этиб, анға «Тазкираи қаландарон» унвонин бердим. Сабабки, мазкур ожизона китоботда азиз ва табаррук биродарим Машраби мажзуб бирла кечирмиш дамлар ҳақинда ва Пирмат Сеторий чашми хунборлиқ-ла сўзламиш ривоятларни фикри ожизим имкони хорижинда сўзламишмен. Ва яна ҳазрати Шоҳ Машраби мажзубнинг муборак даврасинда бўлмиш, ул табаррук зоти шариф суҳбатлариға мушарраф ўлмиш девонавор қирқ қаландарлар: Беҳбуд Қаландар, Кўса Маддоҳ, Ажлалхон Боғистоний, Зуннун Девона, Олим Девона, Азиз Қаландар Шаҳристоний, Бадриддин Андигоний, Шоҳруҳ Қаландар Хўжандий, Обид Васвас Хўжандий, Ориф Қаландар Чангий, Асрор Сеторий, Толиб Қаландар Шоший, Ҳолмуҳаммад Девона Намангоний, Ҳошим Сўта Қаландар, Раҳмат Девона, Қаҳҳор Девона, Ҳусайн Қаландар Тамбурий, Ғози Маймоқ Қаландар, Собир Девона, Баҳром Қаландар, Илҳом Қаландар Чангий, Комил Қаландар Мусаввир, Аббос Қаландар, Жалол Қаландар, Ҳошим Девона, Абдураҳмон Қаландар, Нозим Тентак, Козим Шапкўр Қаландар, Ҳожизода Қаландар, Ожиз Қаландар, Рашид Сўта Қаландар, Ғулом

[150]Рисолаи жамиъ Хожа Абдуллоҳ Ансорий. –Теҳрон. 1382.
[151]Исҳоқ Боғистоний. Тазкираи қаландарон. Шарқ юлдузи. 1990, 8-сон.

Қаландар, Ислом Қаландар, Кабир Қаландар, Мурод Қаландар, Одил Девона, Карим Қаландар, Собит Қаландар, Зобир Қаландарбоши, Ортиқ Қаландар, Раҳим Қаландар ҳаққинда ҳам (аларнинг кўплари олами фонийдан олами боқийға рихлат қилмишлар) баҳоли қудрат ва ривоят адабиётлариндан қитъа битмишмен. Илло мазкур китоботимнинг ўн бир бобини биродарим ҳазрати Шоҳ Машраби мажзуб шаҳиди аъло хотираларийға бахш этмишмен".

Бухоролик машҳур қаландар Ҳожи Абдураҳим томонидан 1672 йилда ёзилган "Рисолаи одоби тариқ" китобида Марказий Осиё қаландарларига хос жиҳатлар ёритилган. Китоб тўрт фаслдан иборат бўлиб, биринчи фаслда, қаландарийликнинг силсиласи ва келиб чиқиш асослари, иккинчи фаслда, суфийларнинг қаландарларга муносабати, учинчи фаслда, қаландарийлик тариқатининг турли йўналишлари, тўртинчи бобда, қаландарлик тариқатининг одоби ҳақида мулоҳазалар берилган[152].

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкин-ки, Эрон, Туркия ва Марказий Осиё адабиётида "қаландарнома" жанри шаклланган бўлиб, унда дарвешлик одоби, тариқатнинг мазмуни, босқичлари, ҳақиқат тушунчаси, тариқатга хос кийиниш қоидалари ўз аксини топган.

Марказий Осиё "Қаландарнома"лари бугунги кунда юртимиз фондларида сақланиб келинмокда. Улар қаландарлик одоби, расм-русумларини ўзида акс эттирган. Қаландарномалар, асосан, рисола шаклида ёзилган. 2 варақдан ўн варақгача ҳажмда ёзилган. Шу боис улар тасаввуфга оид тўпламларнинг таркибий қисмига киритиб юборилган. Эронга оид қаландарномалар ҳажман катталиги ва кенг қамровли экани билан Марказий Осиё қаландарномаларидан ажралиб турган. Марказий Осиёга тегишли "қаландарнома"лар суннийликнинг ҳанафия мазҳабига мослиги ва бошқа тариқатлар, хусусан, нақшбандийлик билан алоқадор жиҳатлари мавжудлиги кузатилган. Қаландарлар томонидан нақшбандийликнинг ғояларини тарғиб қилган ўринлар ҳам мавжуд.

– Қаландарийлик асослари маломатийлик негизида шаклланган, шу сабабли XI-XII асрларда қаландарийлик тариқатида маломатийликдаги

[152] Бобо Ҳожи Абдураҳим Бухорий. Қаландарноме бе номи одоби тариқ. – Теҳрон. Нашри чашме, 1975. – 373 б.

“маломат”, “фақир” ва “ихлос” тушунчалари устувор бўлган. Мазкур даврда қаландарийлар эътиқодий жиҳатдан танқидларга учрамаган. XIII-XV асрларда “ваҳдат ал-вужуд” таълимотининг ўзлаштирилиши, қаландарларнинг “ҳулул” ва “таносух” билан “тамға”ланиши уларнинг тасаввуф аҳли орасида аввалги мавқеига путур етишига сабаб бўлган;

– қаландарийлар тасаввуфий манбаларда уч тоифага ажратилади: биринчиси, қаландарлик ҳаёт тарзини ўзида мужассам этган суфийлар, иккинчиси, қаландарийлик тариқатига мансуб шахслар ва учинчиси, қаландарийликни даъво қилувчи сохта дарвешлар. Шу билан бирга қаландарийлар қарашлари ва амалиётига кўра, суннийлик ва шиаликка амал қилувчи, асл моҳиятини йўқотмаган ва бирламчи асослардан узоқлашган турларга ажратилади. Марказий Осиё қаландарлари ўрта асрларда суннийлик амалиётига қаттиқ эътибор берган бўлса, кейинги даврларда турли ташқи таъсирлар натижасида уларнинг ақидавий қарашлари ва амалиётларида ўзгаришлар қайд этилган

– мумтоз адабиётда қаландарлар лирик қаҳрамон сифатида қуйидаги маънавий қиёфаларга эга бўлган: ошиқ, мажзуб ва адашган. Ошиқ қаландарлар – чинакам Ҳақ ошиқлари, ботин (ички олам) ободлиги учун зоҳир хароблигига парво қилмайдиган кишилар. Мажзуб қаландарлар – қисса, маноқиб ва тазкираларда тавсиф этилган валийсифат кишилар. Учинчи қиёфа эгалари бўлган қаландарлар амалларида намойиш ва риёдан сақлана олмаган қаландарлар. Улар одоб талабларидан четга чиққан тоифа сифатида ёритилган.

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҚАЛАНДАРЛАРИГА ОИД МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ

## Ўзбекистон Миллий архиви ҳужжатларида қаландарийлик ва қаландархоналар

Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган Туркистон ўлкасига оид ҳужжатларда қаландархоналар ва қаландарларнинг сони ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Бу ҳужжатлардан ўлканинг ҳар бир волости (вилоят) бўйича рақамларга асосланган далиллар ўрин эгаллаган. Архив ҳужжатларига таянган ҳолда айтиш мумкин-ки, Марказий Осиёда XVIII аср охири ва XX асрнинг биринчи чорагида мазкур ҳудудда кўплаб қаландархоналар фаолият юритган. Бу даврда қаландарлик фаолияти энг кўп танқидларга учраши юз берди. Уларнинг эътиқодий қарашларида ҳам йўлдан тойиш ҳолатлари юзага келиб дин вакиллари ва мутасаддилар томонидан аксарият ҳолларда салбий муносабатлар авж олган.

1899 йил ҳужжатларига кўра, Фарғонада ҳам бир қанча қаландархоналар бўлганлиги ва уларга кимлар раҳбарлик қилгани аниқланган. Марғилон уезди 4 та қаландархона, 89 та қаландар ва 4 та пир фаолият юритган. Жумладан: Яккатут волостида 1 та қаландархона, 49 нафар қаландар мавжуд бўлган ва уларга Мирза Раҳимхон Тўра етакчилик қилган. Шаҳрихон волостидаги қаландархонада Мирзо Манвар Тўра 6 та қаландарга пирлик қилган. Араванск волостида 1 та қаландархона 4 та қаландар бўлиб, Мирза Раҳимхон Тўра шайх вазифасини ўтаган. Эски Марғилон волостида 1 та қаландархона, 30 та қаландар ва уларнинг етакчиси Мирза Раҳим хожа фаолият олиб борган.

Қўқон уезди бўйича 5 та қаландархона, 12 та қаландар ва уларга пир сифатида Мулла Тадушхон Тўра иш олиб борган. Қаландархоналар Конибодом, Бешариқ, Исфара ҳамда Чаркутскда жойлашган.

Наманган уездининг Тўрақўрғон волостида 2 та қаландархона, 9 та қаландар ва уларнинг пири Ҳусанхон Саид Аҳмедов фаолият олиб борган. Косонда 1 та қаландархона 15 қаландар ва 1 та пир Мулла Иноят Тўра бўлган. Чуст шаҳрида 1 та қаландархона бўлиб унга Подшо Азиз Хожа Мирза Аҳматов бошчилик қилган.

Ўш уездида 2 та қаландархона бўлиб, Маъруфхон Мирза Юнусхонов ва Юсуфхон Хожа Тўраев пирлик қилган.

Андижон уездида 5 та қаландархона, 9 та қаландар ва уларнинг пири Мирза Юсуфхон Тўра фаолият олиб борган.

1900 йилда Сирдарё ва Фарғона вилоятининг ўзида 14 та қаландархона фаолият юритган. 1903 йилга келиб, Самарқанд вилоятини қамраган ҳолда 25 та қаландархона ва 17 та пир ва 249 та қаландар мавжуд бўлгани аниқланган (илова архив).

Миллий архивдаги 1892 йилга оид ҳужжатда Сирдарё вилоятининг Генерал Губернаторига ёзилган рапорт сақланади. Мазкур рапортнинг мазмуни Тошкентдаги эшонлар ва кезиб юрувчи дарвешларнинг мамлакат ривожи ва аҳоли маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи шахслар эканлиги баён қилинган. Бу хавф нимадан иборатлигини аниқ кўрсатиб беролмаса-да, қаландарларга нисбатан шубҳа туғдиргани қайд этилган. Уларнинг ўлка бўйлаб тарқалишини олдини олиш зарурлиги уқтирилган. Мазкур шахслар аҳолининг онгига салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида шаҳар началниги полковник (исми кўрсатилмаган) барча эҳтиёт чораларни кўриши ҳақида баёнот берган[153].

Маълумки, 1898 йил Дукчи Эшон қўзғолони бошланишидан аввал ўлкадаги суфийлар ва дарвешлар фаолиятига кескин қаршилик бўлмаган бўлса-да, уларга шубҳа остида қаралган. Аммо қўзғолон юз бергандан кейин эса уларга нисбатан очиқчасига қарши кураш бошлангани ва тариқат аъзоларининг сони кескин камая боргани яққол сезилган.

Шунингдек, рапортнинг давомида мазкур кишилар томонидан сиёсатга қарши ўларoқ бирон ҳаракат содир бўлмагани сабабли

[153] И-17. Опись -1. Дело-26660. Рапорть. Господину Военнему Губернатору Сыр Дариньской области. 1892 г. 8-декабрь, Город Ташкент. – С.1-3.

уларнинг фаолиятига чек қўя олмаслигини ҳам илова қилган. Бундан ташқари, масаланинг яна бир томонига эътибор қаратишга чақирган. Мазкур тариқат вакиллари томонидан ўқиб юриладиган китобларни назоратга олишда мутахассис етишмаслигини, аммо Қуръондан ва форсий тилда ёзилган айрим нарсаларни мутолаа қилишларини алоҳида таъкидлаб ўтган.

И-1 фонд рақами остида сақланадиган "Сведения о мусульманских учреждениях"[154] номли ҳужжатда масжидлар, мозорлар рўйхати билан бир қаторда қаландархоналар ҳақида ҳам маълумот берилган. Ушбу ҳужжат 1897 йилга оид бўлиб, Туркистон ўлкасининг турли ҳудудларида фаолият олиб борган қаландарлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган. Ушбу фонд ҳужжатида суфийлар ким экани ҳақида ёзма маълумот ҳам берилган бўлиб, у қуйидагича кетирилган:

"Мусулмон аҳоли ўртасида (Туркистонда) 4 та тариқат вакиллари фаолият олиб борадилар: булар нақшбандия, қодирия, жаҳрия ва ишқиядир. Уларнинг ўртасида сезиларли фарқ йўқ. Юқоридаги тартиб тариқат аъзоларининг сонининг кўплигига қараб белгиланди. Нақшбандия ва жаҳриянинг етакчи муридлари Бухорода, қодирия ва ишқиянинг раҳбарлари эса Самарқандда истиқомат қиладилар. Марказлари ҳам шу ерда жойлашган. Самарқанднинг Челак ва Янгиқўрғонида умумий ҳисобда 32 та қаландарлар фаолият олиб боради. Самарқанднинг Хожа Аҳрор Валий волостида 2 та қаландархона ва 40 та қаландар истиқомат қилган. Самарқанддаги ушбу жойда қаландарларнинг машҳур пири Ҳожи Сафо Валийнинг 4 та ўғли етакчилик қилади. Мазкур ҳужжатда улар қирқ қаландар деб аталади" деб қайд этилган.

Шу ўринда Марказий Осиё қаландарларининг пири ҳисобланган, Ҳожи Сафо Валий ҳақида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Унинг қаландархонаси Самарқандда жойлашган бўлган. Ҳожи Сафо Валий ҳақида маҳаллий, тарихга оид манбаларда ҳам маълумотлар учрайди. Жумладан, Абу Тоҳирхожанинг "Самария" китобида унинг шахсияти ва қаландарийликнинг силсиласи келтирилади. "Марказий Осиёдаги

[154] И-1. Опись-18. Дело № 29. Сведения о мусульманских учреждениях. Записки полковник Брянова о причинах против русской.... – С-15.

энг машҳур ва номдор қаландар бу Бобо Ҳожи Сафо Валийдир. Унинг мозори Самарқанд шаҳрининг ташқарисида, жануби-шарқий бурчагида, қаландархона такяси деб аталадиган қаландархона маҳалласидадир. У киши кулоҳ ва жандани Бобо Абдураҳим қаландардан кийган. У шоҳ Маҳмуд қаландардан, у Мир шоҳ қаландардан, у Абд уш-Шаҳид қаландардан, у Бобо шоҳ мусофир қаландардан, у бобо Шоҳ Саъид палангпўшдан, у Бобо Филмазиддан, у Саййид мир Жон қаландардан, у Саййид Шамс уд-диндан, у Мир Жалол уд-диндан, у Мир Ғиёс уд-диндан, у Мир Буғройи қаландардан, у Саййид Баҳромдан, у Саййид Ҳудуд, у эса Неъматуллоҳдан, у Шайх Таййиб қаландардан, у Мир Сурх қаландардан, у Закариё қаландардан, у Саййид Музаффардан, у жаноб фахр ул-аимма ҳазрати Саййид Абд ул-Қодир Жилоний ғавс ул-аъзамдан, у Абу Аҳмад Абдолдан, у султони Фурснома Кушоийдан, у Маъруф Кархийдан, у эса ўз навбатида Саййид Али Мусо Ризодан, у ҳазрати Имом Жаъфар Содиқдан ва у ҳазрат имом Муҳаммад Боқирдан, у ҳазрати Имом Зайн ул-обиддан, у қудрат ул айн расул ус-сақалайн Имом Ҳусайндан, у бўлса отаси Абдуллоҳ ал-Ғолиб Али ибн Абу Толибдан ва у моҳи мукаррам Ҳазрати Мустафодан кулоҳ ва жанда кийганлар. Ҳожи Бобо Сафо Маккада жойлашиб турган бир киши бўлиб, Самарқандда такя ва қаландархона солдирган. Сир бўлмасинки, Бобо Хожи Сафодан Мирзо Яъқуб исмли бир ўғил қолди. Мирзо Яъқубдан эса беш ўғил қолгани машҳурдир”[155].

У бир муддат Маккада яшаган бўлиб, Самарқандга келгач қаландархона қурдиришга муваффақ бўлган. Унинг вафоти “Самария”да келтирилишича 1817 йил бўлиб, Мисрда дафн этилган (унинг таваллуд ва вафот санасида ихтилоф мавжуд).

Олима Троицкая тахминан XVII йилларда Самарқанддаги қаландархонага Ҳожи Сафо Валий бошчилик қилганини қайд этган. У Ҳожи Сафонинг вафотини маҳаллий манбалардан фарқли равишда келтирган. Унинг қаландархонаси марказий бошқарув маскани бўлганини ёзади. Олиманинг фикрига кўра, қаландарлик

[155] Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий. “Муъин ал фуқаро”, “Тарихи муллазода” (Бухоро мозорлари зикри); Абу Тоҳирхожа Самарқандий. “Самария”. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 161-162.

билан боғлиқ бирон бир тўлиқ тадқиқот йўқлиги қаландарлар ҳақида очиқ маълумотга эга бўлишга тўсқинлик қилади. Улар ўзларини нақшбандийлик тариқатига алоқадор эканлари, ўзаро алоқалар бўлишига қарамай, қаландарийликнинг алоҳида тариқат деб аташ тўғрироқ бўлади деб келтиради. Троицкая ўзи яшаган давр 1899 йилда қаландархоналар маркази Самарқандда эканини, унинг бўлинмалари ўлканинг барча ерида ва хусусан, Бухоро, Кошғар, Афғонистон ва Хивада ҳам борлигини келтирган. Олима бу ҳудудда 200 га яқин қаландар борлигини қайд этган. Шайх бошқа ҳудуддаги аъзоларга мурид сифатида қараган. Самарқанддаги шайхлик мақоми наслдан-наслга ўтиши шарт ҳисобланса, бошқа ҳудудларда танлов ёки тайинлов асосида амалга оширилган. Самарқанддаги катта шайхлар Шайх Сафо Валийнинг издошлари бўлиб, улар қаландария тариқатининг асосчилари саналади. Бўлинма эшонлари Самарқанд шайхидан иршод қабул қилган бўлиб, у ҳам ўз муридлари ҳамда ҳудудий бўлимга раҳбарлик қилиш ҳуқуқига эга бўлган. У ҳар бир хатти-ҳаракатида Самарқанд шайхидан кўрсатма олиб турган[156].

Самарқандлик дарвешларнинг иккинчи пири машҳур Мирзо Қаландар саналади. У Хожа Аҳрор Валий волостида фаолият олиб борган. Унинг шахсияти ҳақида маълумотлар етарли бўлмаса-да, унинг номи кўп бора тилга олинган. Самарқанд қаландархонаси етакчилик вазифасини ўтаган, 25 дан ортиқ қаландархона, 70 дан ортиқ соликка эга бўлишига қарамай руслар учун тариқат эмас диний таълим маскани сифатида таассурот қолдирган. Барча тариқат вакилларига бир хил эшон номи берилган вақтда қаландарлар номи қайд этилмаслиги ҳам эътиборимизни тортди. Бунга сабаб юқоридаги рапортда айтиб ўтилганидек, соҳа мутахассисига эҳтиёжнинг борлиги ёки қаландархоналар масжид ёки таълим маскани сифатида қаралганида сабаб бўлгандир.

Бундан ташқари, Чимкентта 1 та қаландархона ва 12 та қаландар фаолият олиб борган. Қаландархонада 5 вақт намоз адо этилган. У ердан масжид сифатида ҳам фойдаланилган. Тошкентдаги қаландархонага

[156]Троицкая А.Л. Каландары и Маддахи //Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С. 192

Асомиддинхон исмли қаландар бошчилик қилиб келган. У четдан келадиган хайр эвазига тирикчилик ўтказгани ҳақида архив ҳужжатлари топилган. У нақшбанд-қаландар тоифасига мансуб бўлган. 1894 йилга келиб мазкур қаландархона фаолияти расман таъқиқланмаган, аммо уларнинг сони кескин камайиб борган. Панжикентта эса 3 та қаландар фаолият олиб борган.

“Со сведениями о состоянии мусульманских учреждений в 1909 г.” номли ҳужжатга кўра, 1908 йилда Самарқандда 4 та қаландархона, Зомин участкаси (Ўратепа)да 2 та қаландархона мавжуд бўлган, соликларга Умар Алихон Мусахўжаев, Усмонёр Аллабердиев муршид ҳисобланган. Хўжанд шаҳрида ҳам 1 та қаландархона бўлиб, Жамолхон Низомиддинхонов муршидлик қилган ва ўзи ҳам мазкур жойда истиқомат қилиб келган. Унинг 7 та муриди бўлган. Хўжандда Аҳмадхон тўра, Эшонжон Валиевлар қаландарларга етакчилик қилганлар. Тошкентнинг “Бешёғоч” маҳалласида ҳам қаландархона фаолият юритгани ҳақида батафсил келтирилган. У ерда Қосимхон Сайфиддинхонов муршид ҳисобланган. Унинг 20 та муриди бўлган. Чимкентда Тўра Мирза Орифхон Эшонхонов 5 та қаландарга муршидлик қилиб келган. Марғилон уездида Аҳмадхон тўра бошчилик қилган. Унинг қарамоғида 1 та қаландар мавжуд бўлган.

Фарғона вилояти бўйича: Скобелев шаҳрида 1 та қаландархона, 1 та қаландар, Эски Марғилон шаҳрида 1 та қадандархона ва 20 та қаландар, Марғилон уездида 2 та қаландархона, 2 та пир ва 8 та қаландар, Қўқон шаҳрида 1 та қаландархона, 8 та пир 14 та қаландар, Наманган шаҳрида 4 та қаландархона, 4 та пир 15 та қаландар, Наманган уездида 5 та қаландархона, 5 та муршид ва 29 та қаландар, Андижон шаҳрида 1 та қаландархона, 1 та пир, 6 та қаландар, Андижон уездида 3 та қаландархона, 1 та муршид, 14 та қаландар, Ўш шаҳрида 3 та қаландархона, 3 та муршид. Умуман олганда, 22 та қаландархона, 27 та муршид, 115 та қаландар мавжуд бўлган.

Олима Троицкаянинг фикрига кўра, Туркистондаги дарвешлар ҳақидаги адабиётларда қаландар, суфий ва дарвеш атамалари бир хил маънода қўлланилган. Баъзи ўринларда уларни фарқламаган ҳолда қўллаб келинган. Бу эса қаландарлар ҳақида қарашларни тўлиқ тушунишга тўсқинлик қилади. Унинг фикрига кўра, “Дервиши в

мусульманском мире” китоби муаллифи П.Позднеев ҳам бу борада мустасно эмаслигини қайд этган[157].

Масаланинг яна бир жиҳати, ушбу даврга оид кўплаб рус этнографик асарларида ҳам суфий, дарвеш, қаландар, мажзуб, эшон каби тушунчалар бир хил маънода қўлланилган. Баъзи ўринларда қайси тариқат вакили ҳақида гап кетаётганини англаш ўқувчида қийинчилик туғдиради. Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда “қаландар”, “дарвеш”, “суфий”, “эшон” ва “бобо” атамалари бир хил маънода ишлатилиб келинган бўлса-да, биз уларни бир маъноли сўз деб айта олмаймиз.

Суфий умумий маънодаги тасаввуф вакили ҳисобланади. У муайян тариқатга мансуб бўлиши шарт эмас. Чунки тасаввуф пайдо бўлган илк даврда ҳали тариқатлар шаклланмаган бўлсада, тасаввуф аҳли суфий деб аталган. Дарвеш дейилганда эса ундан кейинги даврдаги суфийларни назарда тутади. У қайсидир тариқатга аъзо бўлган, сукр йўлини танлаган ва ўзига фақирликни лозим тутган кишидир. Қаландар эса қаландарийлик тариқатига мансуб бўлиб, унинг фаолияти дарвешникидан торроқ доирада амалга ошади. Яъни, фақатгина қаландарийлик тариқатига мансуб одамгина қаландар бўлиши мумкин. Шу боис айрим Чор Россияси ва совет даври адабиётларида келган манбаларда мазкур икки атамага турли қарашлар билдирилган.

Ўзбекистон Миллий архивининг Чор Россияси даврига оид ҳужжатларига кўра, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрларнинг биринчи чорагида Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-иқтисодий таназзул туфайли муҳтож аҳолининг бепул бошпана ва егулик илинжида қаландархоналарга мурожаатлари ортиб, қаландархоналар сони ўлкада 200 га етгани айтилган.

Туркистон ўлкасида қаландархона ва қаландарлар сони хронологик тартибда таҳлил қилинса, кескин камая боргани яққол сезилади. Уларнинг масканларида икки турдаги қаландарлар истиқомат қилган. Қаландарлар муайян мақом ва ҳолга эришгач уйланиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Оилали қаландарлар қаландархонанинг ички

[157] Троицкая А.Л. Каландары и маддахи // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С. 191.

қисмида ва бўйдоқлар ташқи ҳовлида яшаганлар. Бундан ташқари, қаландарларнинг таълим маскани ҳам шу жойдан ўрин олган. Бу ерда ёш қаландарлар ва янги соликлар таълим олган.Тариқатга оид тартиб-қоидалар ва Қуръон оятлари, девонлардан парчаларни ёд олганлар. Бу эса бўлажак қаландар тайёрлаш методи бўлган.

## Туркистон матбуоти ва жадидлар ижодида қаландарийлик мавзусининг ёритилиши

Туркистон маҳаллий матбуотида Марказий Осиёдаги тариқатлар, оқимлар, тасаввуф вакиллари бўлмиш эшонлар, шайхлар, қаландарлар, дарвешлар ҳақида хабарлар ёритилган. Уларнинг маҳаллий аҳоли маънавий ҳаётини ёритишда ўзига хос ўрин тутгани сир эмас. Тариқатларнинг зикр маросимлари, кийиниш услублари рус расмий матбуотида этнографик тадқиқот сифатида ёритилган. Маҳаллий тилдаги матбуот саҳифаларида эса сохта, “шариатдан бехабар, аммо амалда тариқатни даъво қилувчи” шайхлар, эшонлар, дарвеш ва қаландарлар фаолияти танқид остига олинган. Суфийларнинг фаолияти асл моҳиятидан узоқлашган тариқат вакиллари сифатида баҳоланиб, миллий матбуотда чоп этилган мақолаларда тариқатчилар фаолиятини назорат қилиш, халқда диний маърифатни ўстириш каби масалалар долзарб мавзу сифатида кўтарилган. Расмий рус матбуотида тариқатлар ва тасаввуф вакиллари, айниқса, бу даврда эшонлар фаолияти қаттиқ танқидга учраб, аксарият мақолаларда улар Дукчи эшон тимсолида “сиёсий-диний хавф солувчи куч” сифатида кўрсатилган[158].

Аммо маҳаллий зиёлилар томонидан уларга қандай муносабат билдирилгани янада аҳамиятлироқ саналади. Жумладан, Исмоилбек Гаспринский ўзининг 1900 йилда Бакуда босилган “Туркистон уламоси” номли китобида Туркистон уламолари ҳақида тўхталар экан, бир фаслини махсус фақиҳларга (диний соҳа вакилларига) бағишлайди. Ушбу даврдаги қолоқликларни ёниб, алам билан тилга олган. Жумладан,

[158]Саримсоқов Абдулҳаким. Қаландарлар ёҳуд танбаллар // Садойи Туркистон. №1 – 1914. – Б.

XIX асрнинг охирида яшаган ва дунё кўрган зиёлиларнинг бирортаси ҳам Туркистоннинг ўша давр аҳволидан қониқмаслигини очиқ айтган. Исмоилбек хонликлар салтанатининг сўнгги давр аҳволини шундай баён қилган:

“Шоҳ Темур замонинда ҳар бири бир арслон ўлан туркистонийлар бу замонда таъсири зулм ва истибдод ила бирор сочсиз хотин, соқолли заифалар поясина кирмиш эди. Эски илм ва уламодан ҳам деярли асар қолмаган. Холис ва ҳалол (киши) қолмай, узун чопонларга, хилъатларга ўралган риёкор кўпайган эди. Золимлар йўлини тўсадиган шариат аҳли тугаб, золимларга фатво топиб бериб, 5-10 тилла-олтун учун сабоҳдан оқшома қадар “омин”, “омин” айтиб, миллатни хароб ва барбод этганлар саноқсиз эди. Қандай бахтсизликки, бир учи Садди Чинга, дигар учи Ўрта Ер денгизига чиққан салтанат баҳодирларининг авлоди ёшликда баччалик, сўнг эса баччабозлик ҳаромликлари ичида умр кечирадирлар эди. Умаро ва вукалонинг аксари ё Эрон асирларидан, ё баччалик қилганларидан мансабга кўтарилар эди. Шижоат майдонида Темурларнинг, Шайбонийларнинг исми-шарифлари унутилгани каби илм майдонида Ибн Синолар, Форобийлар, маориф майдонида Али Қушчи, Улуғбеклар ёддан чиқиб, бутун Мовароуннаҳр бир хонақойи паришон ва диёри дарвешон ўлмиш эди. Илм, ҳилм, маориф иззат-нафс ва ҳайсият (ҳурмат-эътибор) риёкорликка айланган эди. Бу сўзлар балки аччиқ сўзлардир, лекин тўғри сўзлардир. Тарих ёзадиган муаррих мадҳия ёзадиган мирза эмас”[159].

Мана шу “хонақойи паришон” ватанга, “дарвеш” ва “риёкор”лар миллатга айланмас экан, Туркистоннинг келажаги йўқдир. Бу биргина Туркистон эмас, бутун Русия мусулмонларига тегишли деб таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, юртда дарвешларнинг кўпайишига сабаб дин пешволарига нисбатан ишончсизлик, мол давлатга берилган дин аҳлини қоралаш, уларга нисбатан норозилик кайфияти сабаб деб кўрсатилган.

Жадидлар ушбу даврнинг бевосита гувоҳлари сифатида Туркистондаги қаландарлар аҳволининг бу қадар танглигини

[159] Бегали Қосимов. Исмоилбек Гаспирали. – Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги нашриёт матбаа-бирлашмаси. 1992 й. –Б. 28.; Исмоил Ғаспирали. «Туркистон уламоси» асаридан. (Ёқубжон Хўжамбердиев. «Соғуний», – Тошкент: «Шарқ», 269- бет.)

миллатнинг инқирози билан боғлаганлар. Уларнинг ҳолига ачиниш билан қараб, ислоҳ қилишга чақирганлар. Қаландарларга ҳунар ўргатиш лозимлиги, одамларнинг ғашини келтирувчи ташқи қиёфасини ислоҳ қилиш кераклиги уқтирилади. Нафақат дарвешлар, балки оддий аҳоли орасида ҳам иқтисодий танглик кузатилгани маълум бўлган.

Абдурауф Фитрат “Машраб” номли мақоласида шоирнинг ҳаёти ва ижодига тўхталар экан, Машраб билан алоқадор қаландарийлик тариқатининг тарихи ва Марказий Осиёда тутган ўрнини ўрганиш лозимлигини таъкидлаган. Бу тариқат аъзоларининг фаолияти тарихнинг кам эътибор қаратилган жиҳати эканини қайд этган. Мақолада: “Машрабнинг синфий тусини очмоқ учун қаландарлиқ маслакининг синфий моҳиятини белгиламоқдан бошқа чора йўқ. Лекин, бахтга қаршу, бизнинг тарихимизнинг ҳеч текширилмаған ёхуд оз текширилған саҳифаларидан бири шул қаландарлиқдир. Узим ҳам бу тўғрудаги бутун излашларимнинг «мана» деб кўрсатарлик бир натижаси бўлмаганини эътироф қиламан. Қўлимдаги жуда оз материал билан қаландарлиқ маслакининг синфий моҳиятини очмоқ ва шу йўл билан Машрабнинг ҳам синфий тусини кўра олмоқ мумкин бўлмайдир. Шундай бўлса ҳам, бундан сўнграги текширишларга балки ёрдами бўлур умиди билан қаландарлиқ ҳаққида билганим нарсаларни қайд этиб ўтмакни муносиб кўраман. Ўрта Осиёда тасаввуф мусулмонлиқ билан бирга келиб кенг бир суратда тарқалди. Ўрта Осиё тасаввуфининг кубравия, яссавия, нақшбандия ва қаландария каби кўб оқимлари ўринлашған...Бундан ярим аср – бир аср бурунги замонга келган, Ўрта Осиё шаҳарларининг энг обод жойи қаландархоналар эди. Қаландархоналар шаҳар халқининг жума кунлари чиқиб ўтирадурғон дам олиш, саёҳат жойлари эди.... Бизнинг фикримизга кўра, феодализм идорасининг бутун оғирлиги остида қолиб эзилган, бор-йўқларидан айрилғон, эзувчи кучга қарши курашмоқ умидини батамом йўқотғон, шахсий ҳаётларини таъмин учун қўлларидан ҳеч ҳунар келмаган бир гуруҳ бўлғонлар. Булар тиланчилик билангина таъмил этилмакда бўлғон ҳаётларининг аччиқ дақиқаларини нашанинг мастлиги остида кечиришга тиришқонлар”[160].

[160] Фитрат А. Машраб // Ёш ленинчи. – Тошкент: 1991. 24 июль.

Фитрат мазкур мақоласи орқали Машрабга қаландарлик тариқати вакили сифатида нисбат берилишига қаршилигини баён қилади. У нақшбандийлик сулукида бўлиб, қаландарлик ҳаёт тарзини ихтиёр этган киши сифатида тилга олинади. Авваллари уларнинг жойлари сўлим ва дам олиш маскани бўлгани, вақф ва хонликлардан келадиган ҳадялар эвазига фаровон ҳаёт кечирганлари тилга олинади.

Шу сабабли қаландарлар ва уларнинг ташқи қиёфаларини мазкур мақола орқали очиб беришга интилади. Ўзидан кейинги тадқиқотчиларни эса мазкур тариқат юзасидан чуқурроқ изланиш олиб боришга чақиради.

Жадидчиликнинг кўзга кўринган вакилларидан бири бўлган Чўлпон ўзига дастлаб “Қаландар”, “Мирзоқаландар” каби тахаллуслар қўйиб ижод қилгани ҳам сир эмас. Эл орасида эса Чўлпон номи билан кўпроқ танилди. У ўзининг қайноқ ички туғёнлари асосида ёзган қаландарона қарашлари билан шуҳрат топиши билан бирга кўплаб танқидларга ҳам учради. Чўлпон ўзига хос фикрлаши, қолипга тушмаслиги, эркин ижодни севиши туфайли эҳтимол ўзига қаландар тахаллусини бергандир.

## ҚАЛАНДАР ИШҚИ

*Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,*
*Асрлик тош янглиғ бу хатарлик йўлда қотдим-ку.*
*Карашма денгизин кўрдим, на нозлик тўлқини бордир,*
*Ҳалокат бўлғусин билмай қулочни катта очдим-ку.*
*Ажиб дунё экан бу ишқ дунёси, аё дўстлар,*
*Бу дунё деб у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.*
*Унинг гулзорида булбул ўқиб қон айлади бағрим,*
*Кўзимдан ёшни жо айлаб, аламлар ичра ботдим-ку.*
*Қаландардек юриб дунёни кездим, топмайин ёрни*
*Яна кулбамга қайғулар, аламлар бир-ла қайтдим-ку.*
*Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,*
*Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.*

**Боку, 1920 йил.**

Чўлпон дунёни кезувчи қаландарнинг мақсади Яратганни топиш эканини мисол келтирар экан, бу йўлда қидирганини топа олмаганига урғу бермоқда. Дастлаб қаландар тахаллуси билан ижод қилиб кўзлаган мақсадига ета олмаганини, чўлпон юлдузи каби бўлганда эса қуёш (Яратган) нурига бардош беролмаганига ишора қилмоқда.

Жадидларнинг кўзга кўринган яна бир вакили Абдулла Қодирий (Жулқунбой) жамиятнинг бир бўлаги бўлган қаландарлар ҳақида куйиниб гапиради. Бу ҳақида Султон Содиқов “Ширкат” мақоласида шундай ёзади: инқилобнинг биринчи йили фирқага янги кирган кезларим эди. У чоқларда Тошкентда гадо, қаландар, маддоҳлар кўп бўларди. Улар куни билан бозорларни тентираб, ҳазрати Ғавсил Аъзам, Баҳовуддин номларини талқин қилиб, нон, пул, мева-чева йиғар эдилар-да, Ҳожим бемалолнинг такясида (Чорсудаги эски ҳаммом орқасида) тўпланишиб жами бемазаликларни қилиб ўтиришар эди, на оила ғамини ер, на сиёсатни тушунар, на дунёда нима бўлаётганини билар эдилар. Эски шаҳар фирқа қўмитаси менга ана шундай бекорчи дайдиларни йўқотиш, уларни ишга ўргатишни топширган эди... Бир куни атайлаб мулла Абдуллани бошлаб, шу такяга кирдим. Чой чақириб, Абдулла билан сўзлашиб ўтирдим. Гадой, қаландар, маддоҳлар таряк – кўкнор ичар, иккинчиси наша чекар, яна бириси оғзига келганни ўтлаб, ҳангома сўқир эди. Мен уларни кўрсатиб мулла Абдуллага: – Бу бекорчи сабилларни йўқотиш керак, ишга жойлаш керак, – дедим.

– Кошки эди, – деди Абдулла, – йўқотилса катта иш бўларди, илож қани? – Ширкат очамиз, уларни ишга тортамиз, ёрдам берасан... – дедим. Абдулла кўнди. Чорсу билан Эски намозгоҳ ўртасидаги жарликда Боқижонбойнинг пахта заводи бўлар (Боқижонбой инқилобдан кейин заводни ташлаб кетган) эди. Ана шу заводни наматчилик ширкатига айлантирдик. Мен раис, Абдулла саркотиб бўлиб иш бошладик. Ҳар куни икковимиз Ҳожи бемалолнинг такясига тушиб ҳалиги бекорчи гадо-қаландарларни ишга ундаймиз, ташвиқот қиламиз, Абдулла бўлса эълон ёзади, қўлида қоғоз-қалам ишга борадиганларни рўйхат қилади... Шундай қилиб, ширкатимиз бошда бироз ривож топмай турса ҳам, кейинчалик жуда гуруллаб кетди. Даромад дуруст бўлгани учун улар

бир-бирини “тортиб” кела бошладилар. Кўп гадо, қаландар, маддоҳлар ўз ҳунарларини тарк қилиб, ширкатда ишлаб кетдилар....[161]

Абдулла Қодирий зиёли киши сифатида шундай оғир даврда бекор ўтирган ва ўзининг кимлигини унитган қаландарларга йўл кўрсатиш тарафдори эди. Уларни оиласига қайтаришни ўзига мақсад қилган эди. Меҳнат қилиб тирикчилик қилишлари учун қўлидан келган барча ҳаракатни амалга оширди. Натижада, тушкунликка тушган, ақлини йўқотган қаландарлар ўз ҳаётларини тиклашга муваффақ бўлдилар.

1920 йилда Абдулла Қодирийнинг “Иштирокиюн” газетасида “Тиланчилик ёҳуд енгил касб”[162] номли мақоласи нашр бўлган. Мақолада ёзувчи ўзи яшаган даврда ижтимоий жиҳатдан муаммоли ҳолатга келган қаландар ва маддоҳлар масаласини кўтаради. Уларни ишёқмасликда айблайди. Қаландарларнинг ўлка бўйлаб кезишлари ва фарзандларини ҳам шу куйга солишларига кескин қарши чиқади. Болаларни енгил ҳаётга эмас, меҳнат ва илмга ўргатиш зарурлигини уқтиради. Уларнинг жамиятдаги ўрнини қуйидагича келтиради: “Қаландар, маддоҳ… исмли сафилларимизнинг ичида катта-катта бойлари бор бўлғани каби топқан оқчаларини қимор, нашахоналарда барбод берувчилари ҳам ўзларига етмаган шекилли, ёш, маъсум болаларини ҳам бу ёмон касбга қурбон этмакдадирлар. Бу бадбахтларга «Ўзинг-ўзинг, энди ўғлунгни ўқутуб бирор касб ўргатсанг яхши бўлмайдирми?», десанг: «Эй-й, бу касб бизнинг ота-боболардан қолиб келмакда бўлған иш. Ҳар кимга ўз ота касбини қилмоқ керак!», жавобини берадирлар... «Ижтимоий таъминот» исминда кучдан-кувватдан қолмиш меҳнаткашларга ёрдамхоналар очмишлардирким, бу сойилликға қарши бир чорадир. «Ижтимоий таъминот»лар бизим саломат вужудлик, юзлариндин қон томар маддоҳ, қаландар исмли енгил касбчиларимиз учун эмас, балки қари, ишка ярамовчи, кўр, шол касалли, сағир, етимлар ва шуларнинг амсоли учундир. Ишка ноқобил заифаларимизнинг «Ижтимоий таъминот»лари бўлинатуриб-да, кўчаларда залилона кезинишлари

[161] Султон Содиқов. Абдулла Қодирий. / Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Хондамир Қодирий. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004. – Б.7-8.

[162] Абдулла Қодирий. Тиланчилик ёхуд енгил касб // Иштирокиюн. 1920. 20 февраль. 38-сон.

бундай муассасаларнинг борлиғиндан бехабарликдан ёхуд илгариги сойиллик лаззатини унута билмаганликдан бўлуб, бунинг тевишли чорасига киришмак ўз аҳлининг биринчи навбатдаги вазифасидир”[163].

Мақолада Абдулла Қодирий жамиятни ривожида ана шу каби иллатларни бартараф этиш масаласини кўтаради. Кам таъминланган оилалар учун ажратилган ижтимоий таъминотдан қаландар ва маддоҳлар фойдаланишига қарши бўлади. Улар кучга тўлган йигитлар, мусулмон бўла туриб енгил ҳаётга кўникиб қолганини қоралайди. Ногирон ва боқувчисиз заифаларга ажратилган ёрдамдан ҳақ олишга нолойиқ деб билади. Фарзандларини шу йўлдан сақлаш кераклигини илм ўргатиш зарурлигини куйиниб гапиради.

Шунингдек, Абдулла Қодирий ўтган кунлар романининг “зулм ўчоғи” бобида ҳам Худоёрхон даврининг авжига чиққан зулмлари ҳақида ҳикоя қилади. Унинг майда савдогарлар қатламига қилган зулмининг натижаси мадрасалар, боғлар ва шу қаторда бузиб қайта таъмирланган қаландархоналарга ўзи ва оила аъзолари номини бериши ҳақида ёзади. Худоёрхон иккинчи маротаба тахтга ўтирган вақтида эса вазият ўзгариб аёвсиз сиёсат йўлига ўтганини, ҳар қандай қаландархона, ўрда ва боғлар фаолиятига чек қўйилганини ёзади. Ўша вақтда бозорлар, расталар орасида қаландарларнинг овози, талқинлари эшитилиб турганлиги ҳақидаги маълумотларни ҳам учратишимиз мумкин[164]. Бундан хулоса қилиш мумкинки, нафақат хонлик балки диний ва бошқа соҳалар ҳам ғарқ бўлиб бораётган бир давр эди.

Абдулла Қодирий ўша давр муҳитини кўз олдимизга келтириш учун ҳолатни қуйидагича ифодалайди: “Айниқса, 1917 йил ўктабр “инқилоби”дан сўнг кўплаб обидалар “инқилоб”ни тушунмаган ёки қабул қилмаган кимсалардек муқим ерларда “отиб” ташландилар. Ўзингизга маълум, Ҳўқанди латиф улкан бир ҳудуднинг: Кошғардан тортиб Ўрунбурғгача, Бадахшондан Ейиққача (Ўрол) бўлган давлатнинг пойтахти, доруссалтанаси эди. Шу боис бу шаҳарда бошқа маъволарга қараганда масжиду мадрасалар, қироатхоналар, ҳаммому карвонсаройлар кўплаб қурилган.

[163] Абдулла Қодирий. Ўша манба.
[164] Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар. –Тошкент, 1994. Ғофур Ғулом нашриёти. –Б.59.

Сайид Муҳаммад Худоёрхон даврига келиб, пойтахтда етмиш иккита мадраса, беш юз олтмиш олтита масжид, ўттиздан зиёд қорихона, сўқирхона (кўзи ожизлар таълим оладиган ва кун кечирадиган маскан), бир неча қаландархона ва етимхоналар мавжуд эди. Айни савобли ишга кетадиган ҳаражатлар шаҳарнинг ўзига тўқ фуқароларидан тушган хайр-эҳсонлар ва аксари давлат ажратган вақф мулкларидан йиғилар эди[165]. Шарқ ўтмишида халқнинг иқтисодий маданиятини белгиловчи омиллар, асосан, ҳаммомлар, карвонсаройлар, қироатхоналар бўлган. Шаҳар қўрғони ичида ўн икки ҳаммом, йигирма олти карвонсарой ва ҳар бир масжиду мадраса қошида қироатхоналар бўлган[166].

Қаландарлар ўз шайхлари бошчилигида жамоавий тарзда ҳаёт кечирганлар. Қаландархона кўп кишилар истиқомати учун мўлжалланган бўлиб, у ерда яшовчилар сони таълим олувчилар билан бирга икки юз кишигача етадиган бўлган[167]. Улар ўз масканларини хонақоҳ ёки қаландархона деб аташган. Қаландархоналар мамлакатнинг деярли барча ҳудудларида, жумладан, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Кошғар, Хўжанд ва Хивада ҳам мавжуд бўлган.

Марказий Осиёда кенг фаолият юритган қаландархоналар орасида нуфузи ва мавқеи жиҳатидан кўзга кўрингани бу Тошкент ва Самарқанддаги қаландархоналар бўлган. Шу сабабли бўлса керак кўпроқ шу икки ҳудуддаги қаландархоналар ҳақида маълумотлар кўп учрайди.

В.В.Верещагин 1867-1868 йиллар Тошкентга сафар уюштиради. Айнан қаландархонада маълум вақт истиқомат ҳам қилган. У ернинг шарт-шароитини яхши ўрганиб суратлар билан ўзининг қимматли маълумотларини қолдирган. Унга кўра, тиланчилик қилувчи ва дарбадар кезувчи қаландарлар истиқомат қилувчи жой номи қаландархона бўлган. Қаландархона яшаш учун жуда қулай, соя-салқин, сувга яқин баҳаво жойда жойлашган бўлган. Қаландархоналар ўралган девор ва катта дарвозадан ташкил топган. Ички қисмида дарахтлар ва масжид

---

[165] Ҳужжат: № К. К. М. 5601 Д. П. 614. 1823, август. Қўқон. Ўлкани ўрганиш дорулосори.

[166] Кўқон. Ўлкани ўрганиш дорулосори.Ҳужжат: № К. К. М. 5618 . Д. П. 728). http://e-tarix.uz/obidalar/369-qoqon.html

[167] Троицкая А.Л. Каландары и маддахи // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С. 192.

қад кўтарган бўлган. Бир томонда кўримсиз ва унчалик озода бўлмаган бино мавжуд бўлиб, бинонинг девори тагида банги қаландарлар кўкнори таъсирида маст бўлиб, ухлаб ётишарди.

Верешагин қаландарларга нисбатан хақоратомуз муносабатда бўлган. Энг ачинарлиси, ўта муболаға асосида турли ҳолатлар тасвирланган. 1873 Туркистон ўлкасидан қайтган Верешагин Лондонга суратлар кўргазмасини ўтказиш учун боради. У ерда Туркистондаги жанглар ва қаландарларни суратларини намойиш этади. Нашаванд қаландарлар ва бир қатор уларга оид суратлар кўргазмадан олиб ташланади. Арзон нархга Третьяков шахсий галлереясига сотиб юборилади. Сабаблардан энг каттаси расмлардаги объективликни йўқлиги ва билдирилган кўплаб танқидлар эди.

Қаландарлар ҳар куни эрталаб қаландархонани тарк этиб тиланчилик учун бозорларга йўл олишган. Бу ҳол бўйдоқларга тааллуқли бўлган. Аммо уйланганлар алоҳида ички уйда яшашган. Улар касб қилиш орқали оиласини таъминлаган. Ҳар бир аъзонинг ўз ҳудуди бўлиб, уни айланиб тиламчилик қилган, кечга яқин қаландархонага қайтиб, таассуротларини ҳикоя қилган. Аслида қаландарийлар ақидасига кўра уйланиш таъқиқланган, аммо XVIII – XIX асрларга келиб бу одат тартиби бироз ўзгартирилган. Яъни, маълум кишиларга оила қуриш мумкин бўлган. Юқорида айтиб ўтганимиз самарқандлик қаландар Ҳожи Сафо Валийнинг ҳам аёли, Мирзо Ёқуб исмли ўғли бўлгани манбаларда кўрсатилган[168].

Ҳар бир қаландархонада бувахоналар ташкил этилган бўлиб, бугунги кундаги чойхона вазифасини ўтаган. Бундан ташқари, бувахоналарда чой, нон, ширинликлар, палов ҳам тайёрланган. Бу нарсаларнинг ҳеч бири қаландарлар учун таъқиқланмаган. Аксинча, барча шароитлар яратилган[169]. Верещагин уларни одам кўринишидаги устихон деб баҳолайди. Бир қаландарнинг қорадори қабул қилиб маст ҳолатда эканида содир бўлган воқеани шундай ҳикоя қилади: “Бўйлари баланд, юзлари эса сарғайган ва бечорасифат, ўзи ориқ, сўзларимни базўр эшитяпти, атрофидаги ҳодисаларни эса мутлақо идрок этмаяпти.

[168] Ғаниев Т. Кўнгил дуржи. – Тошкент: 2009. – Б. 146.; Абу Тоҳирхўжа Самарқандий. Самария. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2009. – Б. 162.

[169] Троицкая А.Л. Каландары и маддахи // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С. 191.

У менинг сўзларимни худди бир шовқиндек қабул қиляпти аммо тушунмаяпти. Бир пайт менинг қўлимда қорадори донасини кўрди ва кўзлари катта очилиб менга ташланди. Бер менга, деб бақиришга тушди. Бермаганимни кўриб ёш боладек ялина бошлади. Йиғламсираб қўлимга талпинди. Унга бир бўлак қорадори узатган эдим худди оч қолган ит суякка ташлангандек уни еди. У бир оз ўтиб чеҳраси очилиб, мийиғида кулиб юрди. Бошқа бир девона биринчисидан қорадори талаб қилиб унга ташланди. Мен тушундимки, улар бу йўлда бир-бири билан ёқалашишдан ҳам тоймайди"[170].

Қаландархоналар нафақат қаландарлар учун, балки бошқа кишилар учун ҳам хизмат қилган. Верещагин у ерда баъзи таниқли кишиларни ҳам кўрганини ҳикоя қилади. Ёзда бу ер энг баҳаво ва қулай жой ҳисобланган. Дарахтларнинг сояси, қушларнинг овози роҳат бахш этиб турса, қишда мутлақ бошқа ҳолатни кўриш мумкин бўлган. Совуқда гарчи улар ўзларининг ямоқ либосларига ўраниб олишга уринсалар-да, совуқ барча аъзоларидан ўтиб кетади. Чунки димиқтирадиган иссиқдан сўнг Тошкентда аёзли кунлар қаттиқ келади. Шу боис қаландарлар яна ўша мастлик оғушида совуқни енгиш учун бир-бирларининг пинжларига кириб, карахт бўлиб ётадилар. Қаландархоналар ҳам совиб кетган, девоналарнинг қимирлашга ҳоли бўлмайди[171].

Бозорда қаландарлар маълум тартибга кўра тиланчиликни амалга оширганлар. Жамоавий тиланчилик куннинг биринчи ярмида мева ва озиқ-овқат расталарида, иккинчи ярмида эса тери бозорида амалга оширилган. Баъзан куннинг иккинчи ярмида хонадонларга ҳам боришган. У ерда "Арвоҳнома"ни ўқиб садақа сўрашган. Рўза ҳайити куни эса "Етимнома"ни[172] ўқиб масжид тагида йиғлашган. Одамлар уларга нима топсалар бериб кетишган[173]. Кейин қаландарлар куннинг

[170] Верещагин В.В. От Оренбурга до Ташкента. – М.: 1867-68. – С. 45.

[171] Верещагин В.В. От Оренбурга до Ташкента. – М.: 1867-68. – С. 47-48.

[172] 1930-40 йилларда Туркистонда, ундан сўнг эса Ўзбекистонда фольклор жамоаларининг шеърларидан бирининг номи. Етим образини акс эттирувчи мазкур қўшиқ қаландарлар орасида ҳам машҳур бўлган. Марказий Осиёда "етимнома" жанри мавжуд бўлиб, мазкур йўналиш ҳайит байрамида Муҳаммад пайғамбар ва бир етим билан боғлиқ ҳодиса сабабли юзага келган.

[173] Троицкая А.Л. Каландары и маддахи //Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С. 196.

охирида бозор чойхонасида дам олганлар. Дам олишгандан кейин кийим бозорига ўтиб, у ерда "Ё Оллоҳ дўст!" иборасини айтиб юришган. Бошчилик қилаётган қаландар баланд овозда айтса, қолганлари айрим жойларида қўшилиб туришган.

Бошқа бир тоифа қаландарлар ҳам бўлганки, уларни "жиловдор"лар деб аташган. Уларга бошчилик қилувчи қаландар эса "пешхон" бўлган. Бу гуруҳни "махсус тоифа" дейиш мумкин, улар садақа йиғиб олишда чанг ютгич каби фаолият юритганлар. Улар садақа берувчиларни ишонтиришда устаси фаранг бўлганлар. Бир одамнинг олдига келиб у ҳақида ёмон туш кўрганини, агар садақа берса ёмонликни бартараф эта олишини, унинг номидан дуо қилишини айтиб садақа сўрайдилар. Бошқа кишиларга эса унга ёмон касаллик яқинлашаётганини, садақа берса ундан фориғ бўлиши мумкинлигини айтиб пул сўраганлар. Уларга ўз фикрларини жуда ишонарли тарзда сингдирганлар. Одамлар уларга ишониб садақа беришган[174].

Ҳар пайшанба қаландарлар яқин кунларда ўлик чиққан хонадонга борганлар. Улар ҳовлида қўшиқ айтиб ўликнинг руҳини чорлаганлар. Бу чорлов қасидаси "Арвоҳнома" деб номланган. Бу қўшиқ ўлиб, танаси чириган ва суяклари тарқаган марҳумнинг номидан ёзилган бўлиб, у ўз уйи ва оиласини кўргани ташриф буюрган. У ғамгин ҳолатда уйига девор орқали кириб, аёли бошқага турмушга чиққанини ва болалари ғамгин ҳолатда қолганини кўриб, Яратганга нидо қилади. Қаландарлар шуни куйга солиб ижро этганлар. Қўшиқ охирида ўлик руҳи ҳурматланиб Қуръон тиловат қилинган.

Тиланчилик якун топгач, қаландарлар қаландархонага қайтганлар. Бир кунлик маҳсулотга етарли пулни ажратиб олиб, қолганини эса тўрага тақдим қилганлар. Кечқурун ҳамма қаландарлар учун умумий егулик ҳозирланади. Бечора камбағаллар ва оилали қаландарлар ҳам шу овқатдантановвул қилиб, оила аъзоларига ҳам олиб кетганлар.

Бу каби тиланчилик орқали келган маҳсулотлардан тайёрланган таом "дегжўши мавлон" деб аталган[175]. Шу куни Қуръон ўқиб ўтган барча шайхларнинг руҳи эсланган.

[174] Троицкая А.Л. Каландары и маддахи //Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С. 196.

[175] Троицкая А.Л. Каландары и маддахи //Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С. 197.

Ёз ойларида ҳосил мавсуми келгач, гуруҳларга бўлиниб ва якка ҳолатда Тошкент (Паркент, Заркент, Еттикент, Пискент, Овлоқ ва бошқ.) атрофида жойлашган далаларга бориб, терим маҳсулотлардан садақа сўрашган[176]. Бу пайтда етакчи қаландар барча қаландарларга узоқ жойларга йиғим учун боришларига рухсат берган. Фақатгина тариқат аъзолари қаерда эканидан етакчи хабардор бўлиши шарт ҳисобланган.

Қаландарлар топган даромад қатъий равишда тақсимланган. Бу “тақсим” “бахра” ёки “қисм” деб аталган[177]. Баъзан тўра ўз ҳисобидан назр ҳам атаб турган. Одатда бу назр бир қўй бўлган. Бундай пайтда тўра қаландарларнинг етакчисига жонлиқни сўйиб, палов тайёрлашни буюрган. Бу таом барча қаландарларга ва шу жумладан, бечораларга ҳам улашилган. Назрнинг каттагина қисми тўра ва етакчига ажратилган.

Йилда бир марта Тошкент тўраси ҳалим тайёрлатиб, бошқа Тошкент эшонлари ва барча қаландарларни, камбағалларни сийлаб меҳмонга чақирган.

Қаландарларнинг етакчиси отавой, унинг ўринбосари муовин, қолган аъзолар эса шўрокорлар деб аталган. Отавой қаландарлар устоз ва шогирдларни тайин қилиш ҳуқуқига эга бўлган. У қаландархонадаги аъзолар фаолиятини назорат қилиб турган. Ҳар тонг қаландарларни гуруҳларга бўлиб, шаҳар кўчаларига тайинлаб тиланчиликка чиқарган. Кечқурун эса киримларни йиғиб олган.

Қаландарларнинг ёзги даромади қуйидагича тақсимланган. Учдан бири куйловчига, бир қисми пулни йиғиб олувчига, қолган чақаларни ўқувчилар ва эргашиб борганлар олган. Пайшанба ва якшанба куни қаландарлар етакчи билан бирга қаландархонани тарк этиб бозорни айланганлар.

Қаландархонада ўзига хос “ўқитиш институти” мавжуд бўлган. Белгиланган муддатни ўташ учун маълум босқичларни босиб ўтиш зарур бўлган. Қаландарларнинг фарзандлари ёшлигидан оталарига бириктирилиб, улар орқали қўшиқ, талқин, достон ва қасидаларни ўрганиб боришган. Улар кўпинча оталарининг раъйига кўра қаландар бўлганлар. Туғилганларидан уларни қаландар қилиб тарбиялаганлар.

[176] Ўша манба. – С. 209.
[177] Ўша манба. – С. 209.

Аммо ташқаридан келган қаландарликни ихтиёр этганлар учун махсус таълим бериб борилган. Улар олти ойдан бир йилгача тариқат қоидаларини ўзлаштирган. Бегона киши қаландарликка қабул қилингач, тўра қаландарлар етакчисига унинг ота-онасини аниқлашни топширган. Унинг оиласи қандайлиги, отаси ўғри, онаси бетарбия бўлмагани текширилган, агар борди-ю шу иллатлар уларда топилса, фарзанди ота-онасининг гуноҳларини такрорламасликка сўз бермоғи керак бўлган. Қабул қилинган янги аъзо қаландархонада истиқомат қилиши, тўранинг уй юмушларини, бажариши қаландарлик қоидаларини вақтида бажариши шарт бўлган. Шайхнинг буйруғига биноан янги вакилга қўшиқларни ва достонларни ёд олаётганини назорат қилиши учун бир бошлиқ тайинланган. У қўшиқларни ва достонларни ёд олаётганини назорат қилиб борган. Тошкентда қаландарликка қабул қилиш шартлари унчалик оғир бўлмаган. Аммо Марғилон ҳудудида бу ҳолат бироз мураккаброқ бўлган. Тариқатга кирмоқчи бўлган киши абдоллардан бўлиши шарт ҳисобланган.

Тариқатга кирган янги мурид бироз вақт ўтиб шайхига қасамёд қилган. Ғийбат қилмасликка, бегона аёлларга кўз олайтирмасликка, ўғрилик қилмасликка, бировни беайб урмасликка ва шу каби бошқа нарсалар юзасидан онт ичган. “Худони бир, сизни пир билиб, ёмон йўллардан ўзимни сақлайман”, деб сўз берган. Шундан сўнг пирга қўл бериш маросими бўлган. Агар мурид қаландар даражасига кўтарилса, тўра унга дўппи инъом этган. Бу нарса унинг биринчи суфийлик босқичини ўтаганидан далолат берган. Муридликка кирган киши баъзи бир удумларни бажариши талаб этилган. Бу расм-русумлар катта харажатни келтириб чиқарган. Чунки, қабул қилинган шахс жамоанинг ҳар бир аъзосига либос ёки тўрага икки сидра бош-оёқ кийим, етакчи ва устозига ҳам шундай совға олиб келиши зарур ҳисобланган. Аммо маълумки, кундалик пул кунда топшириб турилгани боис муридларда маблағ бўлмаган. Буларнинг барчаси жамоа томонидан йиғилган пулга етакчи томонидан уюштирилган.

Ҳамма аъзолар йиғилгач, шайх тўрга чиқиб ўтирган. Устози белбоғ олиб келгач, уни шогирдига тақиб қўйган. Кейин бир пиёла сув олиб келиб, уни мурид пиёласига қуйиб берган. Шундан сўнг шайх арвоҳлардан мадад сўраб дуо қилган.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, юртимизнинг ҳар бир чеккасида қаландархоналар мавжуд бўлса-да, улар ҳақида тўлиқ ва тизимли бир китоб таълиф этилмаган бўлса-да, архив ҳужжатларида, жадидларнинг мақолаларида ва ўлкашуносларнинг ёзмаларида маълумотларни топиш мумкин бўлди.

Бу маълумотларни умумлаштирган ҳолда қаландарийлик тариқати вакилларига халқ томонидан ҳамиша ҳам салбий муносабатда бўлинмаган. Уларга нисбатан хайр ва эҳсонлар мунтазам ажратилган. Айниқса, аёллар томонидан назр-ниёзлар атаб турилган. Фарзанд туғилганда суюнчиси сифатида қаландарларга тўплаб матолар ҳадя қилиниб, таомлар улашилган. Дуоси қабул ва жамиятнинг эҳтиёжманд қатлами сифатида мудом садақалар тортиқ қилиб турилган. Гарчи дин пешволари мавжуд бўлишига қарамай оддий халқ қаландарларни диндор ва валий кишилар сифатида қараганлар. Аммо дин вакиллари ўша вақтда ҳам уларни танқид қилиб одамларнинг дунёқарашига салбий таъсир этувчи кишилар деб қоралаганлар.

Хулоса шундан иборатки, Туркистон матбуотида жадид намояндалари ва жамиятдаги дин уламолари томонидан ўлкадаги қаландарийлар ҳақида салбий муносабат билдирилган. Бу даврда қаландарийликнинг моҳияти аслидан узоқлашиб, қаландархоналар ишсизлар ва тиланчилар учун бошпана манбаига айланиб қолган. Жадидлар даврий матбуоти ва илмий нашрларида жамиятдаги тартиб қоидаларга амал қилмайдиган, тариқатга мансубликни даъво қилувчи қаландарлар фаолияти мунтазам танқид остига олинган.

## Қаландарликка хос хусусиятларнинг замонавий сохта тариқатларда намоён бўлиши

Сохта шайхлар, шариат илмидан тўлиқ хабардор бўлмаган кишилар, тасаввуфнинг асл мақсадларини тушунмаган, жоҳил жамоалар бугунги кунда пайдо бўлмоқдаки, бунинг натижасида суфийлик моҳиятидан узоқлашиш ҳолатлари юзага келмоқда. Шулардан бири ўзларига "маърифатчилар" деб ном берган, Фарғона вилоятининг Тошлоқ

тумани ва Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида пайдо бўлган жамоадир. Мазкур гуруҳнинг ақидаси тўғрисида А.Тулепов шундай деб ёзади: ”маърифатчилар” Қуръон оятлари ва намозни ўзбек тилида ўқиб, араб тилида ўқиганларни мусулмон эмас, деб ҳисоблайди, наша чекишни таъқиқламайдилар. Жамоа ақидасига кўра: а) исталган вақтда икки ракат намоз ўқийди, солиҳ амаллар намоз ҳисобига ўтади, б) арoқ ичишни ҳаром ҳисобламайди, в) фақат Маккадаги “Масжидул Ҳаром”да намоз ўқиш керак, бошқа масжидларда ўқиш мумкин эмас, г) жума намози фақат Макка аҳлига фарз этилган, д) маййитни кафанлаш ва “жаноза” ўқиш исломда йўқ амаллар, деб ҳисоблайди”[178].

Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги маърифатчилар ўзларини “девоналар” деб атайдилар ва улар аъзоларининг аксариятида бирламчи диний савод ҳам йўқлиги кузатилган. Улар тарки дунё қилишни, ҳеч қаерда ишламасликни, ризқни Аллоҳ бергандан кейин оила таъминоти учун меҳнат қилиш лозим эмаслигини тарғиб қиладилар. Бу таълимот оилани боқишдан бўйин товлаганлар ва дангасаларга, айниқса, маъқул келади. Улар оилаларининг таъминотини бутунлай ташлаб қўйган ва ўзларининг қорнини турли-туман издиҳомларда тўйдириб юришади. Мазкур таълимот Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг “Дил ба ёр-у, даст ба кор” шиорига мутлақо тўғри келмайди. Ислом динимизнинг асосий талабларини ва Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг суннатини инкор қилган бундай таълимотнинг умри қисқа бўлади.

Кўриниб турибдики, юқоридаги тариқатларда учраган ақидавий бузуқ қарашлар сохта қаландарлар фаолиятида ҳам кузатилган. Уларда ҳам маст қилувчи моддалар истеъмол қилиш, оила таъминотига бефарқлик ҳолати XX аср биринчи ярмида кузатилган. Қаландарлар маддоҳлар, санъаткорлар жамоаси билан бирга кўчаларда турли чиқишлар қилиб, намойишлар кўрсатиб, ундан тушадиган тушум эвазига кун кечиришни одат қилганлар.

Профессор А.Эркиновнинг маддоҳлар бўйича олиб борган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, маддоҳлар ва қаландарлар

[178] Тулепов Айдарбек. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр / Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2017. – 536 б.

ўз фаолияти давомида рус ҳукумати топшириқларини ҳам бажаргани ва улар билан келишув асосида тарғибот ишлари билан шуғуллангани маълум бўлди. Рус ҳукумати уларни ислом динининг миссионерлари сифатида баҳолаган[179]. Ана шу даврда қаландарлар фақатгина тиланчилик орқали тушадиган маблағлар ҳисобидан кун кўришга ружу қўйгани кузатилган.

Ҳ.Йўлдошхўжаев ўзининг «Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари» рисоласида нурсафардия деб аталган сохта тариқатчилик таълимоти тўғрисида маълумот берган[180]. Бунда Жиззах вилоятида яшайдиган ва ўз таълимотини тариқатнинг янги кўриниши деб ҳисоблайдиган Сафар Кушаровнинг тариқат йўли назарда тутилаяпти. У ўзининг «Мукаммаллик сари ўн тўрт қадам»[181] китобида Қуръоннинг ҳарфлар билан бошланадиган сураларидаги ҳарфларни тафсир қилишга уриниши ҳақида ёзади. Бу, албатта, жоҳилликнинг бир кўринишидир. Бу ҳақда Ҳ.Йўлдошҳоджаев шундай деб ёзади: "…ислом илмларидан тўлиқ хабардор бўлмаган шахслар ўтмишдаги улуғ уламолар ва ҳатто Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) қўл урмаган ишни бошлаб, Қуръон оятларини ҳеч ким билмаган тарзда тафсир қиламиз, деб чиқса. Улар бу оятларни қандай тафсир қилади-ю, уламолар ва бошқа мусулмонлар буни қандай қабул қиладилар? Бундан янги ихтилоф (фирқаланиш) юзага келмасмикин!?"[182].

Бугунги кунда қаландарликка хос хусусиятлар ва белгилар бошқа тариқатларда ҳам ўз аксини топган. Асли соф ва эътиқоди тўғри бўлган кейинчалик эса бўлиниш натижасида бектошийлардан ажраб чиққан жамоаларнинг айримларини "сохта қаландарийлик" тариқати вакиллари билан алоқадорлиги билан боғлиқ маълумотлар етарлича учрасада, бу маълумотларнинг асоссиз экани бектошийлик тариқатининг

---

[179] Эркинов А. С. Исламский институт маддахов-проповедников в Туркестанском крае: идеологизация русской администрацией репертуара их проповедей // Ars Islamica. В честь Станислава Михайловича Прозорова. – М.: Наука, 2016. – С. 746–797.

[180] Йўлдошхўжаев Ҳ. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари / масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: "Тошкент ислом университети", 2010. – Б.66-75.

[181] Кушаров С. Мукаммаллик сари ўн тўрт қадам. – Тошкент: 2005.

[182] Йўлдошхўжаев Ҳ. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари / масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: "Тошкент ислом университети", 2010. – Б.72.

асл манбалари орқали аниқланган. Бектошийлик тариқати аъзолари бугунги кунда Туркия, Россия ва АҚШда фаолият юритиб келмоқдалар.

Бектошия тариқати XIII асрнинг охирлари – XIV асрнинг бошларида Кичик Осиёда турк аҳолиси орасида пайдо бўлган ҳаракатдир. Тариқатнинг номланиши Ҳожи Бектош Хуросоний билан боғланади. Ҳожи Бектош Валий (1248-1338) асли хуросонлик бўлган[183].

Маҳмуд Асъад Жўшон Ҳожи Бектошни Луқмони Парранда орқали яссавия тариқатига боғлиқлигини қайд этган. Ҳожи Бектошнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида жуда кўп маноқибий мазмундаги ҳикоят ва ривоятлар тўқилганки, улар орасида уйдирмалари ҳам талайгина. Буни ҳатто "Фотиҳа сураси тафсири", "Ҳожи Бектошнинг шатҳияси", "Мақолоти ғайбия" сингари асарларнинг унга нисбат берилишидан ҳам билса бўлади[184].

Ҳожи Бектошнинг энг машҳур ва диққатга молик асари дастлаб араб тилида ёзилган, кейинчалик назм ва насрда туркчалаштирилган "Мақолот" китобидир. "Мақолот"га бағишлаб Туркияда бир қанча ишлар амалга оширилган. Аммо бектошшунос профессор Маҳмуд Асъад Жўшон эришган натижа алоҳида эътиборга молик. У Ҳожи Бектошнинг "Мақолот" асарининг танқидий матнини тайёрлаган[185]. Мазкур асар асосида айтиш мумкинки, айрим манбаларда айтилган танқидлар ва айбловлар холис эмаслигига амин бўламиз.

Ҳожи Бектоши Валий "Мақолот"га кўра, мусулмонларни тўрт тоифага ажратган:

1) шариат аҳли – обидлар,
2) Тариқат аҳли – зоҳидлар,
3) Маърифат аҳли – орифлар,
4) Ҳақиқат аҳли – муҳиблар, ошиқлар.

Булардан дастлабки икки гуруҳни ҳали етилмаган хом, кейинги икки гуруҳни етук ва комил ҳисоблайди. Унга кўра, шариат ҳалол ва

[183] Ислам: энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – С. 39.; Кныщ А.Д. Мусульманский мистицизм. – М.: Диля. 2001. – С. 319.

[184] Ҳожа Бектоши Валий. Мақолот (Сўзбоши муаллифи ва таржимон И.Ҳаққул; Масъул муҳаррир: С.Рафиддинов. – Тошкент: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2000. -56.)

[185] Ҳожи Бектоши Валий. Мақолот. Танқидий матн муаллифи проф. д-р Асъад Жўшон. – Анкара, 1971. -127 б.

ҳаром, тоза-нопок тарзида ҳамма нарсанинг ҳукмини билдиргани учун улуғ бир эшикдир. Шариатнинг ҳукмларини билиш, улуғ Тангрининг Қуръонда "қилинглар" деганларини қилмоқлик, "қилманглар" деганларидан эса сақланмоқлик керак. Аммо фақат шариат илмларини билишлик кишини комил қила олмайди.

Тариқат аҳли дарвешлар кечаю кундуз Тангрини зикр этади, кўплаб ибодатлар қилади, охират тадоригини кўради, аммо мақсад қуруқ ва руҳсиз бир қанча ҳаракатлардан иборат бўлмаслиги керак, агар қилаётган ибодатларига мағрурланиб, кибрга бериладиган бўлса, асло комиликка эриша олмайди.

Маърифат соҳиби орифларга келадиган бўлсак, улар сув каби пок, ҳам покловчидирлар. Дунё ва охират манфаатини ҳам ўйламасдан, самимият билан фақат Аллоҳни хоҳлаганлари учун, ва айниқса, ахлоқ-одобга жуда қаттиқ риоя қилганлари учун Аллоҳ томонидан севиладилар.

Ҳақиқат аҳли муҳиблар эса инсонларнинг энг юксак даражадагиси ва комилидир. Улар тавозе, ризо ва таслимият соҳибидирлар, ўзларида ўз менларини умуман йўқотиб, доимий мушоҳада ва муножот мақомига етган, Ҳақ ошиғи табаррук зотлардир[186].

Ана шу охирги мартабага эришиш учун босиб ўтиладиган йўлда изма-из келадиган "тўрт эшик", яъни шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатнинг ҳар бирида ўнтадан мақом мавжуд бўлиб, умумий миқдорда "қирқ мақом"ни ҳосил қилади. Банда ҳеч қайсини унутиб қолдирмасдан ана шу қирқ мақомни бирма-бир ошиб ўтмагунча асло Аллоҳга ета олмайди.

Ҳожа Бектошнинг юқоридаги қарашларига кўра, мазкур тариқатда шариатга номувофиқ фикр ва мулоҳазалар кузатилмайди. Барча даврларда асл тариқат вакиллари билан бирга эл наздида ўзини суфий тоифалардан қилиб кўрсатувчи шахслар ҳам бўлган. Улар одамларнинг танқидларидан қочиб ва ўзларини оқлаш мақсадида бир нечта тариқатларга интисоб этиш орқали шу тариқат вакиллигини даъво қилиб келганлар.

---

[186] Жўшон М.А. Буюклар туҳфаси. Нашрга тайёрловчи: Нодирхон Ҳасан. –Тошкент: "Муҳаррир нашриёти", 2012. – Б. 95.

Эронлик Олим Мир Обидин бектошийларда қаландарийлар каби ҳуруфийликка хос белгилар акс этишини қуйидаги мисоллар асосида далиллашга уринади. Ҳуруфия[187] тариқатининг асосчиси, кейинчалик раҳбари Саййид Фазлуллоҳ Наъимий Астрободий (туғ.1340 й.) (темурийлар томонидан ўлдирилган) ўз муридлари билан Онадўлига қочиб кетади ва у ерда Бектошия қаландарларига қўшилиб, улар орасида ўз ақидасини кенг ёйишга эришади. Шунинг учун ҳам бектоший қаландарлари орасида ҳуруфия таълимоти кенг тарқалган. Буни бектошийларнинг мажлисларида "Жовидоннома", "Фазли ҳуруфий" асарларини мутолаа қилишларидан ҳам кўришимиз мумкин. Улар "тўрт" рақамида илоҳий қудрат борлигига қаттиқ ишонадилар. Тариқатга кирган кишининг босиб ўтиши лозим бўлган йўлини ҳам тўртта деб биладилар: шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат. Кишиларни ҳам тўрт тоифага бўладилар: обид, зоҳид, ориф ва муҳиб. 12 рақамини эса ўн икки имом номи билан боғлайдилар. Уларнинг айрим одатлари шиалик унсурларини эслатади[188].

Маҳмуд Асъад Жўшон Ҳожи Бектошнинг ўн икки имомга иқрори, тавалло ва табаррони тавсия қилганлиги, яъни, шиаликдаги иснаашарийликка мойил бўлганлиги ҳақидаги фикрлар ҳам асоссиз эканини қайд этган. Матнга котиб томонидан "Мақолот" матни ичида эмас, асарни шеърий таржима қилган Хатибўғли қаламига мансуб муқаддима қисмида келгани учун бу фикрни асоссиз деб баҳолайди[189].

Бектошийликнинг олти асосий босқичи билан танишар эканмиз, уларда қаландарийликка яқин хусусиятларни кўрамиз.

1. Ошиқ – тариқатга аъзо қилинган, лекин ҳали аъзолиги эълон қилинмаган шахс.

---

[187] XIV – XV асрларда Эронда вужудга келган ашаддий шиа фирқаларидан бирининг тарафдорлари. Фирқага Фазлуллоҳ Астрободий асос солган. 1386 йили ўз таълимотини тарғиб қилиб чиққан. У араб ҳарфлари сирли мазмунга эга деган таълимотни илгари сургани учун Ҳуруфий (ҳарфчи) тахаллусини олган. Фирқанинг номи ҳам шундан келиб чиққан.

[188] Абу Толиб Мир Обидин. Ойини қаландарий. – Теҳрон. 1374 (шамс.қам). – Б.65.; Ислам: энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – С. 40.

[189] Буюклар туҳфаси / М.А.Жўшон. (нашрга тайёрловчи: Нодир Ҳасан) – Тошкент: "Муҳаррир нашриёти", 2012. – Б. 97.

2. Муҳиб – ошиқ, тўлиқ тариқат аъзоси ва бектошийлик маросимларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган аъзо.

3. Дарвеш – ўзидан аввалгиларга хизмат қилишнинг охирги босқичи, сулукка кириш кўникмаларини ҳосил қилиш ва назр аташ вақти шу босқичда амалга оширилади. Ҳирқа, тож ва шу каби бектошийлик рамзларини қўлга киритиш имконига эга бўлади.

4. Бобо – ҳудудий такя бошлиғи. Марказий такядан ташқари бўлган ерлик аҳоли такяларининг раҳбарига шу унвон берилган. Бу лавозимга марказий такя бошлиғи халифа ёки дада-бобо тайинлаган. Бобо ошиқ ва муҳиббларни назорат қилиш мавқеига эга бўлган.

5. Дарвеши мужаррад – уйланмаслик анъанасини қабул қилган киши шу номга сазовор бўлган. Бу босқич мужаррадлари учун алоҳида такя ташкил қилинган. Бектошийлар учун Карбалода ва Болим Султон такяси эса Онадўлида барпо қилинган. Улар фақат шу такяда яшаб, соч, соқол, мўйловларини қириб, ажралиб туриш учун қулоқларига кумуш ёки металлдан сирға тақиб юришган.

6. Халифа – боболар бошқарадиган ҳудудий такяларни назорат қилишда чалабий кабидир. "Ижозатнома[190]"да унинг номи дада-бобо деб қайд этилади. Ушбу ҳужжатда келтирилишича, чироқ, байроқ ва дастурхон уларнинг рамзларидандир. Халифа қора чачвонга ўралган тожни кўтариб юриш ва ҳудудий боболарни сайлаш ҳуқуқига эга[191].

Юқорида келтирилганлардан кўриш мумкинки, охирги тўрт босқич айнан қаландарийлик одатларини эслатади. Бу босқич ва лавозимлар айнан қаландарийларда ҳам акс этган. Дарвешлик, мужаррадлик ва боболик қаландарийларда ҳам мавжуд. Айниқса, "чор зарб" одатининг ўхшашлиги бу икки тариқат орасини боғлаб тургандек.

О.Акимушкиннинг фикрига кўра, катта байрамлар асносида назр-ниёзлар улашилади ва шарбат, пишлоқ истеъмол қилинади. Маст қилувчи ичимликлар ичиб мусиқа садоси остида рақс тушилади ва қўшиқ куйланади. Тариқат аъзолари қуббасимон бошкийим (тож) киядилар ва у одатда оқ рангда бўлади.

[190] Бектошийлик анъаналари акс этган қоидалар китоби, тўғрироғи ҳужжат.
[191] Ислам: энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – С. 41.

Маълумки, қаландарларнинг шайхларига бобо унвони берилган. Макризий уларнинг шайхларига бериладиган мазкур унвон, яъни бобо бектошийликда ҳам мавжудлигини қайд этади[192].

Кўплаб тарихчи ва сайёҳлар асарларида бектошийлик ва қаландарлик узвий боғлиқ тариқатлар сифатида тилга олинади. Улар ўртасида бир-бирига яқин қарашлар, анъаналар мавжуд.

Бектошийликнинг анъаналари ифода этилган Ҳожи Бектошийнинг қаламига мансуб, араб тилида битилган “Мақолот” бу тариқат ҳақида тўлиқ ва ҳаққоний маълумот беради.

Ҳожи Бектош Валий Мавлоно Жалолиддин Румий билан замондош бўлган. Икки машҳур суфий ҳам башариятга яхши назар билан боққан, кенг фикрли, бағрикенг, инсонпарвар кишилар бўлганлар. Мавлоно Жалолиддин Румий адабиёт тили бўлган форсчани қўллаб, маърифатли ва ақлий салоҳияти юқори инсонларга мурожаат қилган бўлса, Ҳожи Бектош Валий эса қишлоқ аҳолиси ва аскарларига хитоб этган эди.

Бектошийликнинг кўплаб мамлакатларга ёйилиши Мавлавийликда бўлгани каби, кучли тариқат адабиёт эга бўлмагани, илк даврларда бектошийликнинг марказлашган ташкилотига асос солинмагани учун фикрий тарқоқликларга йўл очди. Кейинчалик, ҳайдария, қаландарий, хуруфия ва адҳамия каби таъқибга учраган гуруҳларнинг бу тариқатга кириши, ҳудудларда бошқа дин ва маданиятлар билан ўзаро алоқалар, XVI асрдан эътиборан Эрондан кириб келган шиаликка кучли тарғибот битта том остида муташаррийдан мулҳидга қадар турли тоифа инсонлар жон сақлаган чигал, аралаш, мавҳум ва космополит (қурама) бектошийлик тариқати юзага келди.

Қаландарийлик каби бектошийликда ҳам илк даврларда фаол, бунёдкор, беғубор ва фойдали дарвешлар билан кейинги фаолияти издан чиққан, асл мақсад ва орзусидан узоқлашган жамоатлар орасидаги чуқур тафовут бошқалар диққатини тортиб келмоқда.

Аҳмад Яшар Ожак “Қаландария” рисоласида бектошийлик ва қаландарийлик орасидаги ўхшаш жиҳатларни санаб ўтади. Улар орасида мужаррадлик, чор зарб усули, шеър ўқиш ва либосларидаги айрим ўхшашликлар яққол намоён бўлади. Ҳожи Бектош қаламига

[192]Макризий. Китаб ас-сулук ли марифати дувалил мулук. – Кахира, 1936.

мансуб шеърларнинг қаландарийлар орасида машҳур бўлиши ва улар томонидан мунтазам ўқиб юрилиши ҳам бу икки тариқатнинг боғлиқ жиҳатларидан далолат беради. Аҳмад Яшар Ҳожи Бектош Валийнинг аввалда қаландарий бўлганини тахмин қилади[193].

Қаландарийликка яқин ва у билан кўпинча ёнма-ён тилга олинадиган тариқат неъматуллоҳиядир. Эронлик агиограф Маъсум Шерозий "Тароиқул ҳақоиқ" асарида маълумот беришича, неъматуллоҳийлар Мисрда қаландарий шайхлари билан яқин муносабатда бўлганлар[194]. Манбаларда уларга қаландарийликнинг бир шаҳобчаси сифатида қаралади. Неъматуллоҳ ўзининг муридларига ўн икки бурчакли қалпоқ кийишни тавсия қилган. Бу қалпоқ шиаликдаги ўн икки имомга далолат қилган. "Валоятномэи Ҳожи Бектош" асарида ҳам келтирилишича, Ҳожи Бектош Валийнинг муридлари шунақанги қалпоқ кийиб юрган. Қаландарларда ҳам бу анъана акс этган[195]. Бунинг боиси барча дарвешларга хос умумий кўриниш ҳирқа ва қалансува қалпоғини кийишда намоён бўлган.

XIV асрда ёзилган Ибн Баттутанинг қайдларида келтирилган ҳайдарийлик одатлари XV асрда ёзилган "Валоятномэи Ҳожи Бектоши Валий"да баён қилинган бектошийлик аъзоларининг удум ва одатларига мос келади. Бу урф-одатлар Эрондан Шарқ ва Ғарб мамлакатларидаги барча қаландарийлик, хусусан, бектошийлик йўналиши вакилларига ҳам етиб борди[196].

Маълумки, бектошийлар суннийликка амал қилиб келганлар. Шунга қарамай, уларда айрим шиалик культларининг намоён бўлиши қаландарийларда ҳам кузатилган ҳолатдир. Бектошийларнинг Алини муқаддаслаштиришлари ва ўн икки имомга бўлган муносабатлари қаландарийларда ҳам намоён бўлади.

---

[193] Ahmet Yasar Ocak. Osmanli imperatorlugunda marjinal sufilik: Kalenderiler. – Ankara: Turk tarix kurumi Basimevi. 1992. – Б. 204-215.

[194] Аверьянов Ю.А. Хаджи Бекташ и каландары. Странствующие дервиши на землях Османского государства // Ираннамэ. 2005. – № 3.

[195] Аверьянов Ю.А. Хаджи Бекташ и каландары. Странствующие дервиши на землях Османского государства // Ираннамэ. 2005. – № 3.

[196] Ahmet Yasar Ocak. Osmanli imperatorlugunda marjinal sufilik: Kalenderiler. – Ankara: Turk tarih kurumi Basimevi. 1992. – Б. 50.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бектошийлик ҳам қаландарийлик ҳам мустақил тариқат бўлиб, замон ва макон таъсири остида кўплаб ўзгаришларга учраган. Ғарб ва айрим турк тадқиқотчиларидан фарқли равишда бектошийлик қаландарийликнинг бир шўъбаси деб айтишга асосимиз етарли эмас. Балки ўзаро таъсирлангани, дастлаб ҳақ йўлда бўлгани ва адашган жамоаларнинг уларга келиб қўшилиши натижасида бир-бирига ўхшаш салбий жиҳатлар намоён бўла бориши натижасида уларни умумлаштириш ҳолатлари юзага келгани аниқланди. Эътиқоди соф қаландарларга қўшилган диндан узоқ кишилар бектошийликка ҳам таъсир ўтказиши натижасида ўзаро муштарак салбий жиҳатлар намоён бўлган. Бу эса суфийликка алоқаси бўлмаган кишиларнинг тариқат аъзолигига доғ туширишига сабаб бўлган. Уларнинг асл моҳияти ва ҳаққонийлигига путур етказадиган қарашлардан огоҳ бўлиш зарур.

Бугунги кунда Ҳиндистон, Эрон ва Мисрнинг айрим ҳудудларида қаландарий жамоалари мавжуд. Ўзбекистондаги баъзи замонавий тариқатчилик вакиллари орасида илмга бефарқлик, оила таъминотини тарк этиш, касб қилишга аҳамият қаратмаслик каби сохта қаландарийликка хос жиҳатлар ўз аксини топган.

– Ўзбекистон Миллий архивининг Чор Россияси даврига оид ҳужжатларига кўра, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрларнинг биринчи чорагида Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-иқтисодий таназзул туфайли муҳтож аҳолининг бепул бошпана ва егулик илинжида қаландархоналарга мурожаатлари ортиб, қаландархоналар сони ўлкада 100 га етган;

– Туркистон матбуотида жадид намояндалари ва жамиятдаги дин уламолари томонидан ўлкадаги қаландарийлар ҳақида салбий муносабат билдирилган. Бу даврда қаландарийликнинг моҳияти аслидан узоқлашиб, қаландархоналар ишсизлар ва тиланчилар учун бошпана манбаига айланиб қолган. Жадидлар даврий матбуоти ва илмий нашрларида жамиятдаги тартиб қоидаларга амал қилмайдиган, тариқатга мансубликни даъво қилувчи қаландарлар фаолияти мунтазам танқид остига олинган;

– қаландарийлик тариқатига муносабат даврларга кўра бир-биридан фарқланган. Тариқат шаклланган XI-XII асрларда уларга нисбатан ижобий қараш мавжуд бўлган. XIII-XVI асрлар давомида ҳақиқий

ва сохта қаландар тушунчаси шаклланган. XVIII-XX асрларга келиб қаландарларнинг деярли барчаси асл моҳиятини йўқотган тариқат вакиллари сифатида қайд этилган;

– Бугунги кунда Ҳиндистон, Эрон ва Мисрнинг айрим ҳудудларида қаландарий жамоалари мавжуд. Ўзбекистондаги баъзи замонавий тариқатчилик вакиллари орасида илмга бефарқлик, оила таъминотини тарк этиш, касб қилишга аҳамият қаратмаслик каби сохта қаландарийликка хос жиҳатлар ўз аксини топган.

Китобда келтирилган мақсад ва вазифалар доирасида амалга оширилган таҳлиллар натижасидан қуйидаги хулосаларга келинди:

Марказий Осиёда қаландарийлик тариқатинининг тарихи ва улар яшаган ҳудудлар билан боғлиқ маълумотлар саёҳатномаларда ўз аксини топган. Тасаввуфий манбалар қаландарийликнинг тариқат сифатидаги аҳамиятини, қаландарнома қўлёзмалари эса амалий жиҳатлари билан боғлиқ хусусиятларини ва Ўзбекистон Миллий архиви ҳужжатлари жамиятда тутган ўрнини очиб беришга хизмат қилади. Юқорида келтирилган манбаларга кўра, Марказий Осиёда қаландарийлик жамиятнинг турли қатламларида, жумладан, шариат ва тасаввуф вакиллари орасида авж олган риё, ҳашаматга берилиш каби иллатлардан норозиликнинг ифодаси сифатида юзага келган. Жамиятдан четлашиш ҳамда нафсни ислоҳ қилиш йўлида қаландарийликдаги асосий тамойиллар “сидқ” ва “ихлос”га эътибор қаратилган.

Ўрта асрларда Марказий Осиё қаландарлари ҳанафийликка амал қилиши, соликнинг тариқат мақомларини ўтаб, ижтимоий фаол ҳаётга қайтиши ҳамда ташқи қиёфаси жиҳатидан ҳозирги Эрон ва Туркия қаландарларидан фарқланган. Улар орасидаги фарқлар зикр амалиёти, ҳирқа турлари ва эътиқодий қарашлар масалаларида ҳам намоён бўлган. Марказий Осиёда ҳайдарийлар, ишқийлар, хароботийлар ва абдолийлар қаландарийлик йўналиши вакиллари сифатида якка ёки гуруҳ тарзида фаолият олиб борганлар.

Қаландарийлик асослари маломатийлик негизида шаклланган, шу сабабли XI-XII асрларда қаландарийлик тариқатида маломатийликдаги “маломат”, “фақир” ва “ихлос” тушунчалари устувор бўлган. Мазкур даврда қаландарийлар эътиқодий жиҳатдан танқидларга учрамаган. XIII-XV асрларда “ваҳдат ал-вужуд” таълимотининг ўзлаштирилиши,

қаландарларнинг “ҳулул” ва “таносух” билан “тамға”ланиши уларнинг тасаввуф аҳли орасида аввалги мавқеига путур етишига сабаб бўлган.

Қаландарийлар тасаввуфий манбаларда уч тоифага ажратилади: биринчиси, қаландарлик ҳаёт тарзини ўзида мужассам этган суфийлар, иккинчиси, қаландарийлик тариқатига мансуб шахслар ва учинчиси, қаландарийликни даъво қилувчи сохта дарвешлар. Шу билан бирга қаландарийлар қарашлари ва амалиётига кўра, суннийлик ва шиаликка амал қилувчи, асл моҳиятини йўқотмаган ва бирламчи асослардан узоқлашган турларга ажратилади. Марказий Осиё қаландарлари ўрта асрларда суннийлик амалиётига қаттиқ эътибор берган бўлса, кейинги даврларда турли ташқи таъсирлар натижасида уларнинг ақидавий қарашлари ва амалиётларида ўзгаришлар қайд этилган.

Мумтоз адабиётда қаландарлар лирик қаҳрамон сифатида қуйидаги маънавий қиёфаларга эга бўлган: ошиқ, мажзуб ва адашган. Ошиқ қаландарлар – чинакам Ҳақ ошиқлари, ботин (ички олам) ободлиги учун зоҳир хароблигига парво қилмайдиган кишилар. Мажзуб қаландарлар – қисса, маноқиб ва тазкираларда тавсиф этилган валийсифат кишилар. Учинчи қиёфа эгалари бўлган қаландарлар амалларида намойиш ва риёдан сақлана олмаган қаландарлар. Улар одоб талабларидан четга чиққан тоифа сифатида ёритилган.

Қаландарийлик амалий характерга эга бўлгани, уларга хос фаолият сир сақланиши лозимлиги сабабли мазкур тариқат вакиллари томонидан ёзма манбаларда таълиф этишга кам эътибор қаратилган. Улар ўзлари ва Яратган ўртасидаги муносабатни ошкор қилишдан сақланганлар. Шунга қарамасдан “қаландарнома” жанридаги асарлар туфайли қаландарийлик тариқатига тегишли маълумотлар ёзма шаклга келтирилган. Илк ўрта асрларга оид Эрон қаландарномаларида қаландарийлик тариқатининг асосчиси Жамолиддин Савий ва унинг шогирдлари ҳамда тариқат одобига оид маълумотлар назмий услубда ёритилган. Улар баъзан “Маноқиби Жамолиддин Савий ёхуд қаландарнома” номи билан ҳам аталган. Марказий Осиёга хос “Қаландарнома” рисолаларида тариқатга кириш одоби, фақирликнинг моҳияти, пир-мурид муносабатлари, вирдлар, хирқа ва кулоҳ кийиш шартлари, қаландарийларга хос мақом ва ҳолларга оид маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистон Миллий архивининг Чор Россияси даврига оид ҳужжатларига кўра, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрларнинг биринчи чорагида Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-иқтисодий таназзул туфайли муҳтож аҳолининг бепул бошпана ва егулик илинжида қаландархоналарга мурожаатлари ортиб, қаландархоналар сони ўлкада 100 га етган.

Туркистон матбуотида жадид намояндалари ва жамиятдаги дин уламолари томонидан ўлкадаги қаландарийлар ҳақида салбий муносабат билдирилган. Бу даврда қаландарийликнинг моҳияти аслидан узоқлашиб, қаландархоналар ишсизлар ва тиланчилар учун бошпана манбаига айланиб қолган. Жадидлар даврий матбуоти ва илмий нашрларида жамиятдаги тартиб қоидаларга амал қилмайдиган, тариқатга мансубликни даъво қилувчи қаландарлар фаолияти мунтазам танқид остига олинган.

Қаландарийлик тариқатига муносабат даврларга кўра бир-биридан фарқланган. Тариқат шаклланган XI-XII асрларда уларга нисбатан ижобий қараш мавжуд бўлган. XIII-XVI асрлар давомида ҳақиқий ва сохта қаландар тушунчаси шаклланган. XVIII-XX асрларга келиб қаландарларнинг деярли барчаси асл моҳиятини йўқотган тариқат вакиллари сифатида қайд этилган.

Бугунги кунда Ҳиндистон, Эрон ва Мисрнинг айрим ҳудудларида қаландарий жамоалари мавжуд. Ўзбекистондаги баъзи замонавий тариқатчилик вакиллари орасида илмга бефарқлик, оила таъминотини тарк этиш, касб қилишга аҳамият қаратмаслик каби сохта қаландарийликка хос жиҳатлар ўз аксини топган.

## АТАМАЛАРНИНГ ИЗОҲ ВА ШАРҲЛАРИ

1. **абдол** – арабча “бадал” сўзининг кўплик шакли. Форс ва туркий тилларда “чилтан” деб юритилади. Демак, улар қирқ кишидан иборат бўлади. Лекин баъзи манбаларда уларнинг ададди ўттиз киши деб ҳам белгиланган. Улар рижалул ғайб – ғоиб кишилари тоифасидан бўлиб, ўзлари халқ ичида бўлсаларда, уларнинг абдол эканликларини ҳеч ким билмайди. Ўзлари ҳам буни махфий тутадилар. Улардан қайси бири вафот этса, ўрнига дарҳол бошқаси тайин қилинади. Олдингисига бадал (ўринбосар) бўлиб келгани учун ҳам уларда “абдол”, яъни “ўринбосарлар” деб ном берилган.
2. **абдол тили** – Марказий Осиё қаландарларининг орасидагина қўлланилган махсус тил. Ушбу тилнинг таркибий тузулиши араб, қадимги иврит, ҳинд, форс ва турк тилларидаги сўзлар жамланмасидан иборат. Баъзи сўзларининг келиб чиқиш илдизлари ҳам номаълум. Абдол тилининг деярли ярми Марказий Осиё лўлиларининг арго тилига тўлиқ мос тушади. Ушбу тил XX асрнинг илк ўн йилликларига қадар қаландарлар ва лўлилар орасида истефода қилиб келинган.
3. **байъат** – арабча олди-сотди маъносини англатади. Шариатда кишиларни Расулуллоҳга итоат этиш ҳақида берган ваъдалари. Байъат вақтида қўл ушлашиб туриб аҳд берилганидан аҳли тасаввуфда муриднинг шайхга қилган байъатини ҳам “қўл бериш” дейилади. Шайхнинг муридга қўл бериши ҳижрий бешинчи аср (мил. 11 аср)ларда бошланган. Бунда мурид ўз шайхига тақвода бардавом бўлишга аҳду-паймон қилади.
4. **баҳра** – қаландарлар топган даромадини тақсим қилинадиган қисми. Бу тақсим баҳра ёки қисм деб аталган.
5. **валийлик** – Тасаввуфнинг муҳим мавзуларидан бири бўлиб, валий (кўплиги авлиё) сўзи луғатда «дўст», «яқин» каби бир неча маъноларни англатади.

6. **ваҳдати вужуд** – арабча бирлик ва борлиқнинг бир бутунлиги. Абадий ягона Аллоҳгина бор деб ҳисобловчи таълимот. Бу таълимотга кўра, моддий олам, нарсалар дунёси ҳақиқий эмас, ҳақиқат фақат Аллоҳда мужассамланган. Моддий олам Аллоҳ нурининг шуъласидир. Ваҳдати вужуд намоёндаси Ибн Арабий Худо бутун борлиқни яратиб туради, деб ҳисоблайди. Ваҳдати вужуд фалсафаси XVII – XIX асрларда Ҳиндистон ва Туркистонда тасаввуфнинг кенг тарқалишига сабаб бўлди.
7. **гашиш** – дарвешлар томонидан истеъмол қилинадиган маст қилувчи модда.
8. **дарвеш** – бир тариқатга боғлиқ одам. Асл маъноси Аллоҳ йўлида хоксорлик ва фақирликни қабул қилган кимсани англатади. Дарвеш сўзининг асл маъноси эшикларда нарса тиловчи бўлиб, дарвеш демак. Дарвешнинг қадимги шакли даровез – эшикларга осилувчидир, кейинчалик у дарвеш шаклини олган. Дарвеш моддий бойликдан кечган, ҳақиқат йўлига кирган Ҳақ ошиғидир. Суфий, девона, қаландар каби атамалар ҳам баъзан дарвеш маъносида қўлланилади.
9. **девона** – Марказий Осиё қаландарларига берилган номлардан бири. Ишқдан ақлини йўқотган киши. Нақшбандийлик тариқати вакиллари ҳам маълум бир ҳудудларда шу ном билан аталади.
10. **жавлақийлар** – жаволиқ араб. “жулоҳ” сўзининг кўплиги бўлиб, “ямоқ” деган маънони англатади. Бундай матодан тикилган либосни ярми оқ, ярми қора рангда бўлган. Жаволиқ кийган қаландарийлар жамоаси жавлақийлар деб аталган. Уни кийиб юришни қаландарийлар орасида урфга айлантирган шахс қаландарийликнинг Эрондаги шайхи Жамолиддин Савийнинг муриди Муҳаммад Балхийдир.
11. **жавонмард** – “фатий”, “ахий” сўзларига маънодош бўлиб, мард йигит, дўст демакдир. Қадимий Хуросон ва Мовароуннаҳр шаҳарларида X асрларда бошлаб фаолият юритган ҳаракат. Ҳар бир ишларида олийжаноблик ва мардлик ҳамда маънавий етукликка интилганлар. Жавонмардлар оддий халқ ичидан чиққан ҳунармандлар, сипоҳийлар, паҳлавонлар, қизиқчилар, дарбозлар ва бошқа тоифалардан ташкил топган.

12. **жовидоннома** – ҳуруфийлик йўналиши асосчиси Фазлуллоҳ Астрободийнинг китобларидан бирининг номи. У XV асрларда мазкур оқимни шакллантирган.
13. **зикр** – (арабча ёдга олиш, эслаш) амалиёти – тасаввуфда Худони ёдга олиш билан боғлиқ асосий маросим тури. Қуръони каримнинг саксондан ортиқ ерида ҳамда кўплаб ҳадисларда мусулмонлар Аллоҳни мудом зикр қилишга чақириладилар. Тасаввуф шаклланиши босқичида нисбатан оддий кўринишга эга зикр, тариқат босқичига келганда (XII-XIV асрлар) мураккаблашиб борди. Тариқатларда зикр адо этиш бўйича махсус қўлланмалар яратилди, суфийлар зикрда тана ҳаракатлари, махсус ўтириш қоидалари (жалса), зикрда ўқиладиган дуоларга мувофиқ тарзда нафас олиш ва чиқаришни назорат қилиш (ҳабсу-н-нафас, ҳабси дам), тананинг муайян қисмларига дам уриш каби амалиётлар қўшиб борилди. Натижада тариқатлар зикр кўринишларига кўра бир-биридан фарқланадиган бўлди: а) қиёмий: тик турган ҳолда зикр тушадиган тариқатлар – қодирия; б) қу‘удий – ўтириб зикр қиладиган тариқатлар – нақшбандия; в) хафий – овоз чиқармай зикр қилувчи тариқатлар – нақшбандия; г) жаҳрий – овоз чиқариб зикр қилувчи тариқатлар – халватия.
14. **Зова** – ҳайдария йўналиши асосчиси Қутбиддин Ҳайдар Завоий (ваф.616/1221) туғилган жой номи. Бу жой Хуросон ҳудудида жойлашган. Унинг вафотидан сўнг мазкур ҳудуд Қутбиддин Ҳайдарга нисбат ўларок, “Турбати Ҳайдар” деб аталадиган бўлган.
15. **зовия** – арабча бурчак, ҳужра суфийлар, дарвешлар тушадиган ва яшайдиган маскан. Араб мамлакатларининг баъзиларида работ, баъзиларида зовия, деб аталган. Эрон ва Афғонистондаги такя, Ўрта Осиёдаги хонақоҳга тўғри келиб, суфийлар, дарвешлар, мусофирлар, фақирлар тўхтаб, истиқомат қиладиган манзил. Баъзан зовия деб, жоме бўлмаган, яъни минбарсиз кичик масжидга ҳам айтилади. Қадимда зовиялар кўп бўлиб, улар ислом оламида тасаввуфнинг кенг тарқалишига хизмат қилган. **зуҳд** – дунё ва унинг лаззатлари орзуларидан кечиб, тоат ибодат билан машғул бўлишликни англатади.

16. **ихлос** – ҳар бир ишни сидқи дилдан, чин кўнгилдан бажариш. Бунда кишилар назарини эътиборга олмай, Яратганнинг розилиги кўзланади.
17. **қаландарийлик** – сўфийлик-зоҳидлик ҳаракати. Малома-тийлик мактабининг ғоялари таъсири остида юзага келган жамоа. Кейинчалик тариқатга айланган. Қаландарийлик Хуросон ва Ўрта Осиёда XI аср бошларида юзага келди. Оммалашиб, Шарқда Фарғонадан тортиб, Ғарбда Ироқ ва Шомга қадар кенг тарқалган. Қаландарийлик сулукларининг таъсири Покистон, Ҳиндистон, Эрон ва Африканинг айрим мамлакатларида ҳозир ҳам сезилади.
18. **қаландархона** – қаландарлар ўз шайхлари бошчилигида жамоавий тарзда ҳаёт кечирадиган маскан. Қаландархона кўп кишилар истиқомати учун мўлжалланган бўлиб, у ерда яшовчилар сони таълим олувчилар билан бирга икки юз кишигача етадиган бўлган. Улар ўз масканларини хонақо ёки қаландархона деб аташган. Қаландархоналар Марказий Осиёнинг кўпгина ҳудудларида, жумладан, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хўжанд, Хоразм, Фарғона кабиларда ҳам мавжуд бўлган.
19. **карромийлар** – илоҳиёт оқими. IX-X асрларда Бағдод халифалигининг Марказий ва Шарқий вилоятларида тарқалган. Асосчиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Карром (806-869). Сейстонда туғилган, Нишопур, Балх, Марв ва Ҳирот каби шаҳарларда таълим олган. Сейстон ва Хуросонда таълимотини ёйгани учун зиндонбанд қилинган. Қуддусда вафот этган. Карромийлар фикрига кўра, Худо – бутун борлиқнинг бирламчи асоси, у муайян жисмга эга. Худо барча нарсаларнинг яратувчиси, аммо инсон ўз фаолиятининг натижаларига таъсир кўрсата олади. Улар тиланчилик қилишни ёқлаганлар. Чунки, таваккул масаласида ғулуга кетганлар. Уларнинг фаолияти мўғуллар босқинидан кейин барҳам топган.
20. **маздакийлар** – V асрнинг охири VI асрнинг бошларида сосонийлар Эронида вужудга келган ва исломнинг дастлабки асрларида халифаликнинг Шарқий қисмида мавжуд бўлган зардуштийлик тариқатларидан бирининг номи. Асосчиси Маздак шарафига

тариқатга мазкур ном берилган. Маздакийлик Зардуштакон номли "ашаддий" манихейлик тариқатидан келиб чиққан бўлиб, унинг тарафдорлари мулкий ва табақавий тенгсизликни йўқ қилишни мақсад қилганлар. Ҳатто, улар томонидан хотинларни умумий, деб эълон қилинган. Хусрав Анишурвон томонидан (таҳ.530 й) маздак тарафдорлари тор-мор этилган.

21. **қалансува** – дарвешлар киядиган бош кийими.
22. **камар** – бир мартага мўлжалланган, камар – шайх томонидан такбир айтилган ҳолда дарвешнинг белига боғланадиган белбоғ. Бу шайху тариқатга хизмат қилиш учун бел боғлашни англатган. Кенглиги беш олти энлик келади. Жундан тикилган ва чеккалари тери билан ўралган қалин белбоғ. Унга "ғайрат белбоғи" номи ҳам берилган.
23. **кашкул** – хайр-садақа йиғиладиган қовоқсимон идиш. Қаландарлар тиланчилик қилиб топган пулларини кашкулга солиб юрганлар.
24. **кулоҳ** – жундан тикилган ёки маълум бир қисмлари жундан иборат учи учлик бош кийим. Унинг бошқа номи тождир. Кулоҳни қаландарлар, дарвешлар кийганлар. Ранги ва шакли тариқатга қараб турлича бўлади.
25. **маддоҳлар** – ўзларининг валийнеъматлари сифатида Абдулқодир Гилоний (1078-1166)ни биладиган тоифа. Тошкентда маддоҳлар қаландарийлик тариқати шайхининг муриди ҳисобланган. XIX аср охирларида Тошкентда 10 та маддоҳ 50-60 та шогирдига бошчилик қилган. Улар қаландарлар билан яқин алоқада бўлиб, қаландархонадан унча узоқ бўлмаган жойда ўз оилалари билан истиқомат қилиб келган. Улар халқ орасида "сўз айтгувчи" сифатида машҳур бўлиб, уч тўрт кишилик гуруҳ ташкил қилиб, диний шеърлар ўқиб, томоша кўрсатганлар.
26. **маърифат** – инсоннинг ўзи ва Раббини таниши. Ҳақиқат аҳлининг фикрича, инсон фақатгина маърифатуллоҳ орқали саодатга эришади. Яъни, маърифат бир нур бўлиб, имон аҳли шу маърифат нурлари орқали Аллоҳга яқинлашади.
27. **мужаррад** – уйланмаслик анъанасини қабул қилган киши шу номга сазовор бўлган. Бу босқич мужаррадлари учун алоҳида такя ташкил қилинган.

28. **мужоҳада** – нафсни вужудий машаққатлар, ибодат ва риёзатлар билан қийнаш. Ҳою ҳавасга қатъиян қарши курашиш.
29. **муражқа** – қаландарлар киядиган, ямоқ матолардан тикиладиган турли ранглардаги устки кийим. Қаландарлар кундалик кийишлари учун кўримсиз ранглардан тикилган муражқа кийганлар. Байрамларда эса ёрқин рангли мато қийқимларидан тикилган муражқа кийишган. Қаландарлар мазкур икки либос билан чекланганлар.
30. **мурид** – тариқат одобига кўра, маълум бир шайхга боғланиб, ақлу иродасини Ҳақнинг мутлақ иродасига бўйсундирган ва сулук йўлига кирган киши. Муридлик муҳибликдан сўнг эгалланадиган бир босқич ҳисобланади.
31. **муршид** – арабчада йўл кўрсатувчи деган маънони англатади. У тариқат пири, тўғри йўлга бошловчи раҳнамо, иршод қилувчи шайх.
32. **мутарасм** –дарвешларнинг расму русумларига эргашувчилар, аммо улар дарвешларнинг одатларига зоҳиран тақлид қилсалар-да, ботинан ҳол талабгоридирлар ва шу тоифага ихлослари туфайли илоҳий файздан баҳраманд бўлиш умидидадирлар.
33. **обид** – арабчада ибодат қилувчи кишини билдиради. Нафл ибодатларга, турли дуо ва бошқа диний амалиётларга ўзини бағишлаган киши. Диннинг барча амалларини бажариш билан бирга қўшимча ибодатларга ҳам катта аҳамият қаратади.
34. **отавой** – қаландарларнинг етакчиси отавой, унинг ўринбосари муовин, қолган аъзолар эса шўрокорлар, деб аталган.
35. **пешталқин** – зикрнинг бир тури бўлиб, қаландарлар жамоавий тарзда амалга оширадиган амал. Бунда қаландарлар жўр бўлиб бирон бир шеърни қўшиқ қилиб ижро этадилар.
36. **риё** – ҳар қандай савобли, эзгу ишларни одамлар кўрсин ва билсин, деб ошкор бажариш. Манманлик билан амалга ошириш. Риёга антоним сифатида “сидқ” атамаси қўлланилади. Маломатийлик тарафдорлари “риё”га қарши курашиб “сидқ”қа эришишни мақсад қиладилар.
37. **риёзат** – оз емоқ, оз ухламоқ ва оз гапирмоқ таълимоти. Нафснинг орзуларини тарк этиб, кўпроқ тоат-ибодат билан шуғулланмоқ.

38. **ринд** – дунё ишларини хуш кўрган киши. Ринд шариат қоидаларини жоҳиллик юзасидан эмас, онгли суратда инкор қилувчи одам. Адабиётларда ринд майпараст, бодадан ҳақиқат сармасти бўлиб, ишқ саҳросида саргардон киши.
39. **ризо** – розилик, хушнудлик, мамнунлик. Тасаввуфда Аллоҳ ҳукми ва иродасига тўла таслим бўлиш. Ризо – қайғу ва қадарнинг аччиқлигини қалб севинчи ила қаршиламоқ.
40. **робита** – алоқа, шайхнинг сурат ва шаклини зеҳнда тахайюл ва тасаввур қилиш. Робитаи мавт – ўлимни эслаш, «ўлмасдан бурун ўлиш». Робитаи қалб ёки робитаи ҳузур — қалбга таважжуҳ қилиш, Аллоҳни «жон томири»дан ҳам яқин ҳис қилиш, ўйлаш ва ҳушёр тортиш.
41. **Сава** – Эрондаги Ҳамадон ва Теҳрон оралиғидаги шаҳар.
42. **само** – суфийларнинг мусиқа ёрдамида зикр тушиши (кўпинча мусиқа билан, қўшиқ билан).
43. **саҳв** – ҳушёрлик демак. Ушбу концепциянинг асосчиси Жунайд Бағдодий (ҳ.298-м.909). Асрдоши Мансур Ҳалложнинг жўшқин ҳатти-ҳаракатини маъқулламаган. Шатаҳиётларга бой тасаввуф тушунчасига майл этмаган.
44. **сукр** – сархушлик. Илоҳий ишқ майидан маст бўлиб ўзини унитган, ўзидан кечган ошиқнинг ҳоли. Асосчиси Боязид Бистоми (261/874)дир. Тасаввуфнинг энг ёрқин сиймоларидан бири. Тасаввуфда “ишқ” ва “ваҳдат” тушунчаларини илгари сурган. У беҳуд яъни сархушлик ҳолатида айтилган маъжозий маънодаги шатаҳиётларнинг намоёндаси.
45. **таважжуҳ** – юзланиш, зеҳнни диққат ила бир нарсага қаратиш. Тасаввуфий моҳиятда таважжуҳ Аллоҳга юз бурмоқ, йўналмоқ ёки тушунчани ҳусни мутлаққа тўлиқ тобе, айламоқ демак. Таважжуҳда солик ўзлигидан кечмаган бўлса-да, шунга ҳаракат қилиши керак. Таважжуҳ важддан аввал юз берадиган ҳол саналади.
46. **таваккул** – Аллоҳга таяниб сабабни тарк этиш, Аллоҳни вакил қилиш, сабабга эмас, сабабни яратганга, Мусаббибга ишониш, ризқ қайғусида бўлмаслик**.**
47. **тажрид** – инсонлардан алоҳида яшаш, дунё ташвишини ўйламаслик.

48. **таквин** – бор этмоқ, ижод қилмоқ, бирор бир нарсани йўқликдан борлиққа чиқармоқ, Аллоҳнинг хос сифатларидан бири. Аллоҳ ана шу сифат ила ҳар қандай нарсани йўқдан бор, бордан йўқ этади.
49. **талвин** – бир рангдан бошқа рангга ўтиш, бир ҳолдан бошқа ҳолга ўзгаришдир. Талвиннинг натижаси тамкин ҳисобланади. Тамкин бир манзилда қарор топмоқ, вазминлик ва руҳий улуғворликка эришмоқ маъносини англатади.
50. **тавба** –шариатда вожиб, тариқатда шарт, сулукда лозим бўлган тушунча. Тасаввуфда банданинг парвардигори сари сафари бўлса, бу сафар манзиллари – мақомлари еттитадир. Биринчиси тавбадир. Тасаввуф истилоҳида тавба руҳнинг бедорлигидир. Тавба инсон руҳининг биириночи исёнидир. Қуръони каримда "Тавба" сураси ҳам мавжуд бўлиб, мазкур китобда 87 бор "Тавба" сўзи ишлатилган.
51. **такя** – тариқат етакчилари фаолият олиб борадиган маскан бўлиб, работ, зовия, хонақоҳ каби номлар билан ҳам аталади. Булар орасидаги фарқ катта кичиклиги билан боғлиқдир. Бир тариқатнинг барча такялари ўша тариқат шайхи жойлашган ҳонақоҳга тегишли бўлади. Кичикроқ такя зовия дейилади.
52. **талвин ёки талаввун** – солик кайфиятининг барқарор бўлмаган, ҳали кўнглидан шубҳа батамом кўтарилмаган пайт. Бу босқичдан ўтса тажридга киради.
53. **таннура** – белдан тепаси тор, пасти кенг, узунлиги тўпиққача, ёқасиз, енгсиз, белгача келадиган либос.
54. **тариқат** – арабчада "йўл" маъносини англатади. Тасаввуфий истилоҳда эса Яратганга яқинлашиши ва Унинг ризолигига эришиш мақсадида юриш керак бўлган йўл. Бу йўлда юрган киши солик дейилади.
55. **тафрид** – ёлғизланиш. Барча моддий нарсалардан кўнгил узиш.
56. **тўра** – XVIII-XIX асрларда қаландарийлик тариқатининг ҳудудий раҳбарларига берилган унвон. Мазкур даврда тўра атамаси "хон" сўзининг маънодоши сифатида ҳам ишлатилган.
